

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси

С.Болтабоев

**СПОРТ ТИББИЁТИ-ДЖМ ВА ЖТ ГИГИЕНАСИ
ФАНИДАН**

МАЪРУЗАЛАР МАТНИ



Наманган-2013

Мазкур маъruzалар матни бакалавриат йўналиши: 5141900 - Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият йўналиши учун мўлжалланган бўлиб, талабаларга «Спорт тиббиёти-ДЖМ ва ЖТ гигиенаси» фанидан системали билимлар бериш: жумладан жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари туфайли пайдо бўлган касалликларни даволаш ва тиббий тиклаш йўлларини ҳамда машғулотлар давомида биринчи тиббий ёрдам кўрсатишни ўргатади

Тузувчи: Тиббиёт фанлари номзоди С.А.Болтабоев

Тақризчи: Педагогика фанлари номзоди С.В.Азизов

Маъruzалар матни НамДУни Жисмоний тарбия ва спорт кафедрасининг 2013 йил 26 августдаги 1-сонли умумий йиғилишида муҳокамадан ўтган ва факультет кенгashiда муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудири:

п.ф.н. Н.Азизов

Маъruzалар матни НамДУнинг Педагогика ва Жисмоний маданият факултети илмий кенгashiда муҳокама этилган ва НамДУнинг ўқув-услубий кенгashiда муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

2013 йил 27 августдаги 1-сонли мажлис баёни.

Декан ўринбосари:

п.ф.н. доц. С.В.Азизов.

Маъruzалар матни НамДУнинг ўқув-услубий кенгashiда муҳокама этилган ва чоп этишга тавсия қилинган.

2013 йил 31 августдаги 1-сонли мажлис баёни.

Ўқув-услубий бошқарма бошлиқи:

Қ. Сиддиқов

1-маъзуза: Жисмоний тарбия гигиенаси ва спорт тиббиётини ташкиллаштириш

Режа:

- 1. Гигиена ва жисмоний тарбия гигиенасининг предмети ва вазифалари.**
- 2. Спорт тиббиётининг предмети ва вазифалари**
- 3. Жисмоний тарбия ва спортнинг кишилар соғлигини сақлашдаги аҳамияти.**
- 4. Спорт тиббиётининг амалга ошириш йўллари (врач жисмоний тарбия диспансер ва кабинетларининг вазифалари).**
- 5. «Спортчиларни иш - қобилиятини тиклантирувчи воситалар»**

Гигиена ва жисмоний тарбия гигиенасининг предмети ва вазифалари.

Гигиена - бу саломатлик тўғрисида, уни сақлаш мустахкамлаш ҳамда теварак атрофдаги омилларнинг унга кўрсатадиган заарли таъсирини бартараф этиш воситалари ва методлари тўғрисидаги фандир. Гигиена иқлимини, микроиқлимини, хавонинг, сувнинг ва тупроқнинг холатини овқатланиш шароитларини кийим-кечак, тураг-жой, меҳнат ва дам олишга қўйиладиган шартларни, жисмоний тарбия ҳамда спорт машғулотлари ўтказиладиган шарт-шароитларни ва бошқа бир қанча масалаларни ўрганади. Одамнинг меҳнат, дам олиш ва спортдаги фаолиятларини ҳаммасини гигеник жихатдан уларни тартибга солиб турилади. Одам саломатлигига таъсир кўрсатадиган омилларни нормаллаштириб яни уларнинг дозасини белгилаб туриш гигиена фанининг асосий мақсади хисобланади.

Жисмоний тарбия гигиенаси - гигиена фанининг бўлимларидан биридир. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларидан одам саломатлигини сақлаш ва мустахкамлаш мақсадида самаралироқ фойдаланиш учун ўша машғулотлар воситаларини, методларнинг ҳамда шарт-шароитларини илмий жихатдан асосланган холда меъерга солиб туриш жисмоний тарбия гигиенасининг мазмунини ташкил этади. Жисмоний тарбия гигиенаси машғулотларнинг самаралироқ методларининг ва энг қулай шарт-шароитларини асослаб бериш учун жисмоний машқлар одамлар соғлиғига қандай таъсир кўрсатишини ва улар соғлигини мустахкамлашга қай даражада хизмат қилишини ўрганади. Жисмоний тарбия гигиенасининг аҳамияти фан техника революцияси даврига келиб анча ортди. Агар 19 асрнинг охири ва 20 асрнинг бошларида одамлар соғлиғини ва хаётини сақлашда санитария гигиенанинг оммавий тарзда тарқаладиган юқумли касаллликларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлари (водопроводлар қуриш, канализация ўрнатиш, шахарларни тоза тутиш ва бошқалар) асосий рол ўйнаган бўлса хозирги вақтда ахолини касалланиши ва ўлими структурасида юрак-томир касаллликлари, мода алмашинуви, асаб системаси касаллликлари етакчи ўрин тутади. Бундай касалликларни пайдо бўлишида касаллик хавфининг асосий омили сифатида гиподинамия катта рол ўйнайди. Шунинг учун ҳам

гиподинамиянинг олдини олиш мақсадида жисомний машқларнинг қўлланилиши гигиенада етакчи аҳамият касб этади.

Жисмоний тарбия гигиенасининг вазифалари қуидагилар хисобланади: Одамнинг жисмоний холатига хос бўлган мезонлар буйича унинг саломатлигига модел параметрларини меъёрлаштириб туриш (жисмоний ривожланиш, жисмоний тайёргарлик даражаси, чиниқанлик), жисмоний юкламаларни меъёрга солиб туриш (структуря, хажм, интенсивлик), факат гиподинамиянинг олдини олиш билан чекланмай шу билан бирга, сихат-саломатликнинг модел даражасига эришиш ва уни сақлаб туриш учун унга оптимал даражада машқ таъсир кўрсатишини таъмин этадиган чиниқтирувчи тадбирлар; машқ ва мусобақа юкламаларини, дам олиш, овқатланиш, катта спортда тикланиш тадбирларини муайян тартибга солиб туриш; жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари шарт-шароитларини (иқлим ва микроиқлим, спорт иншоотлари ва жихозлари, кийим-кечаклар ва бошқалар) саломатликка қулай таъсир кўрсатишига ёрдам берадиган тарзда меъёрга солиб туриш.

Одамлар саломатлигини сақлаш ва мустахкамлаш жисмоний тарбиянинг асосий вазифаларидан бири хисобланади. Саломатлик деганда одам организмининг шундай бир холати тушуниладики, бунда унинг барча функциялари ташқи мухит билан мувофиқлаштирилган бўлади, ҳамда унда қандайдир касалликлар билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар кўзга ташланмайди. Жисмоний тарбия тушунчаси саломатликни яхшилаш ва жисмонан баркамолликка эришишда ўсиб бораётган организмга таъсир этиш тизими сифатида тасаввур этилган. Организмни касаллик омилларининг таъсирига нисбатан барқарорлиги, ташқи мухит ноқулай тарзда ўзгарган пайтларда саломатликни ҳамда иш қобилиятини сақлай билиш - саломатлик даражасини кўрсатувчи белгилар хисобланади, яъни саломатлик даражаси одамнинг адаптациян (мослашиш) имкониятлари қандай эканлиги билан белгиланади. Одамнинг саломатлик даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли юқумли касалликларга, паст ва юқори хароратга, жисмоний ишларга бўлган чидамлилиги ҳам шунчалик барқарор бўлади.

Саломатлик учун жисмоний ишга қобилияят чиниқанликнинг оптимал даражаси зарур бўлади. Жуда юқори даражадаги жисмоний иш қобилиятига катта спорт орқали эришилади. Бу эса одамда барча функционал тизимларнинг зўриқишини тақазо этади, ҳамда унинг иммунитети пасайишига ва касалликларга бардоши сусайиб кетишига ҳам олиб келиши мумкин. Организмнинг функционал резервларидан ортиқ даражадаги зўриқишларни енгиб ўтиш вақтида хаддат ташқари толиқиши холлари рўй бериб одамнинг холдан тойиб қолиши сингари холатлар ҳам қузатилиши мумкин. Амалий жихатдан соғлом бўлган (яъни касалликнинг клиник белгилари яққол кўриниб турмаган) кишиларда уларнинг саломатлик даражасини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу эса соғломлаштириш тадбирлари комплексини, шу жумладан жисмоний тарбия омилларини яна ҳам мақсадга мувофикроқ равишда режалаштириш имконини беради.

Спорт тиббиётининг предмети ва вазифалари

Спорт тиббиёти тиббиёт фанининг бир тармоғи бўлиб, ўзига хос методлари, вазифалари ва хусусиятларига эга. Спорт тиббиётининг асосий вазифалари қуидагилардан иборат:

1. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи кишилар соғлиги устида мунтазам тиббий назоратни ўрнатиш ва олиб бориш; Тренеровкани тузишда спортчиларнинг шахсий хусусиятларига қараб тренерларга қўмаклашиш.

2. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг саломатлигини. функционал ҳолатини ва шу билан бирга жисмоний машғулотлар нотўғри уюштириши оқибатида саломатлигига юз берадиган хар хил нохуш ўзгаришларни эрта аниқлашда қўлланадиган медицина текшириш методларини такомиллаштириш. янги мукаммал усулларни ишлаб чиқиш ва спорт тиббиёти амалиётига жорий этиш;

3. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари билан шуғулланувчиларнинг касалланиш ва шикастланишининг сабабларини ўрганиш уларни даволаш ва олдини олиш (профилактика) чора тадбирлари олиб бориш.

Бу вазифалар Ўзбекистон жисмоний тарбия харакатининг соғломлаштириш қоидаларига ва Ватанимиз тиббиётининг профилактика йўналишига тўла равишда мос бўлган спорт тиббиётининг мазмунини белгилаб беради.

Спорт тиббиётининг асосий иш турлари қуидагилардир;

-жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи кишиларни тиббий қўриқдан ўтказиш;

- етакчи спортчиларни диспансер кузатувига олиш (диспансеризация қилиш);

- врач-педагог назоратини олиб бориш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш жараёнида спортчиларнинг саломатлигини мустахкамлашда соғломлаштириш. даволаш ва профилактика чора тадбирларини ташқил қилиш;

- жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари учун ажратилган жойлар. Мусобақалар ўтказиладиган жойлар шароити устидан шу жумладан спорт иншоотлари устидан санитария гигиена жихатидан назорат қилиш;

- спорт мусобақаларини ўтказишида тиббий хизмат қўрсатиш;

- жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларининг оммавий турларини ўтказишида тиббий хизмат қўрсатиш;

- спорт жароҳатини олдини олиш;;

- илмий-текшириш ва методик ишларни олиб бориш;

- тиббиёт ва спортга оид масалалар бўйича консультациялар бериш;

- спортчилар ўртасида санитария-окартув ишларини олиб бориш ва кенг омма орасида жисмоний тарбиянинг умумий ғояларини тарғибот қилишга доир ташвиқот ишларини амалга ошириш.

Жисмоний тарбия ва спортнинг кишилар соғлигини сақлашдаги аҳамияти.

Маълумки, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш кишининг хар томонлама жисмоний ривожланиш имконини беради, физиологик функцияларининг такомиллаштиришга ёрдам беради ва киши организми хар томонлама мустахкамлашишга олиб келади. Шуғулланувчиларнинг ёши, жинси ва ўзига хос хусусиятларини хисобга олиш жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари тўғри уюштирилганда умумий соғломлаштирувчи самара бериб, хос бўлмаган иммунитет ишланиб чиқишига ёрдам беради. Бунда кишилар касалликларга камроқ чалинадиган бўлади, ташқи мухитнинг ноқулай шароитларда чидамлилиги ошади. Умумий ва спорт иш қобилиятининг ошишига яхши таъсир кўрсатади. Хар қандай жисмоний машғулотлар мусобақаларда қатнашиш саломатликни мустахкамлашга қаратилган бўлиши лозим, акс холда улар ўзбек жисмоний тарбия тизимининг соғломлаштириш вазифасини хал қилиш борасида аҳамиятини йўқотади. Кейинги вақтларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг соғлигига кузатиладиган потологик (касаллик) ўзгаришлар сабабларини, уларнинг олдини олиш ва даволаш масалаларини ўз зиммасига олган спорт медицинасини яна янги бир соҳаси ривож топмоқда. Маълумки потологик ўзгаришлар жисмоний зўриқиши кучайганда ва оқилона ташқил қилинмаганда ёки касалликларга моил бўлган спортчилар турли машғулотлarda иштирок этганда юз бериши мумкин. Спортчилар касалланишининг олдини олишда спорт тренеровкасида факат соғлом кишиларни жалб этиш ва уларни соғломлигини мунтазам кузатиб бориш мухим рол ўйнайди.

Жисмоний тарбия ва спорт тиббиётининг қисқача ривожланиш тарихи

Соғлиқни сақлаш, турли касалликларни даволаш, уларни олдини олиш ва узоқ умр кўриш мақсадида жисмоний тарбия жуда қадим замонлардан бошлаб қўлланиб келинмоқда. Жисмоний тарбияда врач назоратига қадимдан катта эътибор берилган. Қадимги Юноностоннинг машхур врачи, тиббиётнинг отаси Гиппократ (бизнинг эрамиздан олдинги 450-377 йиллар) «зараар келтирма» деган. Гиппократнинг врачларга айтган бу васияти хозирги замон тренерларига ҳам таълуқлидир. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг мувофаққиятли бўлиши кўп жиҳатдан жисмоний машғулотларни тўғри тақсимлашга боғлиқдир. Жисмоний тарбия ва спорт машқлари шуғулланувчиларнинг функционал ва жисмоний имкониятларга мос келганидагина соғломлаштириш вазифаларини мувафаққиятли амалга ошириш мумкин. Акс холда толиқиши жисмоний зўриқиши ва бошқа хар хил касалликлар аломатлари пайдо бўлади.

Х – ХИИ асрларда бобокалонимиз Абу Али Ибн Сино (980 – 1037) «Тип қонунлари» асарида хозирги замон спорти тиббиётга таълуқли кўргина фикрларни баён этган. Ибн Сино кишиларнинг соғлигини мустахкамлашда ва хар хил касалликларни олдини олишда жисмоний машқларнинг

аҳамиятини алохидат таъкидлаб ўтган. Масалан. «соғлиқни сақлашни асосий тадбири бадан тарбия бўлиб, кейин овқат тадбири ва уйку тадбири» ёки «мўътадил равишда ва ўз вақтида бадан тарбия билан шуғулланувчи одам хилтлар туфайли келган касалликларнинг ва мижоз ҳамда илгари ўтган касалликлар туфайли келувчи касалликларнинг даволашга муҳтож бўлмайди».

Бундан минг йил мукаддам жисмоний машғулотларни шуғулланувчиларнинг шахсий хусусиятларига қараб тузиш хақидаги олимнинг юритган фикрлари хозирги кунда ҳам кишини ажаблантиради. «Хар бир одам учун ўзига хос харакатлар танлаши керак», «кучсиз кишиларнинг бадан тарбиялари енгил, кучлиларники эса зўрроқ бўлиши керак». «Агар органлар жуда мўътадил бўлса улар учун мўътадил бадан тарбия мувофик келади». «Тез ва шиддатли харакатлар енгиллари билан бирга қилинади ва хоказолар хақида фикр юритилган».

Спорт тиббиётининг амалга ошириш йўллари (врач жисмоний тарбия диспансер ва кабинетларининг вазифалари).

Спортчиларни назорат қилишда врач жисмоний тарбия диспансери ва кабинетларнинг аҳамияти катта. Спортчилар бу ташқилотларда доимий равишида ҳисобда бўлишади. Врач - жисмоний тарбия диспансерлари вилоят ва марказий (катта) шаҳарларда ташқил килинади ва у мустақил медицина корхонасиdir. Унда бош врач, врачлар ва медицина ҳамширалари ҳамда мутахассислар мавжуд. Унда хар хил текшириш хоналарида спортчиларнинг соғлиқ ҳолатлари текширилади. Зарурый ҳолатларда махаллий ахолига ҳам тиббий ёрдам берилади. Шу соҳа мутахассисларини малакасини оширади.

Врачлик кабинетларида эса жисмоний тарбия ходими даволаш ишларини олиб боради. Бундай кабинетлар хар бир шифохоналарда мавжуддир.

Педагогик, психологик ва медик-биологик тиклантирувчи воситалар.

Хар қандай жисмоний тарбия ва спорт машғулотларидан кейин спортчиларда чарчаҳ холати юз беради. Ана шу чарчаҳ холатидан олдин холатга қайтиш, яъни айрим органларнинг функционал ҳолатини тикланиши 6-8 суткадан кейин содир бўлади. Спортчилар иш қобилиятини тиклантирувчи воситаларни асосан 3 гурухга бўлиш мумкин Булар педагогик, психологик ва медико-биологик тиклантирувчи воситалардир. Бу воситалар ичida энг мухими педагогик тиклантирувчи восита ҳисобланади.

Педагогик тиклантирувчи восита спортнинг кун тартибида (режимида) ва тренировкани ташқил этиш жараёнида ўз аксини топади:

- спорчи шуғулланиши (микро ва макроцикл) ҳамда кўп йиллик тайёргарлик даврларида ва оғирликларни тўғри ташқил этишда;

- мусобақа ва тренировка охирларида соғлиқ холатини профилактика қиладиган фаол дам олишларни ташқил этиш жараёнида;
- машғулотларни турли хилда амалга оширишда (монотон эмас);
- суткалик тренировкаларни ташқил этишда эрталабки тайёрловчи, кечкурунгиси эса тинчлантирувчи характерга эга бўлишини таъминлашда;
- нагрузкаларни танлашда индивидуал қўллашни амалга ошириш мусобақа ва биринчиликларда тўлиқ қийматли разминкаларни амалга оширишда;
- тўлиқ қийматли тикланиш учун пассив дам олишни ташқил қилиш, самомассажни амалга ошириш, мусиқа остида машқлар бажариш.

Бу жараёнларни амалга оширишда қўйидаги омиллар катта аҳамиятга эгадир:

- а) Машқлар ва тренировкаларни хар хил шароитларда амалга ошириш (стадион, ўрмон, парк, дарё қирғоғи бошқалар);
- б) Хар хил снарядлар (қўкаламзорлаштириш, амартизация берувчи сунъий материалларни қоплаш ва бошқалар).
- в) Ташқи мухитни психикага таъсир қилувчи омилларини хисобга олиш (ёритилганлик, ранг, хоналар, мусиқа, ионизация, симобли-кварцли лампалар ёрдамида полнинг ранги ва бошқалар).

Психологик тиклантирувчи воситалар тикланиш жараёнида физиологик системаларни ва иш қобилиятини вужудга келишини яхшилайди. Бунга қўйидагилар киради:

- ишонтириб уйқуни келтириш;
- автоген тренировка ва унинг модификацияси: ;
- мускулни бушаштириш;
- маҳсус нафас олиш машқлари.
- комфорт турмуш тарзи ва салбий таъсир кўрсатувчи воситаларни йўқотиш;
- индивидуал хусусиятни хисобга олиб хар хил хизматларни ташқил этиш;

Медик-биологик тиклантирувчи воситаларга тренировка ва мусобақа даврида иш қобилиятини тикловчилар киради

1. Катта комплексли гигиеник тадбирлар (тўлиқ қийматли овқатланиш, витаминлаштириш, биологик қийматини оширилган маҳсулотлар, хар-хил овқат аралашмалари, кун тартиби, шахсий гигиена ва бошқалар).

2. Хар хил физиотерапия ва балнеологик воситалар (электр, ёруғлик, иссиқлик муолажалари, аэро ва гидроаэроинизация, тоғ ва денгиз иқлиmlари ва бошқалар).

3. Хар-хил массаж турлари (қўл, аппарат, комбинациялашган, ўз - ўзини массаж).

4. Даволовчи воситалар (кислород, рефлекс терапиялар ва бошқалар).

5. Фармокологик воситалар.

Организмни тикланишига физикавий омиллар катта аҳамият касб этади (улътрабинафша нур, сув билан даволаш муолажалари).

Медик-биологик тиклантирувчи воситалар орасида айниқса массаж жуда катта аҳамиятга эга.

Массаж қўл (даволаш, косметик, гигиена ва спорт) ва аппарат типига бўлинади. (Вибрацион, гидровибрацион, пневмовиграцион, пневмомассаж, гидромассаж, ултразвук массажи, баромассаж ва бошқалар) тури массаж қилиш турига бўлинади, ҳамда комбинировканинг (биргаликда) бунда қўл ва аппарат массажлари биргаликда қўлланилади.

Спортчиларда суткада 4 маротабалик овқатланиш амалга оширилади. Мусобақа олдидан 2 кун давомида тренеровкани камайтириб, кўпроқ углеводли овқат рациони амалга оширилади. Нонушта 25 фоизни ташқил этади. Овқат таркибида ёғлар миқдори камайтирилиб, селюлозани миқдорини оширилади. Тушлик 35 фоизни ташқил этади. Унинг таркибида хайвон оқсили миқдори кўпайтирилиши керак (гўшт) углевод ва ёғлар ҳам оширилади. Кечки овқат 25 фоизни ташқил этади. Унинг таркибида сут махсулотларини оширилиши, балиқ ва буткадан иборат бўлиши керак. Асосий овқатдан тренеровкагача 1,5-2 соат ўтиши лозим (марathon ва бошқаларда 3 соат (тезлик ва куч талаб қиласиган спорт турларида)). Бунда қўй ва чўчка ёғлари ва қовурилган гўштлар узоқ хазм бўлади (4-5 соат). Қайнатилган гўшт 3-4 соат, қайнатилган балиқ 2-3 соат. Тренеровкадан ва мусобақалардан кейин овқатни 30-40 дақиқадан кейин истеъмол қилиш керак.

Витаминалар. Оқсил препаратлари

Иш қобилиятини оширишда витаминаларнинг аҳамияти катта. Бунда поливитаминалар анча қўл келади ва уларни истемол қилишда нормага амал қилиш зарур. Биологик қиймати оширилган махсулотларга қуйидаги 3 гурух моддалар киради.

1. Оқсил моддалар. Оқсил глюкоза витаминалар ёки минерал тузлар киради.

2. Углеводлар минерал ичимликлар киради.

3. Макро ва микро элементлар ва витаминалар киради.

Оқсилли преператларда оқсилнинг суткалик дозаси 40-50 г бўлиши, углеводли минерал ичимликларда углеводнинг миқдори 60-80 г дан ортиқ бўлмаслиги керак. Организмни тез тикланишига, кун тартиби, уйқу, шахсий гигиеналар ижобий, чекиш ва ичиш кабилар сальбий таъсир кўрсатади.

Спортда допинг ва унга қарши кураш.

Спортда допинг назорати амалга оширилади. Буни амалга оширишда хозирги замон текшириш усуллари кенг қўлланилади ва спортчиларни қони, сийдиги, сўлагини текшириш учун олинади. Халқаро олимпия қўмитаси

медицина қўмитасининг рўйхатига кўра допингларга қўйидагилар киради: Марказий нерв системаси стимуляторлари (амфитамин, аменергин, сигнофен, мизокарб, кофеин), наркотик моддалар (героин, пептидин, кодеин), анаболик моддалар (болденон, метенолон, тестостерон, метилтестостерон), диуретеклар (фурасемид, мерсамил, инданамид, амилорид), пептид ва гликопротеин гармонлари (сомотропин, картиотропин, эритропоэтин). Бундан ташқари қўйидаги методлардан фойдаланиш спортчи учун рухсат этилмайди: автогемотрансфузия (мусобақага бир неча кун қолганда ўз қонини қўйдириш), фармакологик, химик ва физик ишловлар (жумладан дориларни қўллаш методлари сийдик таркибини ўзгартириб юборувчи), баъзи моддалар синфини маълум миқдорда ишлатишга рухсат берилади (жумладан отиш спортида спиртни 0,5 % дан ортиқ титрашни йўқотишида тақиқланади), махаллий анестетиклар, корtekостероидлар ёзма рухсатнома асосида қабул қилинади. Допингга қарши назоратни мусобақани ташқиллашган мамлакат оширади ва бунга фармакологлар, биохимиклар, генетиклар, эндокринологлар, клиника врачлари, суд экспертиза врачлари ва юристлардан иборат бўлади. Финалга қатнашган хамма мусобақағолибларида допинг назорати амалга оширилади. Бошқаларда эса танлов асосида ўтказилади. Хар бир қатнашчидан сийдик pH ўлчанади. Текширишлар газ суюқлик хромотографияси ва радиоиммунологик методлар ёрдамида амалга оширилади. Хозирги пайтда жуда сезгир аппаратлар жорий қилинган бўлиб, булар ёрдамида оз миқдордаги допинг моддаларни ҳам аниқлаш мумкин. Допинг назорат кучайиб боришига қарамасдан айrim спорт турларида уларни қабул қилиш ошиб бормоқда.

Назорат саволлари:

1. Спорт тиббиётини амалга ошириш йўллари.
2. Педагогик тиклантирувчи воситаларга нималар киради?
3. Психологик тиклантирувчи воситаларга нималар киради?
4. Тиббий-биологик тиклантирувчи воситаларга нималар киради?
5. Спортда допинг ва унга қарши кураш?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

1. Спортчиларни назорат қилишда врач жисмоний тарбия диспансер ва кабинетларининг ўрни.
2. Педагогик тиклантирувчи воситалар.
3. Психологик тиклантирувчи воситалар.
4. Тиббий-биологик тиклантирувчи воситалар
5. Допинг.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Дубровский В. И. Спортивная медицина: Учебник для студентов вузов - М. Гуманит. Изд. центр. ВЛАДОС. 1998.
2. Дубровский В. И. Лечебная физическая культура: Учебник для студентов вузов. - М. Гуманит. Изд. центр. ВЛАДОС. 1998.

3. Спортивная медицина. Учебник для ин-тов физкульт. Под. ред. В. А. Кармана - М. ФиС, 1987.
4. Гуселевич А. В. Медицинский справочник тренера. М. ФИС. 1981.
5. Лечебная физическая культура. (Под общей редакцией проф. С.Н.Попова), М. ФиС, 1988.

2-маъруза: Жисмоний тарбия гигиенаси фанининг аҳамияти ва унинг бошқа фанлар билан ўзаро алоқаси

Режа

- 1.Мактаб ўкувчилигининг жисмоний тарбия гигиенаси**
- 2. Жисмоний тарбия машғулотлариға қўйилган гигиеник талаблар**
- 3. Спортнинг айрим турлари бўйича ўtkазиладиган машғулотларга fўйиладиган гигиеник талаблар.**
- 4. Гигиена фаннининг бошқа аниқ ва ижтимоий фанлар билан узвий алоқаси**

Ўкувчилигининг жисмоний тарбияси ўкув тарбия тизимининг ажралмас қисми бўлиб, уларни соғломлаштиришда жуда катта аҳамиятга эга. Ёшлидан бошлаб жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг мухимлиги шундаки, бу даврда болаларда марказий нерв системасининг пластиклиги, шартли рефлектор алоқаларининг осон пайдо бўлиши туфайли янги харакат малакаларини ўзлаштириш осон бўлади. Чақалоқликдан бошлаб жисмоний тарбиянинг тўғри ўтказилиши жисмоний ривожланишга ва организмнинг барча функцияларига жуда ҳам яхши таъсир кўрсатади.

Бола организмининг меъёр бўйича жисмоний ривожланишида харакат-таянч аппаратининг бир текис ривожланиши ва қоматнинг тўғри шаклланиши фақат эстетик эмас балки катта гигиеник аҳамиятга эга. Чунки ички органларнинг тўғри холатда бўлишини ва меъёрдаги фаолиятини ҳамда кам энергия сарф қилиб жисмоний иш бажаришини таъминлайди. Ўз-ўзидан маълумки организмнинг жисмонан тўғри ривожланиши фақат жисмоний ишchanликка эмас балки руҳий фаолиятга ҳам ижобий таъсир кўрсатади, чунки жисмоний ва ақлий тарбия бир-бири билан узвий боғлиқдир. П.Л.Лескафт хар қандай бир томонлама иш хоҳ жисмоний, хоҳ ақлий иш бўлсин одамни чарчатиб қўйиши ва онгли фаолиятини сусайтириши мумкин дейди. Ақлий меҳнатни жисмоний машқлар билан навбатлаштириб туриш ўкув ишини енгиллаштиради. Шунинг учун ҳам у мухим гигиеник ва педагогик аҳамиятга эга.

Хозирги пайтда харакат фаолиятини камайгани (гиподинамия, гипокинезия) туфайли мактаблардаги жисмоний тарбия ва спорт машғулотларининг роли жуда ошди. Бу катталар ва болалар хозирги замон турмуш тарзининг характерли хусусияти хисобланади. Булар фан ва техника ютуқларининг турмушга жорий этилиши, транспортнинг кенг ривожланиши, турмуш шароитининг яхшиланиши ва хаказолар билан изохланади. Зоро булар мускул фаолиятини чегаралаб қўяди.

Жисмоний машқдар юқорида айтиб ўтилганидек алохидада бирор орган ёки тизимга эмас балки бутун орагнлизма таъсир кўрсатади. Лекин унинг турли тизимлари функциялари такомиллашуви бир хилда содир бўлмайди.

Айниқса мускуллар тизимида ўзгаришлар яққол сезилади. У мускуллар хажмининг катталashiши, тўқималар физик-кимёвий хусусиятларининг ўзгариши, алмашинув жараёнларининг кучайиши, функционал имкониятларнинг такомиллашуви билан ифодаланади. Буларнинг натижаси ўлароқ мускулларнинг кучи ва катта хажмдаги ишни бажариш қобилияти анча ортади. Қурби етадиган бир хилдаги турли мускуллар группаларига тушадиган юклама гавдадаги барча мускулларнинг ривожланишини таъминлайди.

Жисмоний машқларни мунтазам ўтказиб туриш натижасида ўқувчиларнинг ҳаракат-таянч аппаратида бир қатор ижобий ўзгаришлар вужудга келади. Скелетнинг энг кўп юклама тушадиган қисмларида суяк тўқимасининг рўйи-рост гипертрофияси қузатилади. Найчасимон суякларнинг диаметри катталашади, суяклар оғирроқ ва мустахкамроқ бўлади. Масалан ёш сакровчилар, иргитувчилар ва бошқаларнинг рентгенограммаларида итарувчи оёғида, иргитувчи кўлида ва бошқаларда суяк тўқималари гипертрофияси қайд қилинади. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш моддалар алмашинувини яхшилайди. Бу пластик жараёнларнинг яхши кечишига олиб келади. Натижада бола организмининг ўсиши ва ривожланиши яхши бўлади.

Машқлар жараёнида куч-қувват, ҳаракатчанлик ва нерв жараёнларининг мувозанати ортади. Жисмонан тренировка қилган болаларда шартли рефлекслар тезроқ пайдо бўлади. Бундай болаларнинг хотираси ва диққатини тўплаши яхши бўлади. Уларда ўқув куни давомида иш қобилияти юқори бўлади. Бу эса ўзлаштиришга тезроқ мослашади. Марказий нерв тизимининг идора этувчи ролини худи анна шу такомиллашув туфайли жисмонан чиниқкан ўқувчиларда айрим органлар ва тизимлар иши жисмоний юкламаларда анча иқтисодли бўлади. Асосан мактабда турли жисмоний машқларни қўллашнинг асосий натижаси ўқувчилар соғлиғига яхши таъсир кўрсатишидир. Жисмоний машқларнинг умумий носпецифик таъсири ташқи мухитнинг бир қатор ноқулай омилларига: исиб кетишга, совуқ қотишга, гипоксияга ва бошқаларга шунингдек инфекцион ва бошқа касалликларга чидамлиликнинг ошиши билан намоён бўлади.

Ўқувчиларнинг жисмоний тарбиясига: эрталабки гимнастика (бадан тарбия), мактабда машғулот бошлангунга қадар гимнастика - жисмоний тарбия дарси, жисмоний тарбия минутлари, дарсдан ташқари вақтда оммавий физкультура ишлари, жисмоний меҳнат, чиниқишлилар киради.

Ўқувчиларни жисмоний тарбиялашнинг асосий шакли жисмоний тарбия дарслари хисобланади. Унга барча синфлар учун хафтасига 2 соатдан ажратилади. Дарслар аста-секинлик, изчиллик ва мунтазамлилик принципларига асосланиб ўтказилади. Ўқувчиларнинг уйғун равишда жисмоний ривожланишини таъминлайдиган турли-туман машқлар киритилади. Кичик мактаб ёшида ҳаракат фаоллигини ошириш ва

такомиллаштиришга қаратилган хар-хил машқларни кенг қўллаш зарур, ҳадеб бир-хил харакатлар қилишдан қочиш ва юрак-томир ва нафас олиш тизимларига ёмон таъсир қўрсатадиган оғир ишларни қилмаслик зарур. Ўрта мактаб ёшида мускул кучини ривожлантирадиган машқларни камайтириш зарур. Чунки улар суюкларнинг бўйига ўсишини тўхтатиши мумкин. Катта мактаб ёшида тез бажариладиган машқлардан олдин чидамлиликка қаратилган машқларни бажариш, куч билан қилинадиган машқларни эса энг кейин бажариш лозим.

Жисмоний тарбия машғулотлариға қўйилган гигиеник талаблар

Спортчилар тайёрлашнинг асосий тури бўлган спорт тренировкаси жисмоний машқлар билан мунтазам равища шу ғулланишни тақазо этади. Бу эса организмнинг функционал имкониятларини ва қобилиятларини такомиллаштиради. Тренерировка даврида организмнинг юқори спорт қўрсаткичларига эришишига қаратилган умумий ва ихтисослашган такомиллашувининг мураккаб масалалари хал этилади. Шу билан бир қаторда спорт тренировкаси давлат жисмоний тарбия системасининг хар қандай таркибий қисми каби со ғломлаштиришга со ғлиқни ва жисмоний ривожланишни яхшилаш, ташқи мухит таасуротлариға организмнинг қаршилигини оширишга қаратилган бўлиши керак.

Спорт ва соғломлаштиришни қўшиб олиб бориш учун хар қандай спорт турида тренировка системаси яхши ишлаб чиқилган бўлиши керак, машғулотлар ва мусобақаларни ташкил қилиш гигиена қоидалариға тўла жавоб бериши керак. Шундай қилиб гигиена қоидаларини амалда қўлламасдан туриб спорт тренировкаси ёрдамида со ғлиқни мустахкамлаш ва юқори спорт қўрсаткичларига эришиш мумкин эмас. Бундан ташқари со ғлиқقا заар йетказиш ва спорт қўрсаткичларининг пасайиб кетиш холлари рўй бериши ҳам мумкин.

Гигиена масалалари спорт тренировкасининг умумий: педагоглар, психологлар, физиологлар томонидан ишлаб чиқилган масалалари Билан боғлиқdir. Шунинг учун спорт тренировкасининг гигиеник жихатдан таъминланиши масаласининг мувафақиятли хал қилинишига фақат барча илмий тавсияларнинг йиғиндисини хисобга олгандагина эришиш мумкин. Тренировкани ташкил қилишда илгари айтиб ўтилганидек спорцменларнинг шахсий хусусиятларини ўрганиш зарур шарт бўлиб хизмат қиласди. Бу группаларни янгилар ва кичик разрядли спортчилар хисобига тўлдириб борища жуда ҳам зарурдир. Юқори разрядли спортчилар шахсий план асосида тренировка қиласдилар яъни кўп машқ қилган сари жисмоний машқ оз куч ишлатиб бажарилади, харакатларнинг автоматик равища бажариш малакаси хосил бўлади. Натижада жисмоний нагруззкани оширишга ва машқларни мураккаблаштиришга эришилади.

Ёш хусусиятини хисобга олиш биринчи даражали гигиеник аҳамиятга эга. Хар бир ёшдаги одамнинг ўзига хос маълум функционал имкониятлари бўлади. Бу имкониятлар спортнинг маълум турини ва йўл қўйса бўладиган жисмоний нагруззкани танлашни таъминлайди. Бунда иложи борича шу

ёшдаги одам учун со ғломлаштириш натижаларини оширишни кўзда тутиш керак. Ўқув тренировка просессини тузишда асосий гигиеник принциплар қуидагилар:

1. Тренировка дарсларни мунтазам олиб бори шва жисмоний машқларни қайта-қайта бажариш;
2. Жисмоний нагрузкани тўхтовсиз ошириб бориш;
3. Дам олиш ва ишлашни алмаштириб олиб бориш;
4. Хар томонлама жисмоний тайёргарлик кўриш.

Мускул ишининг мунтазам қайтаралиб туриши ва нагрузканинг секин аста ошириб борилиши, нерв, нафас олиш, юрак томир мускул системасини ишлашга кўникириб боради ва организмнинг умумий иш қобилиятини яхшилади. Бу қоиданинг бузилиши (масалан: спорт тренировкасининг бошланғич даврида катта жисмоний нагрузкани қабул қилиш) организмнинг толиқишига олиб келиши мумкин, тренировкада холдан тойиб қолиш ва жароҳатларнинг сабабчиси бўлиши мумкин. Агар маълум сабабга кўра мажбурий танаффус қилиш тўғри келган бўлса, тренировкада дарсларни қайтадан йенгил нагрузкадан бошлаш, яни дам олишдан олдинги машқлардан йенгилроқ нагрузкадан бошлаш керак.

Хар қандай тренировка машғулотларининг режаси тренировканинг қайси даврида бўлмасин, юқорида кўрсатиб ўтилган гигиеник принциплар асосида тузилиши керак. Тренировка шундай тузилган бўлиши керакки, бунда организмга кўп оғирлик тушмаслиги, кучсизланиб қолиш, шикастланиш хавфи бўлмаслиги керак.

Тренировкадан аввал албатта организмни қизитиб олиш. Жисмоний машқлар комплексини бажариш керак. Чунки, у организмни асосий ишга тайёрлайди. Бу физиологик системалар: нерв, юрак қон-томир, нафас ва мускул боғлов аппарати функциясини кучайтиради. Қизишиб олишнинг асосий вазифаси, нафас олиш функцияси, қон айланиши ва характеристики максимал мускул фаолиятида тартибга солиб туришdir. Мускуллар температурасининг ошиши ката гигиеник аҳамиятга эга. Бу эса мускулларнинг ёпишқоқлигини камайтиради ва улар ката тезликда қисқариш қобилиятига эга бўлади. Бойлам ва бўғимлар "Қизишиб оладилар", бу мускулларнинг чўзилиши ва узилишининг олдини олади, айниқса совук кунларда тренировкалар ўтказилишида бунга алоҳида эътибор бериш керак. Жисмоний машғулотларни гигиеник шароитлар билан таъминловчи тадбирлар орасида жисмоний тарбия ва спортнинг хар-хил турлари билан шу ғулланувчилар бир-хил бўлиб, кўплари умумий характерга эгадир. Табиийки тренировкани ташкил қилишнинг гигиеник принципи машғулотнинг тузилишига бўлган кўрсатмалар, кун тартиби, чиниқиши ва бошқа ихтисосликларга қарамасдан хар бир спортчига таалуқлидир. Шахсий гигиена қоидалари танани парваришлиш борасида бир қатор умумий қоидаларга эга.

Спортнинг айрим турлари бўйича ўтказиладиган машғулотларга ғўйиладиган гигиеник талаблар.

Гимнастик машклар кўпроқ тезлик-куч талаб ғиладиган машклардан иборат бўлади. Улар, асосан, скелет мускулларига, суяқ-бўгим системасига, периферик ғон айланишига таъсир кўрсатади; мускул кискаришлари нейроендокрин системасига, ички аззоларга (мускул-виссерал рефлекслар орғали) рефлектив тонусни оширувчи таъсир кўрсатади. Гимнастик машклар айрим мускул группаларгиз кўрсатиладиган таъсирини тегишли томонга йўллаш имфонини беради. Бу эса хар хил спорт турларн учун мускул профилини талаб этилган даражада шакллантиришни бошқариб бориш, ўсишдан орғада

колаётган мускул группаларини кучайтириб, лозим даражага йетказиш,, мускулларнинг корсет-таянч функсияснни яхшилаш имфонини ҳам беради.

Бокс билан шу?улланувчи болалар учун зарб урилган вактда жарохатланишдан сағлайдиган маҳсус ўкув кўл коплари кийнб машк ғилиш таклиф этилган. Зарба урилган вафтда бошнинг тез-тез жарохатланиши, айникса, нокулай вактида содир бўладиган жарохатлар нерв системасининг ахволига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун югорида таклиф этилган маҳсус ўкув кўлкoplаридан фойдаланишни шарт ғилиб кўйиш шугулланувчилар саломатлигнни сағлашда муҳим аҳамият касб этади. Бармоклар жархатини профилактика ғилиш учун уларн маҳсус бинт билан ўраб чикиш тадбири қўлланилади. Лаб ва тишларни химоя ғилиш учун боксчилар юмшок резинадан тайёрланган маҳсус тиш колип (капа) лардан фойдаланадилар. Капани яхшилаб чайиб ташлаб ундан кейин ишлатиш керак, уни вакти-вакти билан сувда кайнатиб олиш ҳамда.

Гигиена фаннининг бошқа аниқ фанлар билан узвий алоқаси

"Гигиена" фани бошқа ижтимоий ва аниқ фанлар билан узвий алоқада ўқитилади. Улар жумласига физика, химия, математика, физиология, жисмоний тарбия назарияси ва методикаси, энгил атлетика, спорт метрологияси, спорт уйинлари ҳамда иқтисод фанлари киради. Шунингдек, дастур материалларини тушунтириш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа хукумат хужжатлари билан кенг таништириб бориш талаб этилади. Машғулотлар маъруза, амалий, мустақил таълим ва мустақил иш шаклида олиб борилади. Маърузада талабалар иншоатларни лайхалаш ва куриш асослари, шунингдек, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият раҳбарининг педагогик фаолиятида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб берадиган билимлар билан қуроллантирилади. Амалий, мустақил таълим имкон даражасида кафедранинг таянч мактабларида ҳамда харбий қисмлар спорт базаларида олиб борилади. Амалий машғулотларда кафедрада ишлаб чиқилган топшириқларни бажарадилар. Машғулотлар жараёнида талабалар зарур-техник норматив хужжатлар, адабиётлар ва бошқа керакли воситалар билан тайминланадилар. Талабалар мустақил ишларига топшириқлардан ташқари тайёрланишларига адабиётлар ва йўриқномалар таклиф қиласди. Хар бир семестр якунида

якуний назорат ўтказилади. Ўқиши жараёнида жорий ва оралиқ баҳолашлар орқали билимлари текшириб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.С. Вайнбаум, "Жисмоний тарбия гигиенаси" Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1988 йил.
2. А.А. Минх, И.Н. Малишева, "Умумий ва спорт гигиенаси асослари" Ўзбекистон "Медисина" нашриёти, 1981 йил.
3. Е.Махмудов, Б.Аминов, Ш.Курбонов, "Ўсмирлар физиологияси ва мактаб гигиенаси", Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1984 йил.

З-маъруза: Ҳаво гигиенаси ва унинг физикавий, кимёвий хоссалари.

Режа:

- 1. Ҳаво гигиенаси, унинг кимёвий ва физикавий холати.**
- 2. Намлик, ҳаво харакати, атмосфера босими.**

Ҳаво гигиенаси, унинг кимёвий ва физикавий холати

Ҳаво энг муҳим омил бўлиб, у инсон организмининг ўз хаётий функцияларини узоқ вақт сақлаб қололмайди. Ҳаво нафас олиш учун жуда зарур бўлиб, у иссиқлик алмашинуvida қатнашади. Шу билан бирга атмосфера организмга бир қадар таъсир этиши мумкин бўлган электрик кучлар ва хар-хил радиациялар харакатининг майдони бўлиб хизмат қиласди. Инсон керакли пайтда ташқи муҳитнинг организмга заарли таъсирини йўқотувчи ёки пасайтирувчи маҳсус соғломлаштириш чораларини қўллаш орқали хар-хил атмосфера шароитларида яшашга ва ишлашга қодирдир. Бунга атмосфера шароитларининг санитария холатини яхшилаш ва организмнинг заарли омилларга қаршилигини ошириш, масалан, салқинлатиш билан эришилади. Қатор холларда ҳавонинг ўзидан шифобахш, чиниқтирувчи омил сифатида фойдаланилади. Ҳавонинг организмга бевосита таъсиридан ташқари кийимлар, қурилиш материаллари, тупроқ ва бошқаларнинг гигиеник хоссаларини ўзгаририб, билвосита таъсир этиши мумкин. Ҳавонинг гигиеник характеристикаси қуйидаги ўрсаткичлар ийғиндисидан иборат:

а) ҳавонинг физикавий хоссалари - температураси, намлиги, харакати, атмосфера босими, қуёш радиацияси, электрик холати, ионлантирувчи радиация;

б) химиявий таркиби - ҳавонинг доимий таркиби ва ёт газлар;

в) механик аралашмалар - чанг, тутун, қурум аралашмаси;

г) микрофлора (микроорганизмлар) - бактериал ифлосланиш борлиги.

Қуёш ердаги иссиқликнинг манбаи бўлиб хизмат қиласди. Унинг иситиши аввало, ерга етиб келиб иссиқлик энергиясига айланувчи ёруғлик нурлари хисобига бўлади. Атмосфера деярли фақат иссиқ нурланган тупроқдан исийди. Шунинг учун ер билан туташиб турган пастки ҳаво қатламиининг температураси юқори қатламлар температурасидан иссиқроқ

бўлади. Ердан узоқлашиши билан у тахминан хар юз метрда 0,5 градусга пасаяди.

Хаво температурасининг иссиқлик алмашинувига таъсири унинг мухим гигиеник аҳамияти хисобланади.

Юқори температура танадан иссиқлик ажралишини чегараласа, паст температура уни кучайтиради. Марказий нерв системаси орқали назорат қилиниб турувчи терморегулятор механизмларнинг етуклиги туфайли одам хар-хил температура шароитларига кўниши ва оптимал температуралардан сал ошган иссиқликка ҳам хийла вақт чидаши мумкин.

Спорт амалиётида ортиқча исиб кетиш холати иссиқ об-хавода, очик хаводаги ва номувоғиқ қурилган спорт залларидаги машғулотларда содир бўлиши мумкин. Бундай холатда профилактик чора-тадбирлар қўллаш лозим.

Физиологик жихатдан организм ташқи мухитнинг юқори температурасига модда алмашинишини пасайтириш йўли билан, шунингдек таркибида ёғ қўпайган тер ажралишини кучайтириш орқали ҳам мослашади, бу эса тернинг тери юзасида анча тенг тақсимланишига ва буғланишига сабаб бўлади.

Одам организмида иссиқлик мускуллар қисқарган пайтда ҳужайра ва тўқималарда рўй берадиган оксидланиш реакциялари натижасида ҳам хосил бўлади.

Одам ташқи мухитга иссиқликни: 1. Териси орқали; 2. Нафас йўллари орқали; 3. Чиқариш органлари орқали чиқаради. Бундан ташқари, одам истеъмол қиласидан овқат ва сувни иситиш учун ҳам иссиқлик сарфлайди.

Организмда хосил бўладиган иссиқлик миқдори ўша вақт оралигининг ўзида ундан ташқи мухитга чиқарилган иссиқлик миқдорига тенг бўлса, организмнинг бундай холати иссиқлик мувозанати холати деб аталади.

Организмда иссиқлик хосил бўлишининг кучайиши ёки сусайиши кимёвий терморегуляция: моддалар алмашинуви шиддатининг оралиқ мияда жойлашган иссиқлик марказидан келувчи импульслар таъсири остида ўзгаришига боғлиқдир. Шунингдек иссиқлик марказидан келувчи импульслар таъсири остида жигарда ва буйрак усти, ҳамда қалқонсимон безларга таъсири натижасида ҳам иссиқлик хосил бўлиши мумкин.

Физик терморегуляция организм томонидан чиқариладиган иссиқлик миқдорини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади. Меъёрдаги шароитда ҳаво температураси $18-20^{\circ}$ С, нисбий намлиги 40-60% бўлиб, ҳаво харакатланмай турган пайтда одам 77,5% атрофидаги иссиқликни ташқи мухитга бевосита ўтказиш ва сочиш йўли билан тери орқали чиқаради ва 20% га яқин иссиқлик тери юзасидаги тернинг буғланиши ҳисобига йўқолади. Иссиқликни бошқаришда нафас ҳам иштироқ этади.

Одам танаси температурасининг муайян даражада сақланиб туриши мураккаб функция бўлиб, бир томондан, кимёвий терморегуляция, иккинчи томондан физик ткrmорегуляциянинг бирга қўшилишиб таъсир қилиши туфайлидир деб хисоблаш керак.

Бироқ терморегуляциянинг имконияти чексиз эмаслигини назарда тутиш лозим. Атрофдаги ҳавонинг юқори ёки паст температураси таъсири билан иссиқлик мувозанати холати бузиладиган бўлса, организмда патологик ўзгаришлар рўй бериши мумкин.

Ҳаво намлиги

Ҳаво намлиги деганда ҳар қандай газ сингари симоб устунининг мм баландлиги билан ўлчанадиган ҳаводаги сув буғларининг зичлиги тушинилади.

Атмосфера ҳавоси ва берк биноларнинг ҳавосида ҳамиша бир оз микдорда сув буғлари бўлади.

Абсолют ҳаво намлиги деб 1 m^3 ҳавода мазкур пайтда бўлган сув буғлари микдорига айтилади.

Максимал ҳаво намлиги деб эса, мазкур ҳаво температураси ва мазкур атмосфера босимида 1 m^3 ҳавода бўла оладиган энг кўп микдордаги сув буғларига айтилади.

Нисбий ҳаво намлиги деб, абсолют ҳаво намлигининг максимал ҳаво намлигига қиёсан процентларда ифода қилинган нисбатига айтилади.

$$P = A/M \times 100\%$$

бу ерда P -процентларда ифодаланган нисбий ҳаво намлиги; $A - 1 \text{ m}^3$ даги граммлар билан ифодаланган абсолют ҳаво намлиги; $M - 1 \text{ m}^3$ граммлар билан ифодаланган максимал ҳаво намлиги.

Максимал ҳаво намлиги билан абсолют ҳаво намлиги ўртасидаги айрма намлик дефицити (1 m^3 ҳавонинг сув буғлари билан тўйиниши учун этишмайдиган буг микдори) деб аталади.

Агар сув буғларининг зичлиги чегарадан ошиб кетса, фазо сув буғлари билан тўйинади; бундан ҳам ошиб кетиши намликнинг туман, шудринг ёки қиров холида ажралишига олиб келади. Ҳар бир ҳаво температурасига муайян даражада сув буғлари билан тўйинганлик тўғри келади. Температура қанча юқори бўлса ҳавода сув буғлари шунча кўп сақланади.

Ҳаво намлигининг спортчилар организмига таъсири. Юқори температурали ҳавода, унинг намлиги ҳам юқори бўлса тананинг қизиб кетишига алоқадор касалликларни юзага келади. Чунки бунда иссиқлик ажралиши жуда ҳам қийинлашади. Агар юқори температурали ҳавода, унинг намлиги паст бўлса, иссиқлик ажралишига яхши шароит яратилиб, буни одам енгил кўтара олади.

Паст температурали ҳавода, унинг намлиги ҳам юқори бўлса организмни совиб кетишига алоқадор касалликларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Чунки бунда иссиқлик ажралиши кучаяди. Бундай ҳавода узок муддат бўлиш организмда (ревматизм, ўпка сили) шамоллаш касалликларини қўзғалишига сабаб бўлади.

Яшаш жойларида ҳаво намлигининг меъёри 30-60% ни ташкил этади.

Ҳаво харакати

Атмосферадаги ҳаво деярли ҳамма вақт харакатда бўлади. Бунинг сабаби ер шаридаги қизитишнинг бир хил бўлмаслигидандир. Ҳаво харакати ўзининг йўналиши ва тезлиги билан характерланади. Йўналиши шамол дунёнинг қайси томонидан эсаётганига қараб аниқланади ва румбалар билан белгиланади. Дунё 4 томонининг бошланғич ҳарфлари: Шимол, Жануб, Фарб, Шарқ билан белгиланади.

Ҳаво харакатининг тезлиги секундига метрлар (м/сек) билан ифодаланади ва унинг 1 м/сек дан ортиқроқ тезлиги одамга шамол бўлиб сезилади.

Шамол деб ҳавонинг ер юзаси устида харакатланишига айтилади. Шамол пайдо бўлишига сабаб атмосфера босими билан ҳаво температурасининг нотекис тарқалишидир. Ҳаво массалари босим юқори бўлган томондан босим паст томонга қараб юради. Шамол кучига Бофорт шкаласи бўйича тахминий баҳо берилади (1-жадвал).

1-жадвал

Бофорт шкаласи

Бофорт баллари	Шамол тезлиги м/сек	Шамол характеристики	Шамол таъсири
0	0-0,5	Штиль (сукунат)	Мутлақо шамол йўқ. Трубалардан тутун тик юқорига кўтарилади.
1	0,6-1,7	Секин шамол	Трубалардан тутун унча тик кўтариilmайди.
2	1,8-3,3	Енгил шамол	Шамол эсаётгани юзга сезилади. Барглар шитирлайди.
3	3,4-5,2	Кучсиз шамол	Барглар ва майда новдалар қимирлаб туради. Енгил байроқлар хилпирайди.
4	5,3-7,4	Ўртacha шамол	Дараҳтларнинг ингичка шохлари қимирлаб туради. Чанг ва қофоз парчаларини шамол учиради.
5	7,5-9,8	Совуққин а шамол	Катта-катта шохлар қимирлаб туради. Сувда тўлқинлар пайдо бўлади.
6	9,9-12,4	Кучли шамол	Йўғон шохлар қимирлайди. Телефон симлари гувиллайди.
7	12,5-15,2	Қаттиқ шамол	Кичикроқ дараҳт таналари тебраниб туради. денгизда кўпикланадиган тўлқинлар пайдо бўлади.
8	15,3-18,2	Жуда қаттиқ шамол	Дараҳт шохлари синиб тушади. шамол қаршисига юриш қийин бўлади.
9	18,3-21,5	Довул	Бир оз шикаст етказади. тутун трубалари ва черепица узилиб тушади.
10	21,6-25,1	Кучли довул	Каттагина шикаст етказади. дараҳтлар илдизи билан қулайди.
11	25,2-29,0	Жуда қаттиқ довул	Катта-катта шикаст етказади.

12	29 дан ортиқ	Түфөн	Жойларни хароб қиласи.
----	-----------------	-------	------------------------

Атрофдаги ҳавонинг температураси ҳам, намлиги ҳам, харакатининг тезлиги ҳам одам физиологик ҳаётининг факат бир томонига–иссиқлик алмашинувига таъсир қўрсатадиган бўлгани учун метеорологик омилларнинг спортчилар саломатлигига қандай таъсир қилишини баҳолашда буларнинг комплекс таъсирини хисобга олиш зарур. Ҳавонинг температураси, намлиги, харакати тезлигининг ҳаммадан қулай дарзда бирга қўшилиб, одамнинг энг яхши кайф-рухиятда бўлишини таъминлаб берадиган хили комфорт зонаси деб аталади.

Айни вақтда иссиқлик мувозанати холатининг спортчи бажариб турган юкламанинг нечоғли оғир-енгиллигига ҳам боғлиқ бўлишини хисобга олиш зарур.

Атмосфера босими

Ҳаво туфайли юзага келадиган босим атмосфера босими деб айтилади. Денгиз сатхидан паст жойларда бу босим ортиб борса, юқорига кўтарилиган сайин камайиб боради. Ҳаво босими меъёрда 760 мм симоб устинига тенг. Шунинг учун ҳам ғоввослик ишларида кессон касаллиги, 3500-5000 м. баландликга кўтарилиш натижасида эса тоғ касалиги юзага келиши мумкин.

Баландлик касаллиги чарчоқлик, бўшашиб, уйқучанлик, мускулларнинг тобора сусайиб бориши, бош айланиши, кўнгил айниши, қайт қилиш, нақаснинг тезлашуви ва бурун, хиқилдоқ ҳамда ичаклардан қон кетиши, эс-хуш йўқолиши билан намоён бўлади.

Ҳавонинг кимёвий твркиби

Атмосфера ҳавосининг таркибини доимий, ўзгармас деб хисобламоқ керак. Ҳавонинг таркибига 21% атрофида кислород, 78% атрофида азот, 0,04% атрофида карбонат ангидриди, ўзгариб турадиган микдорда сув буғлари ва бундан ташқари, процентнинг юздан бир улушлари микдорида озон, водород, гелий, неон, криптон, ксенон ва радон киради. Нафасдан чиқадиган ҳавода эса кислород 15,5-18%, карбонат ангидриди 2,5-5% ни ташкил этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.С. Вайнбаум, "Жисмоний тарбия гигиенаси" Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1988 йил.
2. А.А. Минх, И.Н. МАлишева, "Умумий ва спорт гигиенаси асослари" Ўзбекистон "Медисина" нашриёти, 1981 йил.
3. Е.Махмудов, Б.Аминов, Ш.Курбонов, "Ўсмирлар физиологияси ва мактаб гигиенаси", Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1984 йил.

4-маъруза: Об-ҳаво гигиенаси, иқлим ва акклиматизация

Режа:

- 1. Об-ҳаво гигиенаси**
- 2. Иқлим ва акклиматизация.**

Об-ҳаво гигиенаси

Бизга маълумки атмосфера ҳавосида бўлиб турадиган табиий ходисаларни ўрганиш билан метеорология шуғулланади.

Ўзбекистон Республикасида метеорологик станцияларнинг барчаси куннинг маълум бир соатларида ҳаво температураси ва намлиги даражасини кузатиб боради, ҳаво харакатининг тезлиги билан йўналишини, шунингдек, атмосфера босими миқдорини аниқлаб, ўлчаб турди. Кузатишлардан олинган йиғма маълумотлар синоптик варталар тузиш, об-ҳавони олдиндан айтиш учун асос бўлади.

Об-ҳаво деб атмосфера ҳавосида рўй бераётган муайян вақт ва муайян жойда табиий ходисаларнинг ахволига айтилади. Об-ҳаво бир вақтнинг ўзида ҳам бир-биридан хатто кичик масофада жойлашган турли пунктларда хар хил бўлиши мумкин.

Об-ҳавонинг одам организмига таъсири туфайли мавсумли касалликлар юзага келиши мумкин. Йилнинг иссиқ пайтлари меъда-ичак касалликларининг кўпайиши билан, совуқ даврлари эса шамоллашга алоқадор касалликларнинг кўпайиши билан таърифланади. Айниқса, бу холатлар об-ҳаво бирдан совуб ёки исиб кетган пайтларда юзага келади. Чунки бунда организм бундай шарт-шароитларга мослашишга улгира олмайди.

Иқлим ва акклиматизация.

Иқлим деб жойнинг географик кенглиги, рельефи, денгиз сатхидан баландлиги, намлик ва ўсимликларининг бор йўқлигига алоқадор бўлган қўп ийлилк об-ҳаво режимига айтилади.

Иқлим шарт-шароитларининг одам организмига таъсири физиологик функцияларнинг мавсум сари ўзгариб туриши ва бир иқлимий тумандан бошқасига ўтилганида ўзгаришлар рўй бериши билан намоён бўлади.

Асосий иқлим омили ёки мазкур жой об-ҳавосига характерли бўлган бир қанча омилларнинг биргаликда организмга қандай таъсир кўрсатишини ўрнаиш йўли билан турли иқлим зоналарининг физиологик характеристикиси тузилади. Чунончи совуқ фасл учун совқатиш омили характерлидир.

Иқлимнинг мавсумий хусусиятлари ахолининг турмуш санитария шароитлари ҳамда касалланишига таъсир кўрсатади. Қандай бўлмасин бирор иқлим ва йил фаслидаги метеорологик омилларнинг бир қанча касалликларнинг ўтишига, уларнинг оғир-енгиллигига ва ўлим холларига таъсир қилиши аниқланган.

Маълумки, иқлим шарт-шароитлари ахолининг инфекцион касалликлар билан оғришига ҳам каттагина таъсир кўрсатади. Инфекцион

касалликларнинг қўзғатувчилари ва юқтирувчиларига алоқадор биологик вазият иқлим шарт-шароитларига кўп жихатдан боғлиқ бўлади.

Баъзи жойлар (тоғли ва тоғ олди зоналари)нинг иқлим шарт-шароитлари одам организмига яхши таъсир кўрсатади: моддалар алмашинуви кучаяди, юрак-қон томирлар системаси ва нафас органларининг функцияси яхшиланади, қон таркиби яхшиладаи.

Даволаш ва соғломлаштириш мақсадларида ташқи мухитнинг метеорологик шарт-шароитлари ва иқлим хусусиятларидан кенг фойдаланилади. Республикаизда иқлим омилларининг одамлар саломатлигига кўрсатадиган сальбий таъсирини имкони борича камайтириш ва ижобий таъсиридан тўла-тўқис фойдаланишга қаратилган профилактик чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аҳоли яшайдиган жойларни планлаштириш, туар жойлар, жамоат, саноат, бино ва иншоотлари лойиҳаларини кўриб чиқиш, овқатланиш рационларини ишлаб чиқиш, касалликларни олдини олиш юзасидан профилактик чора-тадбирларни амалга оширишга тааллуқли гигиена масалаларини хал қилишда иқлим шарт-шароитлари хисобга олинади.

Микроиқлим деганда чекланган бўшлиқда сунъий йўл билан юзага келтирилган ёки табиий хусусиятларга кўра қарор топган иқлим шарт-шароитлари тушунилади. Сунъий йўл билан яратилган микроиқлимга аҳоли пунктларининг, берк бинолар, кийим бош остидаги бўшлиқ микроиқлимлари мисол бўла олади. Табиий хусусиятларга кўра қарор топган микроиқлимга атмосферанинг ерга яқин қатламидаги, ўрмон ёқасидаги яланглик, тоғ дараларидаги микроиқлимлар мисол бўлади.

Микроиқлим одам организмига хар хил таъсир кўрсатади. Чунончи, шахарларда одамларнинг саломатлиги учун ноқулай бўлган бир қанча таъсуротлар мавжуд: йилнинг иссиқ пайтларида ғиштли бинолар ва асфальт ётқизилган кўчалар офтобда қизиб, қўшимча иссиқлик манбаи бўлиб қолади; шахарларда ҳавонинг тутун билан ифлосланиши натижасида қуёш радиацияси интенсивлиги сусаяди ва биологик жихатдан муҳим бўлган ультрабинафша нурлар кескин камайиб кетади.

Мана шунинг учун ҳам қурилиш устидан олиб бориладиган профилактик санитария назорати жой рельефидан тўғри фойдаланиш, шахар териториясида дарахтзорларни барпо этиш, кўчаларни тўғри ўтказиш, уларни табиий ёруғлик билан ёритиш ва шомоллатиб туриш масалалари, кўчаларга ётқизиш учун тегишли материалларни танлаш ва бошқа масалалар аҳоли пункти микроиқлимини яхшилаш мақсадида гигиеник жихатдан айниқса муҳим аҳамиятга эгадир.

Одамга энг қулай шарт-шароитларни яратиб бериш ва уни ноқулай иқлим таъсиrlаридан сақлаш учун бир қанча холларда микроиқлим сунъий йўл билан яратилади.

Иқлимга мослашиш (акклиматизация) - одам организмининг янги иқлим шароитига кўникиш қобилияти - акклиматизация дейилади. Акклиматизация муаммоси хар-хил шароитлари билан фарқ қиласидиган янги қатор туманларнинг ўзлаштирилиши туфайли долзарб аҳамиятга эга бўлиб

қолади. Бу мамлакатнинг хар-хил вилоятларида, чет-элларда мусобақа ўтказувчи спортсменлар учун ҳам зарур.

Акклиматизация мураккаб ижтимоий-биологик жараён бўлиб, ўзгариб қолган иқлим шароитларида одамнинг кайф-рухиятини яхшилайдиган ва иш қобилятини оширадиган мослашиш реакцияларининг вужудга келиши билан чекланмайди. Иқлимга мослашиш деган тушунчага, аввало, ташқи мухитни фаол равишда ўзгартириш одам учун янги иқлим шароитларида ташқи мухитнинг нокулай таъсирларини сусайтира оладиган ёки бартараф эта оладиган меҳнат ва турмуш шарт-шароитларини яратиш киради.

Одамлар ўzlари учун янги иқлим шароитларига кўчиб ўтганларида психологоик омилнинг аҳамияти борлигини хисобга олиб, уларнинг майший ва маданий талабларини қондиришга алоҳидаэътибор бермоқ зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.С. Вайнбаум, "Жисмоний тарбия гигиенаси" Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1988 йил.
2. А.А. Минх, И.Н. Малишева, "Умумий ва спорт гигиенаси асослари" Ўзбекистон "Медисина" нашриёти, 1981 йил.
3. Е.Махмудов, Б.Аминов, Ш.Курбонов, "Ўсмирлар физиологияси ва мактаб гигиенаси", Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1984 йил.

5-маъзуза: Сув ва тупроқ гигиенаси.

Режа:

- 1. Сув гигиенаси ва унинг аҳамияти.**
- 2. Сувни тозалаш ва заарсизлантириш.**
- 3. Жисмоний тарбия машғулотларида тупроқ гигиенасининг аҳамияти.**

Сув гигиенаси ва унинг аҳамияти.

Сув одам хаётида жуда катта ва хилма-хил рол ўйнайди. У аввало одам организмини меъёрида сақланишида жуда катта аҳамият касб этади. Одамда унинг вазнига нисбатан 60% сув мавжуд. Сувнинг катта қисми организм хужайралари орасида, қолган қисми эса тўқималар орасидаги суюқликларда, қонда, лимфада, овқат хазм қилиш ширасида ва хар-хил безлар суюқликларида жойлашган. Одам организмидан сув барча физик-кимёвий жараёнларда иштирок этади. Шунинг билан бир қаторда овқатнинг қонга сўрилиши ассимиляция ва диссимилияция жараёнлари учун, эриган ва ярим эриган холда охирги маҳсулотни чиқариш ва иссиқлик алмашинуви учун зарур бўлади.

Одамда тери, ўпка, буйрак орқали йўқотилган сувни тўлдириш ва физиологоик функцияларнинг меъёрида ўтиши учун атроф-мухит ва хона температураси мўтадил бўлиши лозим. Енгил жисмоний иш қилганда суткасига 3 л сув йўқотилади. Бу сувларнинг ярми овқат моддалари билан қабул қилинади. Хаво температураси юқори бўлганда ва оғир жисмоний

мехнат қилиш натижасида сувга бўлган одам организмининг эхтиёжи 6-8л етади (бунда одамнинг терлаши ҳам хисобга олинади).

Одамни сув билан таъминламаслик ва уни сувсиз қолдириш жуда хавфли: организмда сув ва тузлар мувозанати бузилади, қон қуюқлашади, махсулотнинг қайта алмашинуви тўхтайди. Энергия ва модда алмашинувига сальбий таъсир этади. Одам сувсиз бир неча кун яшashi мумкин. Овқатсиз сув бўлган тақдирда бир ой атрофида яшайди. Одам организмининг 20% сув йўқотиши ўлимга олиб келади. Сув одамнинг фақат физиологик яшashiда зарур бўлиб қолмасдан, турмуш эхтиёжиди, хўжаликда ва ишлаб чиқаришда жуда зарур. Одам организмни жисмоний тарбия билан чиниктиришда жуда катта аҳамиятга эга: у одамни чиниктиришда, даволаш жисмоний тарбиясида, шахсий гигиенасида, спорт машғулотларида зарур.

Истеъмол қилинадиган сув қўйидаги қабул қилинган гигиена меъёрларига жавоб бериши керак:

1)сув ахолининг барча эхтиёжларига керак бўлган миқдорда олиб келиниши керак;

2)сув тиник, рангиз, хиди ва таъми ўзгармаган маълум температурага эга ва бардам қиласиган бўлиши керак;

3)аниқ ва нисбатан доимий химиявий таркибга эга бўлиши керак, киши соғлиғига заар келтирадиган ортиқча туз бўлмаслиги, захарли ва радиактив заррачалардан холи бўлиши керак;

4)таркибида патоген бактериялар ва гижжа тухумлари, ғумбаклари бўлмаслиги керак.

Водопровод суви нимага ишлатилишидан (ичиш, кўчаларга сепиш учун ва хаказо) қатий назар, юқорида айтиб ўтилган талабларга жавоб бериши керак. Умумий сув хавзаларининг атрофи ўралиб санитария ходимлари томонидан муҳофаза қилиниши лозим.

Сувга бўлган суткалик эхтиёж мухит температурасига ва жисмоний мехнат турига боғлиқ. Суткада ичиладиган сув ва озиқ-овқат орқали олинадиган сув миқдори организмни таъминлаши керак. Бир суткада ичиладиган сув иш характерига ва ташқи мухит таъсирига қараб аниқ миқдорга эга бўлиши зарур. Хаддат ташқари сувни кўп истемол қилиш организмни оғирлаштиради. Кўп терлашга сабаб бўлади. Юрек ишини оғирлаштиради. Чидамлилик ва иш қобилиятини пасайтиради. Бирданига кўп сув ичиш бир неча вақт қон томирларни тўлдириб юборади ва осмотик босимни пасайтиради.

Сувни тозалаш ва заарсизлантириш.

Сувни тозалашнинг биринчи босқичи тинитиш хисобланади - дағал лойқалардан озод қилинади. У маҳсус қурилмаларда басейнларда сувни жуда ҳам секин ўтказиб тиндирилади. Осилмаларнинг чўкиш жараёнини тезлатиши майда заррачаларни шу билан бир қаторда сувнинг рангини йўқотиши мақсадида уни коагуляция қилинади. Бунинг учун унга маҳсус химиявий чўқтирма, коагулянт солинади. Одатда коагулянт сифатида (гил тупроқ) алюминий сулфат қўлланилади. У кальций ва магнийнинг дикарбонат

тузлари билан реакцияга киришиб, лахта-лахта, ипир-ипир қуйқалар шаклида алюминий гидроксидга айланади. Чўкиш вақтида бу қуйқалар ўзи билан лойқа ва микробларни ўзлаштриб тушади.

Водопровод станцияларида сувни заарсизлантиришнинг кенг тарқалган усули хлорлаш хисобланади. Шу мақсадда газсимон хлор қўлланилади. Улар пўлат балонларда сақланади. Хлоротор ёрдамида хлорлаш амалга оширилади, у хлорнинг дозировкасини таъминлайди ва тоза филтрланган сув резервуарига ёки бевосита водопровод тармоғига доимо хлор бериб тақсимлаб туради.

Сувни заарсизлантиришда хлорлаш усули оддий арzon ва етарли даражаси ишончли хисобланади. Шунга қарамасдан унинг тўла-тўкис гигиеник талабларини қондира олади деб хисоблаш мумкин эмас. Хлор сувнинг табиий холатини, мазасини, хидини бузади; доимий истемол қилиш натижасида организмга хавфли таъсир қилиши эҳтимолдан холи эмас. Хлорга чидамли бактериялар ҳам бор. Уларга хатто катта миқдордаги хлор ҳам таъсир қилмайди. Уй-дала шароитларида ва туристлар лагерида сувни тозалаш ва заарсизлантириш учун худди водопровод станциясидаги сувлардан, лекин осонлаштирилган холда фойдаланилади.

Жисмоний тарбия машғулотларида тупроқ гигиенасининг аҳамияти

Тупроқ хаво ва сув каби мухит хисобланади. У билан одам бевосита бутун ҳаёти давомида бирга бўлади. Ер юзида яшайди, тупроқдан сувни кавлаб олади. Хар турли қазиш ишлари ва қишлоқ хўжалик ишларини бажариб, одам доимо баъзи бир тупроқ омиллари таъсирида бўлади. Улар шароитга қараб инсон соғлиғига хар-хил таъсир кўрсатади. Тупроқнинг устки қавати мураккаб минерал бирикмалар комплексидан(90-99%) ва органик моддалардан (1-10%) иборат. Минерал қисми асосан қум, тупроқ, охак, лой ва улар таркибига кирувчи кремний, алюминий, кальций, магний тузлари ва бошқалардан, органик қисми ўсимликлар қолдиги ва хайвонлар организми махсулотлари чириши натижасида хосил бўладиган чиринидан (гумус) иборат.

Тупроқнинг бу қавати жуда кўп миқдорда микроблар сақлайди. Турпоқнинг геологик тузилишига қараб қуидагича тафовут қилинади; қум тупроқ (80% дан ортиқроғи қум), қумлоқ тупроқ (60% дан кўпроғи тупроқ), соғ тупроқ, шўрхок (хlorидларга бой), қора тупроқ (20% кўпроғи чиринди), тўрфли тупроқ ва бошқалар.

Тупроқ доимо хар-хил чиқиндилар билан ифлосланади ва агар улар тозаланиш қобилиятига эга бўлмаганида эди унда ерда хаёт бўлмас эди. Тупроқ органик моддаларни эпидемиологик жихатдан жуда хавфли ноорганик моддалар - минерал тузлар ва газларга айлантириши мумкин. Бу жуда ҳам мураккаб жараён, бу ўз-ўзидан тозаланиш деб айтилади. У шундай юз беради: тупроқка тушган органик моддалар ўзидаги касал туғдирадиган микроблар ва гижжа тухумлари билан бирга қисман филтланиб, ушланиб қолади ва ютилиб кетади.

Биокимёвий ва микробиологик жараёнлар таъсирида ахлатлар тупроқдан ўтиб ёқимсиз хидини, захарлилигини ва бошқа хусусиятларини йўқотади, кимёвий таркиби радикал ўзгаришига учрайди. Чиқиндиларнинг углевод қисми тупроқда карбонат ангидрид ва сувгача оксидланади; ёғлар глицерин ва кислоталарга парчаланади, шундан кейин карбонат ангидрид ва сувгача оксидланади; оқсиллар аминокислоталарга парчаланади ва ундан азот аммиак формасида ажралиб чиқади, кейин оксидланиб нитрат ва нитрит кислоталарга парчаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.С. Вайнбаум, "Жисмоний тарбия гигиенаси" Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1988 йил.
2. А.А. Минх, И.Н. Малишева, "Умумий ва спорт гигиенаси асослари" Ўзбекистон "Медисина" нашриёти, 1981 йил.
3. Е.Махмудов, Б.Аминов, Ш.Қурбонов, "Ўсмирлар физиологияси ва мактаб гигиенаси", Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1984 йил.

6-маъруза. Спорт иншоотларининг гигиенаси. Жисмоний тарбия билан шу ғулланувчиларнинг шахсий гигиенаси.

- 1. Спорт иншоотлари учун қўйиладиган гигеник талаблар**
- 2. Спорт залларига қўйиладиган гигеник талаблар**
- 3. Спорт иншоотларининг жойланиши, ориентацияси ва планлаштирилиши.**
- 4. Шахсий гигиена. Тери гигиенаси.**
- 5. Кийимбош ва пояфзалларга қўйиладиган гигеник талаблар**

Спорт иншоотлари учун ишлатиладиган қурилиш материаллари муайян гигиеник талабларга жавоб берадиган бўлиши керак. Бу материаллар хоналарда қулай микроиқлим яратиш учун имкон берадиган иссиқликни секин ўтказадиган ва товуш ўтказиш даражаси паст бўлган, гидроскопик хусусияти намни кам тортадиган бўлиши лозим. Бундай сифатлар девор ва тўсиқларга ишлатиладиган асосий қурилиш материалларига ҳам шунингдек, суваш ва пардозлаш материалларига ҳам боғлиқ бўлади. Бизнинг давримизда спорт иншоотлари қуриш учун кўпроқ темир - бетон ва ғиштдан фойдаланилади. Сувни ва хоналарни пардозлаш учун кўпроқ синтетик палимерлар ишлатиш кенг тарқалган. Бу материаллар товушни ва иссиқликни яхши изоляциялаш хусусиятига эга бўлиб, артиб тозалаш учун ва ташқи кўриниши ҳам чиройлидир. Шу билан бирга бу материаллар токсик моддалар ажратиб чиқариши ҳам мумкин, бу жисмоний машқлар вақтида тез-тез нафас олишга мажбур бўладиган спортчилар учун айниқса хавфлидир. Синтетик материалларда статик электр майдони хосил бўлиши мумкин. Бу эса спортчиларнинг соғлиғига ва иш қобилиятига улар узоқ муддат ва такрорий машқлар бажараётган вақтда айниқса салбий таъсир

кўрсатиши мумкин. Спортчиларнинг кийим-кечакларидағи ва поябзалларидағи бошқа синтетик материаллар (айниқса капрон ва нейлон) ва спорт инвентаридағи ана шундай материаллар ҳам статик электр зарядлари хосил қилишга ёрдам беради.

Хоналарни пардоzlаш учун ишлатиладиган синтетик полимерлар ёнгин хавфини қучайтиради, чунки улар тез ёнади ва бунда захарли тутун ажратиб чиқаради. Шунинг учун ҳам спорт иншоотлари қурилишида синтетик материалларнинг қўлланилиши қатий санитария назорати остида бўлмоғи керак.

Спорт залларидағи поллар учун шу мақсадларга ишлатиладиган тахталарни яхшилаб рандалаб, текислаб, палуба типида қоплаб чиқиш макулдир. Ечиниш хоналарида, гардиробларда, буфетларда, массаж хоналарида, каридорларда полнинг устига линолеум қоплаш керак, чунки у пилесос ва бошқа йиғиб-терадиган машиналарни ишлатиб, супуриб-сидириш учун қулай имконият яратади. Бундай сирт иссиқликни ҳам яхши сақлайди. Спорт залларига ҳам линолеум қоплашга рухсат берилади. Сувни яхши изолясия қилиш зарур бўлган душхона, туалет, ванна, гидромассаж хонаси ва бошқа шунга ўхшашиб хоналарда полнинг усти керамик плиталар ёки сement билан қопланади. Хозирги вақтда енгил атлетика ва футбол манежларида ҳамда ёпик стадионларда юмшоқ, букулувчанлик, эгилувчанлик хусусиятларига эга бўлган, югуриш учун ва механик тарзда йиғишириш учун, супуриб-сидириш учун қулай бўлган гардан, рекартан сингари синтетик материаллар қоплаш методидан фойдаланилмоқда.

Чанг камроқ тўпланиши ва хўл латта билан артиб қулай бўлиши учун спорт залларининг деворлари камида 1,8 м баландликда мойли бўёқ билан бўяб чиқилади: шу билан бирга мойли бўёқ хавонинг девор орқали ўтишини пасайтиради, хоналар ветилясиясининг ёмонлашувига сабаб бўлади, намликтин кўтарилишига ёрдам беради. Шунинг учун ҳам, одатда деворларни қоплаш учун (1,8 мдан юқори қисмини) йелимли бўёқлар қулланилади. Оч рангдаги бўёқлардан (оч сариқ, оч яшил) фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ранглар ёруғлик нурини яхши қайтаришга ҳамда нурнинг бутун хона бўйлаб бир хилда тарқалиб, ҳамма ёқни баравар ёритишига ёрдам беради. Бундан ташқари, оч тиник ранглар нерв системасига тетиклаштирувчи таъсир кўрсатади ҳамда шуғулланаётган кишиларда ижобий хис-туйғулар пайдо қиласи.

Ўйинлар ўтказилаётган спорт залларининг шипини мойли бўёқ билан бўяш лозим, чунки у оқлашга ёки йелимли бўёқка қараганда копток зарбига бир-мунча чидамлироқ бўлади. Спорт иншоотлари жисмоний ва спорт билан шуғулланаётган кишиларга қулай шарт-шароитлар яратиб бериш учун зарур бўлган муайян гигиеник талабларга жавоб бермоғи керак. Ушбу талаблар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги жисмоний тарбия ва спорт комитети, қурилиш ташкилотларининг маҳсус инструкцияларида, хужжатларида баён этилган тегишли қурилиш ва санитария нормативлари томонидан тартибга солиб турилади.

Спорт иншоотлари шамолга тескари томондан бошлаб (шамолнинг йўналишини хисобга олган холда) қурилади. Бунда хавонинг ифлосланишига сабаб бўладиган объектлар, корхоналар, йирик автомагистраллар, узоқроқ масофадаги ахлат ташланадиган жойлар, заарлик даражасига қараб, хар бир корхона учун белгиланган тартибга солиб туриладиган санитария химоя зоналари хисобга олинади.

Очиқ спорт иншоотларининг жанубий қиямалик жойларда бироз нишаб қилиб жойлаштирилган маъқул. Сузиш ва сувга сакраш бўйича ўкув машқ машғулотлари учун бассейнлар қуришга жой танланаётганда худди ер юзасидаги очик спорт иншоотларга қўйиладиган талаблар, хавони ва тупроқни ифлослантирадиган манбаалардан, шовқиндан нари бўлиши, кўкаламзор жойларга яқинлиги. Кириб келинадиган йўлларни қулай бўлиши хисобга олиниши керак; Бундан ташқари сувнинг ва соҳилларнинг гигиеник холати сув оқимининг тезлиги хисобга олинади.

Бассейнларни ўз-ўзини тозалаб туришга қодир бўлган оқар сувларга (дарёларга) жойлаштирган маъқул. Сувнинг устида кўзга кўриниб турган хазон, харакат сингари нарсалардан бассейнни тозалаб туриш керак. Сувнинг тиниқлиги шу даражада бўлиши керакки, унга ташланган диаметри 20 см.ли оқ рангдаги доирача 4 м чуқурликдан ҳам кўриниб турсин. Шунингдек сувнинг сифати ҳам унда химиявия чиқиндилар ва бактериал ифлосланиши даражасига қараб вақти-вақти билан текшириб, баҳоланиб туриши керак.

Жисмоний тарбия билан шу ғулланувчиларнинг шахсий гигиенаси

Шахсий гигиена умумий гигиенанинг бўлими бўлиб, танани, оғиз бўшлиғини парваришлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни яратиш ва ахоли ўртасидаги гигеник малакаларни тарбиялашни ўрганади ва ишлаб чиқади. Шахсий гигиенанинг талабларини бажариш соғлиқни сақлашда катта аҳамиятга эга бўлиб, юқумли ва бошқа касалликларнинг тарқалишига йўл қўймайди. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчиларнинг шахсий гигиенага риоя қилишини назорат қилиб туришда спорт камандалари шифокорлар, жисмоний тарбия ўқитувчилари, спорт мураббийлари мухим рол ўйнайди. Шахсий гигиена норма ва қоидаларига риоя қилмаслик фақат касалликкагина олиб келмай, балки спортчининг чидамлилиги ва ишлаш қобилиятини пасайтириб, хатто вақтинча спорт билан шу ғулланишни тўхтатиб қувишга олиб келади. Шахсий гигиена қоидаларига риоя қилмаслик натижасида оёқнинг шилиниши, совуқ уриши, шунингдек йирингли яралар ва замбуру ўга оид тери касалликлар пайдо бўлиши билан боғлиқдир.

Тренировка қилувчи спортчининг қундалик режими спорт байрамларида ва оддий хаёт шароитларида танани парвариш қилиш учун керак бўлган умумий ва маҳсус тадбирлар йетарли даражада қўрилган бўлиши керак. Бу соҳада шунингдек санитария маорифи ишларни олиб бориши зарур. Тери бир қатор физиологик функсияларни бажаради. Терида жуда кўп нерв толаларининг учлари жойлашганлиги сабабли ташқи таасуротни қабул қилишда биринчи анализатор хисобланади. Марказий нерв системаси тери ресепторлари билан кўп томонлама алоқада ўлиб, организмда

физиологик процессларни бошқарып туради. Бинобарин тери дастлаб сезги органи учун ката ҳамиятга эга бўлиб, температура, оғриқ ва тарктил сезувчанликка эгадир.

Организмга механик, физик ва химик таасуротдан, шунингдек микробларни ўтишидан сақлашда тери тўсиқ вазифасини ўтайди. Тери ажратиш органи сифатида катта аҳамиятга эга. Организм терла шва кўп миқдорда иссиқлик чиқариш йўли билан қонда ва тўқималарда хосил бўлган бир қанча заарли моддалардан озод бўлади. Тери ости ёғ безлари терини қуршаб қолишдан, ортиқча тер билан қопланишдан сақлайди ва унинг эластиклик хусусиятини ҳамда механик таасуротларга қарши туриш қобилиятини оширади. Тери организмда газ алмашинишида иштирок этади ва у бактерисит хусусиятига эгадир.

Гиш ва оғиз бўшли ғини тўғри парвариш қилиш муҳим гигиеник аҳамиятга эга. У овқатни яхшилаб майдалаш, унинг сингишини осонлаштиришни таъминлайдиган, шунингдек оғиз бўшли ғи орқали организмга микробларнинг кириш хавфини камайтирадиган тишларни сақлаш зарур.

Кийимбош ва поябзалларнинг асосий вазифаси инсонни ташқи мухитнингзарли таъсуротларидан химоя қилишни ўз ичига олади. Кийимбош ва пояфзал организмнинг иссиқлик мувозанатини сақлашга ёрдам беради, об-хавонинг ноқулай факторларидан, кирланишдан ва механик шикастланишлардан химоя қиласи.

Хавонинг температураси пасайгандаги, шмол ва нам климда кийим совқотиши ва музлашдан химоя қилиб, организмнинг иссиқлик ажратишини камайтиради. Юқори температурада мос кийим иссиқлик ажратишига кўмаклашади ва иссиқлаб қолишдан химоя қиласи.

Атрофдаги шарт-шароитга, меҳнат фаолиятининг характеристига ва маҳсус хизматларга мослаб уйда, уй юмушларида ва ташқарида, корхоналарда, армияда, жисмоний тарбия машғулотларида, спортда ва бошқаларда кийиладиган турли хил кийимбош ва пояфзаллар тайёрланади. Қатор хусусиятларига қарамай улар умугигиена талабларига жавоб бериши шарт: организмни об-хаво ва иқлим ўзгаришига мослаштириш, тинч ҳамда ҳаракат фаолияти пайтида орган ва системалар функсияси учун мос шароитни сақлаши керак.

Пояфзалларга кўйиладиган гигиеник талаб устки кийимларга кўйиладиган талабга ўхшайди. У имконияти борича йенгил, қулай, оёқда қон айланишига, теридаги бу ғланишга халақит бермайдиган, товон шаклини ўзгартириб қўймайдиган, ишқаланишни, оёқ терлашини келтириб чиқармаслиги керак. Пояфзаллар учун ишлатиладиган материаллар мустахкам, йенгил, йетарли даражада юмшоқ, иссиқликни ёмон ўтказадиган (қиши ойлари учун), хавони яхши ўтказадиган, совуқдан, намлиқдан ва хархил механик таъсуротлардан сақлайдиган хусусиятга эга бўлиши керак. Спорт попафзали у йики бу спорт машғулотларига мослашган бўлиши ва юқорида кўрсатиб ўтилган ҳамма талабларга жавоб бериши керак. Спорт пояфзалига кўйиладиган гигиеник ва спесифик конструктив талаблар спорт турининг

хусусиятига бо ғлиқ. Уларнинг умумийлари қуйидагилар: пояфзалнинг мустажкамлиги, юзасининг эластиклиги, йилнинг фаслига ва маш ғулотнинг шароитига мослиги, югуришда, сакрашда ва бошқаларда оёқни механик таъсирланишлардан ишончли химоя қилиши, товон сирпанмаслиги, қулайлиги, ишни йенгиллатиш қобилияти. Нотў ғри пояфзал оёқнинг шилинишини, музлашини, тренировка ва мусобақаларда спорт натижасининг пасайишига олиб келади.

Спорт пояфзалидан, спорт кийимлари каби, факат спорт Билан шу ғуллангандағина фойдаланиш керак бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.С. Вайнбаум, "Жисмоний тарбия гигиенаси" Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1988 йил.
2. А.А. Минх, И.Н. Малишева, "Умумий ва спорт гигиенаси асослари" Ўзбекистон "Медисина" нашриёти, 1981 йил.
3. Е.Махмудов, Б.Аминов, Ш.Курбонов, "Ўсмирлар физиологияси ва мактаб гигиенаси", Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1984 йил.

7-маъруза. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари даврида овқатланиш гигиенаси

1. Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари вақтида энергиянинг сарфланиши.

- 2. Энергия сарфланишини белгилаш усуллари**
- 3. Овқат рационини таркиби**

Рационал тарзда овқатланишга қўйиладиган гигиеник талаблар қуйидаги тадбирларни йўлга қўйиш орқали амалга оширилади:

- сарф қилинган энергияни тиклаш учун овқатланишни меъёрга солиш, пластик жараёнларни таминлаш учун таркибида асосий ингредиентлар (оқсил, ёғлар, углеводлар) бўлган овқатларни меъёрлаштириш;
- организм функцияларини таъминлаш учун овқатланишни сув микдори, микроэлементлар, минераллар, витаминалар микдори бўйича меъёрлаштириш;
- овқатланиш режимини меъёрлаштириш.

Бутун умр давомида организмда доимий равишда энергия алмашинуви содир бўлиб туради. Бир томондан энергия ишлаб чиқарилса, иккинчи томондан у сарфланиб туради. Организмга энергия хужайралардаги тўқималардаги хаётий фаолият жараёнларини таъминлаш учун, гавданинг хароратини сақлаб туриш ташқи механик ишларни бажариш учун зарурдир.

Одам ухлаган вақтида жуда кам микдорда энергия сарф қиласи. Унинг сарфланиш микдори тахминан 0,9 ккал/м га teng бўлади. Конфорт шароитида (acosий модда алмашинув даражаси) эрта нохордаги тинч ётилган пайтда энергиянинг сарфланиш даражаси ҳам тахминан ўша уйқу вактидаги даражага teng бўлади. Акосий модда алмашинув энергияси тўқималардаги

хаётій жараёнларга ҳамда тана хароратини бир маромда сақлаб туриш учун сарф қилинади.

Энергия сарфланишини белгилаш түғридан-түғри колориметрия методи орқали амалга оширилади. Уни одам фаолиятининг хар-хил турлари бўйича сарф қилинган энергия миқдорини маҳсус равишда тадқиқ этиш асосида тузиб чиқилган жадвалларга қараб, кислород истемол қилиш юзасидан текшириб аниқланади.

Спортда энергия сарфланиши ихтисослашишига боғлиқ бўлади. Бунда спорт турлари 3 группага ажратилади.

1. Бу группага кўпроқ аеробик типдаги спорт турлари киради (узоқ масофаларга югуриш, ча ғи учуш, мўлжал олиб юриш, велосипед учиш, сузиш, юриш); тренировкалар, узоқ муддат ишлашни ва катта-катта (суткасига 6000-7000 ккал) энергия сарфланишини талаб қиласди.

2. Аэробик - анаэробик группа (ўртача масофаларга югуриш, спорт ўйинлари, эшкак эшиш, кураш); тренировкаларда ҳам узоқ давом этадиган ишлар бажарилади, ҳам нисбатан қисқа муддат давом этадиган ишлар бажарилади (такрорий метод қулланилади), бунда энергиянинг сарфланиши 1 суткада 5000-6000 ккал га тўғри келади.

3. Анаэробик группа (сакраш, спринтерча - югуриш); тренировкалар мускулларга интенсив равишда қисқа муддатли зўриқишиш тўғри келадиган тарзда ўтказилади; энергия сарфланиши 4500-5000 ккал га тўғри келади.

Спортда энергия сарфланишининг тежемлилиги техниканинг рационаллиги билан боғлиқдир. Юксак даражада спорт техникасига эга бўлган чанғичи пастроқ даражада спорт техникасига эга бўлган чанғичи билан бир хил тезликда харакат қилган вақтида камроқ энергия сарфлайди, энергия баравар сарф қилинган вақтда эса ундан кўра кўпроқ ва катттароқ тезликка эришади. Бунда энергия сарфланишидаги тежамкорлик кўпроқ даражада механик ишга сарфланадиган энергиядан самаралироқ фойдаланиш орқали белгиланади. Бунда иссиқликка айланадиган энергия миқдорида айтайлик фарқ бўлмайди.

Овқат рациони ўз таркибида: оқсил, ёғлар, углеводлар, витаминалар, минерал тузлар, сув ва бошқа организм учун зарур бўлган барча моддалардан тегишли миқдорда бўлиши керак. Углеводлар ва ёғлардан кўпроқ энергия етказиб берувчи модда сифатида фойдаланилади. Оқсиллар эса - пластик жараёнлар учун зарур бўлади; бошқа озиқ-овқат моддалари энергетик аҳамиятга эга бўлмайди. Оқсиллар углевод, кислород, водород, фосфор, олтингугурт ва азотдан иборат бўлиб, булар ўз навбатида аминокислоталар таркибига киради, ҳамда оқсил таркиб топадиган структура бирликлари хисобланади. Бундай аминокислоталарнинг 25 дан ортиқ тури маълумдир. Оқсиллар ўз таркибига кўра ва аминокислоталар бирикишининг изчиллигига кўра бир-биридан фарқ қиласди. Хайвонлар ва ўсимликлар ҳам бир-биридан фарқ қиласди.

Ёғлар таркибида углерод, водород, кислородга эга бўлган глицерин ҳамда ёғ кислоталаридан иборат бўлади. Булар овқатнинг энергияга кўпроқ даражада бой бўлган компонентлари хисобланади. Организмда 1 гр ёғнинг

оксидланиши 9,3 ккал энергия беради. Ёғлар таркибидан хәёт учун зарур бўлган А, Д, Е, К - витаминлари ҳамда биологик жихатдан актив моддалар - тўйинмаган ёғ кислоталари мавжуд бўлади. Ёғлар фақат энергетик аҳамиятига эга бўлиб қолмай, шу билан бирга структура аҳамиятга эгадир. Улар хужайра қобиги ва мембрана таркиби киради, иссиқлик изоляцияси функциясини сақлаб турадиган карсет вазифасини бажаради, тери остидаги клечаткага жойлашиб, ички аъзоларни жамлаб турадиган тўқималар, бўғимлар, нерв системаси, эндокрин безлари таркиби киради.

Спортчилар овқатида ўсимлик ёғи мажбурий компонентлардан бўлиб хисобланади, чунки улар Е витаминини ортиқ даражада сарф қиладилар; ўсимлик ёғи таркибидаги Е витамини ёғ алмашинуви учун зарур бўлиб, қондаги оқсил, ёғ компонентларини нормал холга келтиришга ёрдам беради, ателосклероз касаллигини олдини олади.

Углеводлар водород, кислород ва углероддан таркиб топади. Углеродлар 1 молекуласидаги моносахарлар миқдорига қараб, улар моносахарлар (фруктоза, глюкоза), дисахарлар (лавлаги қанди) ва полисахарлар (крахмал, гликоген) га бўлинади. Углеродлар асосий энергия етказиб берувчилар хисобланади. 1 гр углеводнинг оксидланиши 4,1 ккал иссиқлик беради. Кундизги овқат рационида углеводнинг миқдори калория қимматининг 60% таъмин этмоғи керак. Сабзавотлар ичида сабзи, карам, лавлаги, витаминларга, минерал тузларга, клетчаткаларга бойдир. Картошка таркибидан кўп миқдорда крахмал (полисахарлар) мавжуд бўлиб, калорияга бойдир. Бироқ унда клетчатка камроқ бўлади. Шунинг учун сабзавотларни (картошка, лавлаги, сабзи, карам, пиёз, бодринг қўшиб) винегрет шаклида истеъмол қилиш мақсадга мувофиқдир. Пиёзда углевод ва оқсиллар кам бўлса ҳам лекин овқат ҳазм қилишга бактерицит сифатида стимуляция қилувчи таъсир кўрсатиши туфайли жуда фойдалидир.

Овқат организмнинг натрий, калций, магний, темир, фосфор, олтингугурт, хлорга бўлган эхтиёжини кўпроқ даражада ва бошқа бир қатор элементлар (микроэлементлар) - йод, фтор, рух, мис, марганец, кабальт ва бошқаларга бўлган талабини камроқ (1 мг - кг ва ундан ҳам камроқ) даражада қондириш керак. (Минераллар тўқималардаги осмотик босимни сақлаб туради, улар суяқ, тиш, гемоглабин, ферментлар, гармонлар таркиби киради.

Витаминлар ўзининг химиявий таркибига кўра турли органик бирикмалар бўлиб, организмда ферментлар хосил бўлиши учун жуда зарурдир. Қандайдир бир витаминнинг йетишмаслиги мода алмашинув жараёнларининг бузилишига сабаб бўлади. Иш қобилияти пасаяди, касалликлар авж олади, айрим холларда касаллик ўлим билан тугаши ҳам мумкин. Жисмоний машқлаб бажарилган вақтда витаминлар кўп миқдорда сарф бўлади. Шунинг учун ҳам спортчиларнинг овқат расионида, калория қиммати ҳамда таркибидан оқсиллар, ёғлар ва углеводлар қай даражада экнига қараб. Расионал мезон бўйича тайёрланган овқатларда витаминлар йетишмай қолиши мумкин. Айниқса ва баҳор фаслида (январ-апрел ойларида) чидамлилик бўйича ўtkазиладиган спорт турларида анна шундай холларни

кузатиш мумкин. Витамин етишмаслигининг ўрнини қоплаш учун витаминаларнинг таблетка шаклидаги препаратларида истемол қилиш мақсадга мувофиқдир.

Озиқ-овқат махсулотларининг бир суткалик рациони катта ёшли кишилар учун 3-4 махал овқатланишга, мактабга ёшдаги болалар учун 4-5 махал овқатланишга бўлинниши керак. Овқатланишнинг 3 махал эрталабки нонушта, тушлик овқат ва кечки овқат асосий овқатланиш вақтлари хисобалади. 4 овқатланиш вақти бу иккинчи нонушта (ерталабки нонушта билан тушлик овқат орасида) ёки кундузги овқат билан кечқуругни овқат ўртасида бўлиши мумкин, буни ананага кўра ҳамда турмуш шароитига қараб ташкил этиш лозим.

Жисмоний машқлаб машғулотлари билан овқатланиш ўртасида 30-40 минут танаффус, интервал бўлиши керак. Бу вақт нагрузкадан кейин қон айланишини тиклаб олиш учун ҳамда қонни ишлаб турган мускуллардан овқат хазм қилиш органларига қайта тақсимлаш учун зарурдир. эрталабки нонушта аркибида оқсилларнинг ўртача миқдори нисбатан кўпроқ бўлиши лозим. Яъни оқсилларнинг калория қиймати 20-22%, ё ғларники 35%, углеводларники 43-45% ташкил этмоғи керак. Оқсиллар организмдаги метаболик процесслар активлигини кўтаради. Нерв ва гормонал системаларнинг активлигини оширади. Спортчиларнинг овқатланиши ўзининг анча юқори калорияда бўлиши билан ҳамда овқатланиш режим ива кундалик овқат расионининг тақсимланишида баъзи бир ўзига хусусиятлари билан ажralиб туради.

Спортчиларнинг энергия сарфлаши спортчи бўлмаган кишилардан фарқ қиласи, хафтанинг айрим кунларида сезиларли даражада ажralиб туради. Ривожланиб бораётган тренировка кунида энергия сарфланиши 6000-7000 ккал, дам олиш куни эса 2500-3000 ккал га етиши мумкин. Овқат расионининг калория қиймати бир хафта мобайнида хар куни сарфланадиган энергиянинг ўртачи миқдоридан келиб чиқмоғи керак. Бунда энергия сарфланиши бир кун овқат расионини қимматидан ортиўлса, бошқа куни эса ундан камроқ бўлади, яъни овқатнинг калория қиймати ва таркиби нисбатан стабил бўлиши лозим. Лекин энергия сарфланиши эса бир хафталик сикл кунларида бир биридан сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.С. Вайнбаум, "Жисмоний тарбия гигиенаси" Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1988 йил.
2. А.А. Минх, И.Н. Малишева, "Умумий ва спорт гигиенаси асослари" Ўзбекистон "Медисина" нашриёти, 1981 йил.
3. Е.Махмудов, Б.Аминов, Ш.Курбонов, "Ўсмиirlар физиологияси ва мактаб гигиенаси", Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1984 йил.

8-маъруза. Спортчиларни тиббий назорат қилиш ва тиббий хизмат кўрсатиш вазифаси, мақсади

Режа:

- 1. Даволаш жисмоний тарбиясининг предмети, мақсади ва вазифалари.**
- 2. Даволаш жисмоний тарбиясининг воситалари, шакл ва усувлари.**

Жисмоний машқларни даволаш мақсадида бошқа воситалар (парҳез овқатлар, физиотерапия муолажалари ва дори-дармонлар) билан қўлланилиши даволаш жисмоний тарбияси дейилади. Даволаш машқларининг қўлланилишида нерв-гуморал система асосий аҳамият касб этади ва бу машқлар таъсирида организмда чукур руҳий, физиологик ва биохимик ўзгаришлар содир бўлади.

Даволаш машқларининг организмдаги мускулларга берилган ҳар қандай харакат таъсири марказий нерв системасига боради ва унинг асосида вегетатив нерв системасида қўзғалиш содир бўлиб ўз навбатида ички органларнинг фаолияти тезлашади. Даволаш машқлари таъсирида ички секреция безларидан гармонлар ва метаболитларни ажралиб чиқиши кўпайиб, орган ва органлар системаси фаолиятини ўзгартиради.

Даволаш машқлари организмга 4 хил механизм орқали ўз таъсирини кўрсатади. Бу тетиклаштирувчи, трофик (озиқлантирувчи), компенсатор (ўрнини босиши) ва тиклантирувчи механизmlардан иборат.

Даволаш машқларини барча органлар тизими касалликларида қўллаш мумкин. Аммо касалнинг ўткир ҳолатлари, юқори ҳарорат, кучли оғриқ, кўп қон кетиш ва ўсма касалликларини даволаш даврларида даволаш машқларини қўллаб бўлмайди. Даволаш машқлари сифатида гимнастика машқлари, харакатли ўйинлар, енгил атлетика, сузиш, велоспорт ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Даволаш машқларини ётган, ўтирган ва турган ҳолатда бажарилади. Уларни бажаришда анжомлар: таёқча, сапчиғич, тўлдирма тўп ва бошқалар ва анжомсиз бажарилади. Улар ҳам тайёрлов, асосий ва якунловчи қисмлардан иборат бўлиб, якка ва гурух ҳолатида бажарилади.

Даволаш жисмоний тарбияси деганда даволаш мақсадида жисмоний тарбия воситаларидан касалларни соғлиқ ва иш-қобилиятини тиклаш учун фойдаланиш тушунилади. Даволаш жисмоний тарбияси асосида табиий-биологик мускул ҳаракатланиш усули ётади. Ҳаракат, ўсиш, ривожланиш ва организмни шаклланишини кучайтиради, унда мавжуд органлар тизимининг фаоллигини ҳамда умумий тонусини оширади. Даволаш машқлари таъсирида организмнинг нейрогуморал тизимининг фаолияти кучайиши вужудга келади. Даволаш машқларини асосида организм куч-қувватини оширувчи (ститмуляция) тўқима ва органларни овқатланишини яхшиловчи (трофик) касал органларни функциясини ўзига олиш (компенсатор) ва иш қобилиятни тиклаш (тиклантирувчи) каби таъсир механизмлари ётади.

Даволаш машқларини бошқа даволаш воситалари (физиотерапия, дори-дармон ва парҳез овқатлар) билан биргаликда қўлланилганда унинг

самарадорлиги юқори даражада бўлади. Даволаш машқларини қўлланилишида касал организмининг барча тизимларида ўз натижасини беради. Аммо уни организмда ўткир патологик (касаллик) ҳолатлар мавжуд бўлганда қўллаб бўлмайди. Жумладан юқори температурада, кучли оғриқ, кўп қон кетиш ва ўсма касалликларида қўллаб бўлмайди.

Даволаш жисмоний тарбиясининг воситалари бўлиб, жисмоний машқ ва табиий омиллар (ҳаво, қуёш ва сув) ҳисобланади.

Даволаш жисмоний тарбиясининг асосий бўғини бўлиб, жисмоний машқлар ҳисобланади. Улар организмга таъсир қилишига кўра турли-тумандир. Уларни қўйидагиларга бўлинади:

1. Гимнастик тизимлаштирилган шаклдаги машқлар, буларни белгиларига мувофиқ амалга оширилади:

А) бажариш фаоллигига;

Б) машқнинг ҳарактерига мувофиқ (тайёрловчи, тўғриловчи, мувозанат сақловчи, нафас олиш ва бошқалар);

В) асбоб-анжомларни қўллаш.

2. Циклик спорт турлари (амалий юриш, тўпни улоқтириш ва илиш, сузиш, эшкак эшиш, чангидан учиш).

3. Кам ҳаракатли ва ҳаракатли ўйинлар, спортчиларни стол тенниси, бадминтон, волейбол ва баскетбол қисмларидан фойдаланиш.

4. Очик ҳавода меҳнат қилиш яъни табиат омилларида чиниқиши (ҳаво, қуёш, сув).

Даволаш жисмоний тарбиясининг асосий шакллари қўйидагилардир:

- эрталабки гигиеник гимнастика;
- даволаш гимнастикаси машқлари;
- микдорли юқорига кўтарилиш (терренкур) ни дозалаш;
- сайр қилиш, экспурсиялар, яқин туризм;
- спорт амалий машқлари, ўйинларнинг турли хиллари;

Даволаш жисмоний тарбиясининг асосий усуллари қўйидагилардир:

- носфективик (ўзига хос бўлмаган) терапия услуби;
- фаол функционал терапия услуби;
- тутиб турувчи терапия услуби;
- тикловчи терапия услуби.

Даволовчи гигиеник гимнастика организмининг умумий фаолиятини (тонусини) оширади. Шунинг учун ҳам бунда шуғулланувчининг ёши ва касаллик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Даволаш гимнастикаси даволаш тадбирларининг асосини ташкил қиласди. Буни амалга ошириш даволаш муассасаларида олиб борилади. Уни якка ва гурух ҳолатида бажарилади.

Бунда берилаётган юкламаларни даражасини пульс, артериал босим ва нафас олиш сонига мувофиқ бошқарилади. Даволаш гимнастикаси кириш, асосий ва якунловчи қисмлардан иборат бўлиб, ётган, ўтирган, турган ҳолатларда бажарилади. Машқлар ҳаракатсиз ва ҳаракатли, жисм ва жисмсиз бажарилади.

Даволаш машқларини айниқса, массаж билан биргаликда олиб борилса, унинг натижаси юқори даражада бўлади. Массаж одамнинг яланғоч танасига маҳсус усууллар орқали (қўл ва аппарат ёрдамида) таъсир кўрсатишдан иборат бўлиб, унинг гигиеник, косметик, спорт ва даволовчи турлари мавжуд. Гигиеник олдини олишни асосий шакли бўлиб, умумий массажда кенг қўлланилади. Спорт массажи спорт амалиётида спорт формасини саклашда ҳамда спортчини чарчофини йўқотиш ва кучини тиклашда қўлланиладиган разминканинг бир тури ҳисобланади. Даволовчи массаж (классик) врач тавсиясига мувофиқ ҳар хил касалликларда қўлланилади. Даволаш массажининг физиологик таъсири – тери ва тери ости клечаткасига қон ва лимфа айланиш системасига, мускул системаси ва бўғим аппаратига ҳамда умумий модда алмашинувига ўз таъсирини ўтказади.

Даволаовчи миқдорий юриш даволаш жисмоний тарбиясининг кўп ҳоллардаги таркибий қисми ҳисобланади. Миқдорий кўтарилиш машқлари юрак қон-томир, нафас олиш, моддалар алмашинувининг бузилиши, таянч ҳаракат аппаратининг бузилиши ва асаб тизими жароҳатларида кенг қўлланилади.

Миқдорий сузиш ва сувдаги жисмоний машқлар ва тренажерлардан фойдаланиш ҳам тиклантирувчи даволаш даврида кенг қўлланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Я.С. Вайнбаум, "Жисмоний тарбия гигиенаси" Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1988 йил.
2. А.А. Минх, И.Н. МАлишева, "Умумий ва спорт гигиенаси асослари" Ўзбекистон "Медисина" нашриёти, 1981 йил.
3. Е.Махмудов, Б.Аминов, Ш.Курбонов, "Ўсмирлар физиологияси ва мактаб гигиенаси", Тошкент "Ўқитувчи" нашриёти, 1984 йил.

9-маъруза. Спортчиларни касалланиш ва шикастланиш холатлари, ҳамда даволаш жисмоний тарбиясини ташкил қилиш.

Режа:

- 1. Спортчилар касалланиш ва шикастланиш холатларининг муаммоли масалалари.**
 - 1.1. Спортчиларда таянч ҳаракат аппарати жароҳатлари ва касалликлари таснифи.**
 - 1.2. Спортчиларда таянч ҳаракат аппарати жароҳатларининг юзага келиш сабаблари.**
- 2. Спортчилар касалланиш ва шикастланишини ўрганишга оид адабиётлар таҳлили.**
- 3. Спорт травматизми ҳолати, жароҳат турлари ва хавфсизлик техникаси қоидалари.**

Спортчиларда таянч ҳаракат аппарати жароҳатлари ва касалликлари таснифи.

Махсус травматологик адабиётларда барча жароҳатловчи омиллар физик, кимёвий, биологик ва аралаш турларга бўлинади. Спортда кўпгина жароҳатлар жисмоний (механик ва ҳарорат) омиллар таъсирида юзага келиши ва уларнинг орасида айнан механик жароҳатлар (яъни, лат ейиш, капсула-боғлам аппарати жароҳатлари, яраланиш ва б.) қўп учраши сабабли кўйида фақат шу омиллар кўриб чиқилади.

Таянч ҳаракат аппарати жароҳатланишини ишлаб чиқилган таснифи асосини этиопатогенетик ва моррофункционал тамойиллар ташкил этади. Ўз навбатида, таянч ҳаракат аппарати жароҳатларини морфологик белгилари анатомик - топографик ва анатомик - структур ўзгаришларни ўз ичига олади.

Спортчи жароҳат этиопатогенезининг юзага келиш сабаблари:

- 1. Бевосита:**
 - ташкилий сабаблар (мураббийнинг назарий ва амалий тайёрланганлик даражаси, мусобақалар жадвали, ҳакамлар савиёси, машқ қилиш жараёнини қониқарсиз моддий-техник таъминоти, санитария-гигиена ва иқлим шароитлари);
 - услубий сабаблар (гурухларни тузиш, чигил ёзар машқларини бажармаслик, изчиллик тамойилини бузилиши, жисмоний юкламаларни жадаллаштириш, даволашни кузатишдаги камчиликлар).
- 2. Билвосита, спортчини индивидуал хусусиятларига боғлиқ сабаблар:**
 - техник-тактик тайёрланганлик даражасининг пастлиги;
 - суст жисмоний тайёргарлик;
 - маънавий-иродавий тайёргарликни етарли даражада бўлмаслиги, руҳий-эмоционал нотурғунлик;
 - спортчи соғлигидаги муаммолар (таянч ҳаракат аппаратининг яширин ва яққол касалликлари);
 - интизом бузилиши;
 - бошқа сабаблар.

Спортда жароҳатни юзага келиш механизми:

1. Жароҳатланаётган тўқимани физиологик мустаҳкамлигидан ошиб кетувчи ёки ундан ошмайдиган жароҳатловчи таъсиротни нисбий катталиги (кучи).

2. Жароҳатни такрорланиш частотаси:

- бир вақтда юзага келувчи жароҳат;
- такрорий жароҳат;
- сурункали такрорланувчи жароҳат.

3. Куч таъсир қиладиган жой:

- бевосита механизм (зарба, йиқилиш, урилиб кетиш);
- билвосита механизм (координацияланмаган букилиш, ростланиш, йиқилиш, ўтириб-туриш, буралиш);
- комбинациялашган механизм.

Анатомик-топографик ўзгаришлар.

1. Спортчи гавдасини алоҳида қисмлари (бош, бўйин, қўллар, тана, оёқлар) да жароҳатларни жойланиши (локализация). улар ўз вақтида таянч ҳаракат аппаратини алоҳида бўғинлари (билак-тирсак, елка бўғими, елкатаирсак бўғими, билак-кафт бўғими, қўл кафти, кўкрак қафаси, қорин, бел соҳаси, тос камари, тос-сон бўғими, сон, тизза бўғими, болдир, товон-болдир бўғими, товон) ларга бўлинади. ҳаммаси бўлиб 20 та позиция.

2. Жароҳатларни кичик тизимлар соҳасида жойлашуви:

- тери қоплами (тери ости ёғ қатлами, фасциялар, тери ости шиллик қаватлари);
- ҳаракат аъзолари (мушаклар ва пайлар, бўғимлар, марказий ва периферик асаб тизимлари);
- таянч аъзолари (сүяклар, сүякусти пардаси).

Анатомик - структур ўзгаришлари.

1. Жароҳат хусусияти:

- таянч ҳаракат аппарати микротравмалари (кичик жароҳатлар, кучли зўриқиши);
- таянч ҳаракат аппарати макрожароҳатлари (яраланиш, лат ейиш, конталашлар, мушаклар ва пайлар узилиши, бўғимларнинг шикастланиши, синишлар, чиқишилар ва ҳ.к.).

2. Патологик жараёнининг тарқалганлик даражаси:

- якка жароҳат;
- биргаликда содир бўлган жароҳатлар;
- комбинациялашган мураккаб жароҳатлар.

3. Травматик жароҳат касаллик босқичи:

- ўткир;
- ўткир ости;
- сурункали.

4. жароҳат касаллиги даври:

- компенсация;
- сусткомпенсация;
- декомпенсация.

Спортчиларда таянч ҳаракат аппарати жароҳатларининг юзага келиш сабаблари

Спортда жароҳатланиш сабаблари турличадир. Жароҳатланиш сабаблари таҳлили учун З.С.Миронова ва Л.З.Хейфец қуидаги сабаблар рўйхатини тавсия этадилар:

1. Ўқув - машқ қилиш машғулотлари ва мусобақаларни нотўғри ташкиллаштириш.
2. Ўқув - машқ қилиш машғулотлари ва мусобақалар ўтказилишини нотўғри услубияти.
3. Машғулот жойи, ускуналар, спорт жиҳозлари, спортчи кийими ва пойафзалини қониқарсиз ҳолатда бўлиши.
4. Ўқув-машқ қилиш машғулотлари ва мусобақаларни ўтказишдаги нокулай саниятария-гигиеник ва иқлим шароитлари.
5. Тиббий кузатув қоидаларини бузилиши ва уни етарлича бўлмаслиги.
6. Тайёргарлик машғулотлари ва мусобақалар вақтида спортчи томонидан интизом ва белгиланган қоидаларни бузилиши.

Бошқа муаллифлар (А.М.Лонда, Н.М.Михайлова, 1953 ва б.) спортда жароҳатларни юзага келиши сабабларини иккита катта тоифа – объектив ва субъективга бўладилар.

Албатта, бундай бўлиниш шартлидир. Чунки, ўқув-машқ қилиш жараёнининг нотўғри ташкиллаштирилиши машқ қилиш услубиятига салбий таъсир қилмаслигини тасаввур қилиш қийин ва аксинча, ҳар қандай услубий ўзгариш машқ қилиш жараёнини ташкиллаштиришда муайян ўзгаришларга олиб келади. Ўз навбатида, ўқув-машқ қилиш ишининг ташкилий-услубий савиясини пасайиши, сўзсиз спортчи малакасида ўз аксини топади. Бу эса, машқ қилиш услубияти ва уни ташкиллаштиришнинг ўзгаришларини талаб қиласди.

Жароҳатланишнинг ташкилий сабаблари

Ўқув-машқ қилиш жараёнини нотўғри ташкиллаштириш билан боғлиқ жароҳатлар таҳлили, уларни келиб чиқишининг қуидаги шарт-шароитларини аниқлашга имкон берди: мураббийни назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (мураббий малакаси) ни етарлича даражада бўлмаслиги; нотўғри тузилган мусобақалар жадвали (спортчиларни кўчиб юриш вақти, иқлим ўзгаришлари ҳисобга олинмаган мусобақалар зичлиги) тайёргарликнинг якуний босқичида мажмуавий мақсадли дастурларнинг йўқлиги; мусобақалар қоидаларига риоя қилмаслик ва ҳакамликни паст савияда бўлиши; ўқув-машқ қилиш машғулотлари ва мусобақаларни ўтказишнинг қониқарсиз гигиеник шароитлари, қониқарсиз иқлим шароитлари; тегишли моддий-техника таъминотининг йўқлиги.

Мураббий малакаси. Юксак спорт натижасига эришиш учун спортчи билан мураббий ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳисларига асосланган яхши муносабатларни ўрнатиш жуда муҳимдир. Мураббий ўзига нисбатан ҳурмат қозонишга, жамоа унга ишонишига интилиши керак. Бу эса, ўз навбатида, унинг касбий тайёрланганлик ва педагогик маҳорат даражасига боғлиқ бўлади. Мураббий спортчи билан равон муносабат ўрната олиши, бардошли

бўлиши ва ғалабага эришиш йўлида жамоани жипслаштириб, спортчиларда ўз кучига ишонч ҳиссини уйғота олиши керак. Керак бўлса, спортчиларни, айниқса энг кўп асабийлашадиганларни тинчлантириши лозим. Мураббий спортчиларнинг ўзаро муносабатларида ва жамоанинг руҳий мухитдаги ўзгаришларни вақтида аниқлаб, зарурӣ чора-тадбирларни қўллаши даркор. Жамоа йиғинларда, чет элдаги мусобақаларда иштирок этганда, мураббийнинг аҳамияти ва нуфузи ўсиб боради. Уйдан узоқ вақт давомида йироқда бўлиш, мажбурий бекорчилик, зерикиш ва апатия ҳиссини юзага келтириш мумкин. Бундай ҳолларда мураббий спортчиларни қўзғатиш, уларни ҳордик чиқаришини тўғри ташкиллаштириш керак. Бундан ташқари, мураббий муваффақиятга эришган спортчиларни ўз вақтида рағбатлантириши ва ўз имкониятларини тўла намоён этолмаганларни қўллаб-қувватлашиши лозим. Спортчининг у ёки бу камчиликларини қайд қилган ҳолда, унга нисбатан ҳурмат доирасида муносабатда бўлиши керак. Кичик хатоларга нисбатан салбий муносабат аксинча, ўзи ҳам тайёр бўлмаган юксак натижаларга эришиш истагини юзага келтириш ҳамда пировард натижада янада жиддий хато ва жароҳатларга олиб келиши мумкин.

Ўқув-машқ қилиш жараёни ва мусобақаларни режалаштиришдаги услубий хатолар

1. Машқ қилиш машғулотлари, дастури ва мусобақалар жадвалини нотўғри тузиш. Айрим мураббийлар юқори спорт натижаларига эришиш мақсадида машқ қилиш дастурини тузишда ҳар доим ҳам спортчининг жисмоний ва техник тайёрланганлигини ҳисобга олишмайди. Чунончи, умумий жисмоний тайёргарликни ривожлантирувчи машқлар ўрнига, мураббийлар спортчиларни бирорта алоҳида спорт тури бўйича разряд меъёrlарини бажаришга эрта йўналтиришади. Масалан, олий жисмоний тарбия ўқув муассасалари ва ўрта билим юртларида амалий машғулотлар жадвалини номувофиқ тузилиши (6-8 соат давомида кетма-кет 2-3 машқлар) кўп ҳолларда жароҳатланиш сабаби бўлиб ҳисобланади.

2. Фақат битта мураббий бўлган кўп сонли шуғулланувчилардан иборат гурухда мураббий диққат-эътибори тарқоқ бўлиб, бу ҳол жароҳатларга сабаб бўлувчи вазиятларга олиб келади.

3. Машқ қилиш машғулотларини мураббийсиз ўтказилиши.

4. Айрим спорт турлари бўйича машқ қилиш машғулотларида эҳтиётлаш чораларининг йўқлиги ёки ёмон ташкил этилиши.

5. Машғулот ўтказиладиган жойлар (гимнастика зали, спорт майдончаси ва б.) кўп сонли спортчилар билан гавжум бўлганда, майдончани бир қисмидан отилган снаряд ундаги бошқа секторда шуғулланаётган спортчига жароҳат етказиши мумкин.

6. Спортчиларни муқобил ҳаракатланиши, масалан, музтойфичда югурувчиларни музли йўлкада учиши ёки велосипед ҳайдаш машғулотларида автотранспортдан ўзиб кетиш. Бунда ҳавфли жароҳатлар юзага келиши мумкин.

Ўқув-машқ қилиш жараёнини ва мусобақаларни нотўғри

ташкыллаштирилиши натижасида келиб чиқувчи жароҳатланишни олдини олиш учун муайян шартларга риоя қилиш лозим:

- ўқув-машқ қилиш жараёнини түғри режалаштириш ва спортчиларни индивидуал режаларини ишлаб чиқишида, айниңса юкламалар борасида шуғулланувчиларнинг жисмоний тайёрланганлик дарражаси ва саломатлик ҳолати ҳақидаги тиббий хулоса маълумотларини ҳисобга олиш зарур;

- машқ қилиш машғулотини режалаштиришда унга овқатлангандан сўнг дархол ёки бевосита тунги уйқудан кейин техник жиҳатдан мураккаб машқларни киритиш мумкин эмас;

- мусобақалар вақтида битта спортчи бир кунда бир неча чопишув, чиқишилар, сузишларда иштирок этмаслиги керак;

- машқ қилиш машғулотларида (айниңса, гимнастика ва акробатика бўйича) спортчиларни ишончли тарзда эҳтиётлаш чораларини кўриш лозим. Мазкур спорт турларида тўлақонли эҳтиётлаш эҳтиётловчи шахс (мураббий ёки бошқа тажрибали спортчи) ни техник тайёргарланганлиги ва вақтида ҳаракатланишига боғлиқ. У машқларни бажариш вақтидаги барча ҳавфли дақиқаларни яхши билиши ва зарурат бўлса, дархол ёрдамга келиши керак. Шу билан бир вақтда, спортчига ўзини эҳтиётлаш кўнимкаларини, яъни түғри ва ҳавфсиз йиқилиш усулларини ўргатиши лозим. Бунга эса мунтазам машқ қилиш орқали эришиш мумкин;

- музли майдончалар, мотоцикл ва автомобил трассаларида машқ қилганда ва мусобақалар ўтказилганда тўқнашувни олдини олиш мақсадида спортчиларни түғри (бир томонлама) ҳаракатланишини таъминлаш керак. Бу кросс, велосипед, мотоцикл, автомобил пойгаларида умумий старт берилганда, айниңса, муҳимдир. Бунда белгиланган интервал (масофа) га риоя қилиш (айниңса, тоғ чанғи спорти ва трамплиндан сакрашда) зарур.

Бундан ташқари, мусобақа иштирокчилари ва мусобақа ўтказиладиган жойларни томошабинлар ва бегона шахслардан ҳимоя қилиш ва битта спорт зал ёки битта майдончада ҳар хил спорт турлари билан шуғулланмаслик керак. Айниңса, бу қоида залда тез ҳаракатланиш, снаряд ирғитиш билан боғлиқ спорт турлари учун алоҳида аҳамият касб этади. Оммавий кросс, велосипед ва чанғида учиш бўйича мусобақаларни ўтказишда старт ва марра (финиш) жойларини чегаралаш зарур.

Ўқув-машқ қилиш машғулотлари ва мусобақалар ўтказишнинг ноқулай санитария-гигиеник ва иқлимий шароитлари

Ўқув-машқ қилиш машғулотлари ва мусобақалар ўтказишнинг ноқулай санитария-гигиеник ва иқлим шароитлари туфайли келиб чиқадиган жароҳатланиш умумий травматизмни 6-8% ни ташкил қиласди.

Ноқулай санитария-гигиеник шароитлар спортчиларда давр омили сифатида ҳозирги кунгача етакчи ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. шу боис, шифокорлар, мураббийлар, спорт ташкилотлари, спорт турлари бўйича федерациялар спорт жамоатчилигидан катта диққат-эътиборни талаб этади. бу омилга боғлиқ сифат травматизм кўрсаткичлари 6,2% (кўп кураш гуруҳида) дан 17,7% (циклик спорт турларида) гача қайд этилди.

Ноқулай санитария-гигиена шароитларига қуидагилар киради: спорт майдончалари ва залларининг қониқарсиз санитария ҳолати; ёруғлик билан ёмон таъминланганлик; вентиляциянинг етарли бўлмаслиги; иншоотдаги ҳаво ва сув ҳавзаларидаги сув ҳароратининг белгиланган меъёрий кўрсаткичларининг бузилиши; ҳаво намлигининг ортиши (80-90% гача).

Машғулот жойларини гавжумлилиги туфайли юзага келувчи жароҳатларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир шуғулланувчи учун белгиланган санитария меъёрий кўрсаткичларига риоя қилиш лозим. чунончи, гимнастика залларида ҳар бир шуғулланувчига 4 м² дан кам бўлмаган катталиқдаги жой тўғри келиши керак, ёзги спорт майдончаларида – 12 м², музли майдонлар ва очиқ сув ҳавзаларида – тегишлича 8 м².

Бундан ташқари, гимнастика залларида етарлича иситиш ва мувофиқ вентиляция чораларини таъминлаш ҳамда зарурий ҳаво ҳарорати ва намлигини (60% ни нисбий намликда 13 ёки 15° с) сақлаб туриши керак.

Жароҳатланишнинг олдини олишда машғулотлар ва мусобақалар ўтказиладиган жйоларни етарлича ёртиши ва ёритиш мосламаларини тўғри жойлаштириш мухим аҳамиятга эга. табиий ёртиш коэффициенти 1:5, 1:6; сунъий ёртиш коэффициенти – 50-70 лк га тенг бўлиши керак. яхши ёртиш таъминланмаганда, кечки пайтларда машғулотлар ўтказиш мумкин эмас.

Ароҳатларни юзага келишида мусобақалар ва машғулотларни ўтказишдаги ноқулай иқлим шароитлари, масалан, ўткир қуёш нури, ёмғир, қор, туман, кучли шамол (7-8 баллдан юқори) ҳам сезиларли роль ўйнайди. Айниқса, техник спорт турлари гуруҳида бу сабаблар туфайли келиб чиқувчи жароҳатланиш кўрсаткичи юқоридир – 17%. ноқулай иқлим шароитида машғулотлар ва мусобақаларни ўтказиш – жиддий ташкилий хатодир.

Бироқ айрим ҳолларда мураккаб иқлим шароитда машғулотларни ўтказиш ўринли бўлади. факат бунда машғулотни янада мукаммал режалаштириш ва юқори савияда услубий ва моддий-техник таъминотини амалга ошириш керак.

Белгиланган меъёр кўрсаткичларига мос келмайдиган ноқулай иқлим шароитлари (кучли ёмғир, шамол, қорбўрон, ҳаво ҳароратининг жуда юқори ёки паст бўлиши) да машқ қилиш машғулотлари ўтказилмаслиги ёки қисқартирилиши лозим.

Моддий-техник таъминот камчиликлари

Моддий-техник таъминотни етарли бўлганлиги туфайли юзага келувчи жароҳатланиш турли муаллифлар маълумотларига кўра, барча спорт жароҳатларининг 5-7% ни ташкил қиласди.

Сўнгги вақтда спорт техникасининг такомиллашуви деярли барча спорт турларида спорт натижалари кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатди. Шу билан бир вақтда, нафакат жароҳатланиш ҳавфли ўсмоқда, шунингдек, жароҳатлар оғирлашиб бормоқда. масалан, тоғ чанғиси спортида чанғилар ва чанғи пойафзали тузилишини такомиллашуви ва нафакат тушиш тезлигини ортишига, балки жароҳатланиш ҳавфини ошишига ҳам олиб келди. Агар аввал мазкур спорт турида кўпроқ товон-болдир бўғими

(капсула-боғлам тузилмаси ва пайлар) нинг жароҳатланиши кузатилган бўлса, сўнгги йилларда болдири суякларини синиши, тизза бўғимини мураккаб шикастланиши кузатилмоқда.

Юқори малакали спортчиларнинг машғулотлари ва мусобақаларини ўтказишда моддий-техник таъминоти даражаси, одатда, етарлича юқоридир. шу билан бирга, ундаги мавжуд камчиликлар жароҳатланиш сабаби бўлиши мумкин. бу айниқса, мураккаб координацион (13,2%) ва циклик спорт турлари (11%) да яққол намоён бўлади.

Янги жиҳозлар ва ускуналарни спорт амалиётига тадбиқ этишда уларни лойихалаштириш ва ишлаб чиқиш босқичида тиббий омиллар ҳам ҳисобга олиниши жуда муҳимдир, акс ҳолда, жароҳатни юзага келиши ҳавфи ошади.

Ускуналар ва жиҳозлар. Маълумки, спортчининг оёқларига энг кўп юклама тўғри келади. Шунинг учун, пойафзал энг муҳим спорт жиҳози ҳисобланади. Пойафзални тўғри танлаш спорт мусобақалари натижаларига ижобий таъсири кўрсатади. шунингдек, қулай, сифатли пойафзал товонни турли қисмлари ва локомотор тузилманинг бошқа бўғинларини зўрикиши ва жароҳатланишининг олдини олади.

Пойафзални танлаш танланган спорт тури бўйича машғулотлар ўтказиладиган майдон қопламаси, жисмоний юкламалар жадаллиги ва хусусиятларига боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Кўпгина спорт турларида товон гумбази, ахилл пайи, сужусти пардасини яхши ҳимоя қилиши учун мўлжалланган маҳсус мослаштирилган ортопедик пойафзални қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айрим ҳолларда, оддий спорт пойафзалига ортопедик патак ўрнатиш керак. Баъзан, паст (1-2 см) пошнали пойафзалдан фойдаланиш ўринли бўлади. у товонни орқа қисмига тушадиган юкламанинг бир қисмини бартараф этади. Бундай пойафзални товон соҳасидаги катта бўлмаган жароҳатларда спортчини тайёрлашнинг тайёргарлик босқичида қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ, шуни ёдда тутиш керакки, товонни юкламадан “озод” этувчи паст пошна товоннинг олдинги қисмига ва оёқ кафти бармоқларига тақсимлайди.

Спортчи пойафзалининг дастаги товонни яхши “ушлаб туриши” учун етарли қаттиқликка эга бўлиши керак: унинг ички қисми юмшоқ материалдан, масалан, чапмдан тайёрланган бўлиши лозим. Пойафзални устки қисми ҳам етарлича қаттиқ бўлиши керак. Устки қисмни жуда юмшоқ бўлиши пойафзал ичидаги товонни силжишига олиб келади: бу эса бўғим чиқишлирага, айниқса, ён томонга силжишларга сабаб бўлиши мумкин. Боғичлар пойафзални оёқда маҳкам тутиб туриши керак, лекин жуда зич боғланмаган бўлиши даркор. “тилчаси” юмшоқ ва қайишқоқ бўлиши лозим.

Спортчи кийими танланган спорт тури талабларига мос келиши, қулай, пишиқ бўлиши, иссиқликни сақлаб туриши, совукдан, шамолдан, намгарчиликдан ҳимоя қилиши керак. Агар кийим тердан нам бўлса, унинг иссиқликни сақлаб қолиш хусусияти 99% га камаяди. шунинг учун, кийим-кечакни шундай танлаш керакки, токи у тананинг оптималь мақбул ҳароратини, айниқса, зўриқиб ишлагандага, таъминласин. Катта юкламаларда кучли терлайдиган спортчи яхши вентиляцион хоссаларга эга бўлган, гавдага

ёпишиб турмайдиган кенгроқ кийим кийиши лозим. Қиши мавсумида ўтказиладиган машғулотлар учун кийим танлашда қуйидаги қоидага риоя қилиш керак: иссиқликни сақлаб қолиши учун 1-2 та күйлакдан кўра, бир нечта юпқа кўйлак кийган афзалроқдир.

Индивидуал (шахсий) ҳимоя воситалари. Ҳимоя воситаларининг вазифаси – жароҳатни олдини олиш. бу зарба кучи тўқнашув юзасини катта қисмига тақсимланиши хисобига амалга оширилади. Ҳимоя воситалари спортчи ҳаракатларига ҳалақит бермаслиги, жисмоний фаоллигини чекланмаслиги, турли усусларни бажарилишига тўсқинлик қилмасилиги керак.

Спортчилар, одатда, ҳимоя воситаларига тезда мослашадилар. бироқ, агар улар нотўғри танланган бўлса, сохта хавфсизлик ҳиссини уйғотади ва жароҳатланишга олиб келади. таъкидлаш жоизки, айрим спортчилар ҳимоя воситаларига жиддий эътибор қаратишмайди. Бу эса нотўғри. бунга чек қўйиш керак. Ҳимоя воситалари сифатини яхшилаш ва уларни имкон қадар кенг кўламда қўллаш лозим. шундагина, спортда юзага келадиган жароҳатлар сонини каматириш мумкин.

Мавжуд ҳимоя воситалари кўлами кенг эмас ва ҳар хил тузилишдаги гильзалардан иборат. Биринчи навбатда йиқилганда ёки рақиб билан тўқнашгандан юзага келиши мумкин бўлган сонни олдинги юзасига бериладиган тўғри зарбаларни олдини олиш керак.

Ҳозирги вақтда қўлланиладиган ҳимоя воситалари тизза соҳасини фақат йиқилишдаги зарбалардан сақлайди ва афсуски, уни бўғим чиқиши, минисклар, бутун капсула – боғлам аппаратини жароҳатланишига олиб келувчи ёнлама зарбалар ва бўғим буралишидан ҳимоя қилмайди. Тизза бўғимини ҳимоялаш ўйин, мураккаб координацион, тезкор-кчланишли спорт турларида, яккакураш гуруҳида, айниқса муҳимдир.

Мазкур воситалар энг аввало, йиқилиш, маҳсус ускуналарни бажариш, тўқнашувларда кузатиладиган тўғри зарбалардан ҳимоялаши керак. Бу ҳолатларда тизза усти қопқоғини шикастланиши осон, шу сабабли уни тизза бўғини усти қопламаси билан ҳимоя қилинади. Бу қоплама зарба кучини каттароқ юзага ва яқин атрофдаги тўқималарга тақсимлайди.

Болдири ҳимоялаш уни оғриқли зарбалардан айниқса, уни олдинги юзасини шикастланишидан сақлайди. Бироқ, спорт амалиёти ҳозирда мавжуд воситалардан кўра янада мукаммал зарбани яхшироқ сўндирадиган ҳимоя воситаларини ишлаб чиқиши талаб этади. Бу эса суюклар синиши ва юмшоқ тўқималар шикастланишини юзага келиш хавфини камайтиради.

Жароҳатланишнинг услубий сабаблари

Ўқув-машқ машғулотларини ўтказишнинг нотўғри услубияти туфайли келиб чиқсан жароҳатлар таҳлили уларнинг қуйидаги сабабларини аниқлади:

- спортчилар гуруҳини нотўғри тузиш, яъни айнан бир гурухда турли жисмоний ва техник тайёргарликка эга шахсларнинг бўлиши, машғулотлар режасини эса бир хил таркибдан келиб чиқсан холда тузилиши;

- машқ қилиш жараёнини нотўғри тузиш. бу ҳаракатларниш

кўникмаларини ўрганишда изчиллик тамойилини ва спортчида индивидуал ёндашувни йўқлигига ўз аксини топади;

- машғулот ёки мусобақадан олдин чигилёзар машқларни етарлича бажарилмаслиги ёки умуман бўлмаслиги ёки хаддан зиёд жадал фурсатда бажарилиши. бу эса жароҳатланишга сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, спортда жароҳатланишни ўсишига жисмоний юкламалар ҳажми ва жадаллигини ошиши; машқлар ва усуллар бажарилишини янада мураккаблашиб бориши каби омиллар ҳам сабаб бўлади. Мазкур омиллар орасида машқ қилиш юкламалари ҳажмини кескин ортиши кўпроқ аҳамиятли ҳисобланади. бу жароҳатларни ярмига сабаб бўлади.

Жисмоний юкламалар жадаллиги кескин ортганда, жароҳатланиш кўрсаткичлари 7,1 % (кўпкураш гуруҳида)дан 32,9 % (циклик спорт турларида)гача ўсиб боради. элементлар мураккаблигини кескин ортиши эса жароҳатланишни 7,1 % (кўпкураш гуруҳида)дан 29,0 % (мураккаб координацион спорт турларида)гача кўпайишига олиб келади. Техник спорт турлари гуруҳи бундан мустаснодир. Унда юқорида кўрсатилган машқ қилиш тартибидаги ўзгаришлар таъсири яққол намоён бўлмайди.

Шу тариқа, спортчиларни тайёрлашда жароҳатланишни асосий сабаб омиллардан бири – нотўғри режалаштириш ва изчиллик тамойили (жисмоний юкламалар ҳажми ва жадаллигини ошириш)ни бузилиши ҳисобланади.

Тиббий назорат қоидаларига риоя қилмаслик ва унинг камчиликлари

Кўпгина жроҳатлар (7,8 %) белгиланган тиббий назорат қоидаларини бузилиши натижасида келиб чиқади, яъни:

- спортчиларни аввал шифокор кўригидан ўтказмасдан, машқ қилишга рухсат бериш;

- спортчиларни жинси, ёши ва жисмоний тайёргарлигини ҳисобга олмасдан, гурухларга нотўғри тақсимлаш;

- узоқ танаффусдан, масалан, ўтказилган касаллик, жароҳатдан сўнг вақтидан олдин машқ машғулотларини ўтказиш, айrim ҳолларда, машғулотларни бошлиш муддатини шифокор эмас, балки мураббий белгилайди. бу эса умуман нотўғридир.

Шифокор назоратини йўқлиги, унга риоя қилмаслик ёки тиббий назоратдаги камчиликлар сабаб бўлувчи жароҳатланишни олдини олиш учун қуидагиларга риоя қилиш зарур:

- машқ қилишдан аввал албатта шифокор назоратидан ўтиш. кўрик вақтида даволаш-профилактика муассасалари ва спорт жамиятлари шифокорлари текширилаётган спортчиларни жисмоний ҳолатини аниқлаб, танланган спорт тури билан шуғулланиш борасида тавсиялар беришлари керак;

- машқ қилиш машғулотлари режасига (айниқса, саломатлигига қандайдир нуксонлар аниқланганда) тегишли тузатишлар киритиш учун

спортчиларни қайта (йилда камида 1 марта) тиббий кўриқдан ўтказиш. бирламчи кўриқдан сўнг шифокор томонидан берилган тавсияларни бажарилишини назорат қилиш;

- мураббийлар, педагоглар ва спортчилар томонидан тиббий назорат қоидаларига қатъяян риоя қилиш. ўтказилган касаллик ёки жароҳатдан сўнг машғулотларни эрта бошлиш туфайли жароҳатланиш келиб чиқишини олдини олиш мақсадида координацион қўникмаларни йўқотиш билан боғлиқ ҳолда янги жароҳат юзага келмаслиги учун спорт юкламасини аста – секин ошириб боришни назорат қилиш лозим;

- кам тайёрланган спортчиларни (айниқса, спорт мавсуми бошланганида) максимал зўриқишини талаб этувчи мусобақаларда иштирок этишига рухсат бермаслик.

Спортчининг индивидуал ҳусусиятларига боғлиқ жароҳатланиш сабаблари

Мазкур гурухда спортчини жисмоний, техник, умумий, махсус, руҳий эмоционал ва иродавий тайёрланганлик даражасини уни олдига қўйилган вазифани мураккаблик даражасига мос келмаслиги билан боғлиқ сабаблар киради. Бундай номувофиқлик узоқ танаффус, ўтказилган касаллик ва жароҳатлардан сўнг кузатилади.

Техник-тактик номукаммаллик туфайли тянч-ҳаракат аппарати жароҳатларини қўп қисми қуидаги спорт турлари гурухларида кузатилади: яккакурашда – 41,6 %; мураккаб координацион – 35,7 %; техник – 35,3 %; ўйинлар – 34,3 %.

Мазкур спорт турларида энг юқори жароҳатланиш кўрсаткичлари махсус машқлар ва усулларни бажаришда кузатилади. Бу кўрсаткичлар индивидуал тафовутларга эга бўлиб, 53,1 % (тезкор – кучланиши спорчиларда)дан 91,1 % (мураккаб координацион турларда)гача ўзгаради. Номахсус ёрдамчи машқларни бажаришда жароҳатлар сони сезиларли даражада камдир: жароҳатланиш кўрсаткичи 8,8 % (мураккаб координацион спорт турлари)дан 46,9 % (тезкор – кучланиш спорт турларида)гача кузатилади. Циклик ва ўйин спортуларида ёндоштирувчи ва умутивожлантирувчи машқларни бажаришда жароҳатланиш кўрсаткичлари юқори: 29,1 % ва 20,5 % .

Тадқиқот маълумотлари кўрсатишича, барча жароҳатлар кўрсатиб ўтилган объектив сабаблар ёки мураккаб махсус усуллар ва машқларини бажаришдаги техник хатолар сабабли келиб чиқади.

Кўп қиррали ўқув-машқ қилиш жараёни спортда юқори натижаларга эришишга замин яратади. жараён давомида спорччи турли мушак гурухларини танлаб чиниқтиради, суяклар ва бўғимларни мустаҳкамлади, ҳаракатлар координациясини такомилластиради.

Ҳар бир спорччи жароҳатланишдан ўзини эҳтиёт қилиши керак. Бунда у ўзини қандай хавфга қўяётгани вақандай жароҳатлар бўлиши мумкинлигини билиши лозим. Спорччи ўзи танлаган спорт турига хос ҳусусиятларни яхши билиши керак: бу жароҳатланишни олдини олишга

имкон беради.

Жароҳатланиш механизми

Спортчиларда таянч-харакат аппарати жароҳатларини келиб чиқиши механизми ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мураккаб биомеханик жараёндан иборатдир. Унда қуидаги омиллар етакчи рол ўйнайди:

- жароҳатлантирувчи куч таъсир қиласиган жой (бевосита, билвосита, комбинациялашган механизмлар);
- жароҳатловчи таъсир кучи (тўқиманинг физиологик пишиклигидан устун бўлган ёки бўлмаган);
- жароҳатловчи таъсирини такрорланиш частотаси (бир вақтда содир бўлувчи, ўткир, такрорий ва сурункали қайталовчи жароҳатлар).

Бевосита жароҳатланиш механизми (йиқилиш, тўқнашув, зарба ва ҳ.к.) жароҳатловчи кучни таъсир қилиш нуқтаси бевосита шикастланиш соҳасида жойлашади.

Билвосита механизмда жароҳатловчи кучни таъсир қилиш нуқтаси шикастланиш соҳасидан узоқда, дистал ёки проксимал жойлашади. Бунда жароҳат букилиш, ёзилиш, буралиш ёки уларни биргаликда келиши натижасида келиб чиқади. Мазкур механизм бўғинларни ички шикастланиши (капсула – боғлам тузилмаси, менисклар, бўғиничи ва узилиши билан кечадиган суюк синишлари) учун хосдир.

Жароҳатланиши комбинациялашган механизми битта эмас, балки кўплаб жароҳатловчи омилларни таъсир қилиши билан боғлик. яъни, бевосита ва билвосита механизмдаги жароҳатловчи кучни бир вақтда таъсир кўрсатиши кузатилади.

Жароҳат механизмини билиш спорт шифокори учун муҳимдир, чунки патологияни юзага келиш механизмини тўғри тушунишга ёрдам беради ва шикастланиши тўғри аниқлашга имкон беради. Жароҳатланиш частотаси, яъни жароҳатловчи таъсиротни тўқималар, мушаклар, бўғинларга таъсир кўрсатишини такрорланиш диагностика учун муҳим аҳамиятга эга. Бир вақтли (ўткир) сурункали қайталовчи жароҳатлар; шунингдек, жароҳатловчи таъсирини нисбий катталиги (кучи) фарқланади.

Спортчилар касалланиш ва шикастланишини ўрганишга оид адабиётлар таҳлили

Спортчиларда жароҳатлар локализацияси (жойлашиши) ни ўрганиш борасидаги кўп йиллик тадқиқотлар локомотор аппаратни энг заиф бўғинларини аниқлашга ёрдам беради. Илмий адабиётларда (В.К.Добровольский, 1962; З.С.Миронова, 1964; 1968) кўп маротаба кўрсатилганидек ҳозирги вақтда тизза бўғими энг заиф бўғин бўлиб, унинг улуши таянч ҳаракат аппарати патологиясини 50% ни ташкил қиласиди. Кейинги ўринни товон-болдир бўғими эгаллайди. Унинг жароҳатлари ва касалликлари 10% спортчиларда қайд этилган. Таянч ҳаракат аппарати патологиясини 10% га яқини умуртқа поғонасини кўкрак ва бел қисмларига

түгри келади. Болдир ва товон жароҳатлари 6% ни ташкил этади. Елка бўғими, кафт ва сон жароҳатлари 5% ни; тирсак бўғими патологияси 3,5% ни; таянч ҳаракат аппаратининг бошқа бўғимлари жароҳатлари эса 1,5-2,5% ни ташкил этади. Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, мазкур рақамлар спортчиларда таянч ҳаракат аппаратининг патологиясини локализацияси ҳақида фақат умумий тушунчани беради, холос. Жароҳатлар локализацияси ҳар бир спорт тури учун ўзига хос хусусиятларга эга.

Чунончи, таянч ҳаракат аппаратини ўткир жароҳатлари ва сурункали касалликларини солиштирма улуши биз текширувдан ўтказган спортчилар гуруҳида турлича бўлди: жароҳатлар 61% ни, касалликлар эса 39% ни ташкил этди. Бу маълумотлар кўплаб муаллифлар (В.И.Рокитянский, 1964; Л.М.Дворкин, 1964) нинг статистик тадқиқотлари натижаларини тасдиқлади.


Шу билан бирга, В.Ф.Башкиров ўтказган тадқиқот натижалари Н.Н.Приоров (1958), Л.Ла-кова (1958), Д.Шовиев (1981) маълумотларига зид бўлди. Улар тескари боғланиш, яъни таянч ҳаракат аппарати сурункали микротравмалари сонининг сезиларли устунлигини аниқладилар. Эҳтимол, бу турли муаллифлар ҳар хил контингент билан ишлаганлари билан тушунтирилса керак.

Айрим муаллифлар тиббий кўриклар таҳлили, бошқалари чуқурлаштирилган босқичли тадқиқотлар натижалари ва стационар (касалхона) маълумотларини келтирадилар.

Спортчиларда таянч ҳаракат аппарати патологияси хусусиятларини таҳлили шуни кўрсатди, тизза бўғими менискларини шикастланиши спорт травматологиясини асосий, етакчи физиологик бирлиги бўлиб қолмоқда. У барча патологиянинг 21,4% ни ташкил этади. Менискларни шикастланиши спортнинг ўйин турлари гуруҳида кўп учрайди (33,1%), кейинги ўринларни яккакураш, мураккаб-координацион ва циклик спорт турлари эгаллайди. Тизза бўғими, товон-болдир ва тирсак бўғимларини капсула – боғлам аппарати жароҳатлари 11,8% ни ташкил этиб, мураккаб-координацион спорт турлари гуруҳида кўп учрайди. Сўнг ўйин ва циклик спорт турлари, яккакураш гуруҳларида кузатилади. Тадқиқотлар натижаларини кўрсатишича, спортчи таянч ҳаракат аппарати касалликларини 40% и бўғимлар жароҳатланишига тўғри келади. Синишлар – 7,1%, мушаклар ва пайларни шикастланиши 6% ни ташкил этади. Лат ейиш – 6,2% да учраб, циклик ва спорт ўйин турларида кўпроқ кузатилади. Таянч ҳаракат аппаратини сурункали касалликларига бўғимлар касалликлари (шакл бузар артрозлар, хондромаляция, ёғ танаачалари касалликлари, бўғимларнинг сурункали микротравматизацияси, остеохондропатиялар, менископатия, сурункали синовит, бурситлар) киради ва улар барча касалликларни 13,8 % ини ташкил этади. Мушаклар ва пайларни шикастланиши, суюк усти пардасини сурункали касалликлари, яъни спондилёз ва спондилоартрозлар, турли хил нуқсонлар 7% ни ташкил этади.


Спортчиларни таянч ҳаракат аппарати сурункали касалликлари ўткир жароҳатлар каби спорт фаолияти, машқ қилиш тартиби хусусиятлари,

тайёргарлик даври, спортчининг ёши, малакаси, морфологик, антропометрик, анатомик-функционал хусусиятларига боғлиқ бўлган ўзига хосликка эгадир. Бундан ташқари, бу қаторга мазкур спорт турида ихтисослашувни бошланиш




яккакураш

■ Умумий патология (33%)
■ Жароқат (67%)




муркаб-координацион спорт турлари



циклик спорт турлари

■ Умумий патология (46%)
■ Жароқат (54%)




спортнинг ўйин турлари

■ Умумий патология (34%)
■ Жароқат (66%)



тезкор кучланиш спорт турлари

■ Умумий патология (37%)
■ Жароқат (63%)



бошқа(техник) спорт турлари

■ Умумий патология (44%)
■ Жароқат (56%)

1-расм.Олий малакали спортчиларда таянч ҳаракат аппарати жароқатларининг солиштирма улуши

вақти ва спорт фаолияти давомийлигини ҳам киритиш мумкин. Бўғимларни сурункали касалликлари циклик ва спорт ўйини турларида, тизза қопқоғини хусусий боғламишинг микротравматик тендопатияси – тезкор кучламали спорт турларида учрайди. Шу спорт турларида, шунингдек, мушаклар ва пайларни сурункали касалликлари қўпроқ кузатилади. Товоң касалликлари (бўйлама ва қўндаланг ясситовонлик) ҳам, асосан, циклик спорт турлари билан шуғулланувчиларда учрайди.

Шу тариқа, ҳар қандай спорт турининг ўзига хос хусусиятлари таянч ҳаракат аппаратини ўткир ва сурункали жароқатлари ҳамда касалликларини учраш нисбатларининг индивидуал тафовутларида ўз аксини топади.

Спорт травматизми ҳолати, жароқат турлари ва хавфсизлик техникиси қоидалари

Кўплаб спорт турлари ичида замонавий машғулот соғ физиология ва патологик чекинишлар сафи ўртасидаги чегараловчи ҳолатdir. Бу иккала

махсус ҳолатни мувозанатга келтириш замонавий спорт тиббиётининг асосий ҳисобланади. Юқори оғирликдаги мунтазам жисмоний машқлар вақтида таянч ҳаракат аппарати (ТҲА) мушаклар, сұяклар ва бўғинларни жалб қилувчи бир қатор мослашув реакцияларидан таъсирланади. Бу мушакларнинг физиологик гипертрофияси, сұяклар тузилишининг ўзгариши ва унинг архитектоминаси, бўғин халтачалари қон билан таъминланишининг яхшиланишида ифодаланади. ТҲА мослашиш қобилиятининг бузилиши зўр беришлар туфайли келиб чиқкан патологик оғиш ёки турлича кичик жароҳатлар кўринишида юзага келади (тендинозлар, миотендинозлар, эпикондимитлар, асептик остеонекрозлар, толиқишдан синишлилар ваб.к.). Тавсифига кўра сурункали бўлган касалликлар қаторида замонавий спорт шароитида терапевтик таъсир этиш усули ва шикастланиш механизми бўйича махсус хусусияти билан ажralиб турадиган мушаклар, бўғин пайлари ва халтачалари жароҳатларига, умуртқа поғона сұякларининг синишига олиб келадиган бир қатор ўта оғир жароҳатлар қузатилади.

Ҳозирги ривожланиш даражасида замонавий спорт машғулотини ўзига хослиги ва шиддатлилиги билан бирга бир қатор патологик чекинишларни соғ одамнинг физиологик вазифаларини чегаралайдиган бир ҳолат сифатида кўриб чиқиш мумкин. Бу иккала ўзаро махсус жараённи мувозанатга келтириш замонавий спорт тиббиёти олдида турган ўта долзарб масала ҳисобланади. Спортчиларнинг руҳий ва жисмоний ҳолати, организмнинг тайёргарлигини ифодаловчи тиббий-биологик тадқиқотлар профилактик ва бошқа мусобака олди кўриклари орқали назорат қилинади ва спортчининг “машғулотдан машғулотгача” қайта тиклашнинг асосланган жисмоний, медикаментоз ва руҳий усулларини ўtkазиш ва олдида турган машқларни белгилаш орқали бошқарилади. Ўта оғир машқлар билан бир қаторда спортдаги эрта мутахассислик сабабли беллашаётган спортчилар ўртасида жароҳатланишнинг хаддан ташқари юқори фоизлари кузатилади, бу эса машғулотлар кунларининг йўқолишига, спорт шаклининг бузилишига баъзи вафтларда эса умуман спортдан кетишга олиб келади. Спорт жароҳатларининг сони шунингдек оммавий жисмоний тарбия тадбирларида қатнашувчи шахслар орасида ҳам кўпайди. Бизнинг фикримизча, спорт жароҳатлари келиб чиқишнинг асосий сабаби айрим спорт турлари учун спортчиларни танлашдаги жиддий камчиликлар шунингдек, спорт машғулотлари услубиятидаги қўпол хатолар ҳисобланади. Юксак спорт натижаларига ва шунингдек оғир спорт машғулотларига эришиш учун саломатлиги бенуқсон, шу билан бирга руҳий ва жисмоний имкониятлари муносиб бўлган ёшлар лойиқ деб ҳисобланадилар. Ҳозирги вақтда бутун дунёда бўлгуси спортчиларнинг генетик танлови усули ва меъёри ишлаб чиқлган ва ўрнатилган яъни спортнинг айрим турлари каби спорт ўйинлари учун ҳам психоматор сифатларининг махсус тайёргарлигига эга бўлган ёшлар танланади.

Спорт машғулоти услубиятида тез-тез учраб турадиган хатоларни эслатиб ўтиш лозим:

- 1) ТҲА машқ жараёнининг бир меъёрда эмаслиги;

2) ривожланиши тўхтамасдан олдин, асосан ўсмирларда машқларнинг кескин кўпайтирилиши;

3) кичик жароҳатлар ёки турли махаллий ва жиддий хирургик аралашувлардан тузалаётган бемор спортчиларни бевақт машқ жараёнiga жалб этиш;

4) мураббийлар ва маҳсус тиббиёт ходимларининг узвий алоқаси йўқлиги;

5) мусобақаларда беллашаётган спортчиларнинг физиологик хусусиятлари ва жисмоний сифатлари тўғрисида мураббийлар ва шифокорларнинг тўлиқ маълумотга эга эмаслиги;

6) спорт-техник сифатларни такомиллаштириш учун қўшимча спорт ўйинлари ва спорт турларидан фойдаланишда мураббийлар таркибининг етарли билимга эга эмаслиги;

Машғулотлар (машқлар) ҳажмининг кўпайтирилишга ТҲАнинг мослашуви давомли жараёндир ва бу нафақат спортчи организмининг коституционал хусусиятларига, балки спорт шифокорлари ва мураббийларнинг амалий ва назарий тайёргарлигига боғлиқдир. Статистик маълумотларга ва спорт травмотологияси таникли марказларнинг (Франция, АҚШ, Германия) маълумотларга кўра ТҲАга зўр бериш оқибатида келиб чиқадиган жароҳатларнинг кескин кўпайиши аниқланди.

ТҲАнинг жароҳатлар оқибатида ўзгариши турлича тавсифга эга ва шу билан бирга спорт турининг хусусиятлари билан асосланган ўзига хослиги билан ажralиб туради. Масалан: пубо-аддуктор синдроми кўпинча футболчилар, қиличбозлар, курашчилар ва гимнастларда учрайди яъни тоссон бўғинлари соҳасидаги оёклар зўр куч билан ўтказиш ҳолатида бўлади. Елка бўғинларининг турли жароҳатлари волейболчилар, қўл тўпи билан шуғулланувчилар, гимнастикачилар, енгил атлетикачилар, найза отувчиларда кўпроқ учрайди. Болдир-товоң, тизза юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари билан кўпчилик спортчилар азоб чекишиади. Охирги пайтларда умуртқа поғонаси жароҳатлар оқибатида ўзгариш (курашчилар, штанга кўтарувчиларда) жиддий оқибатларга олиб келмоқда ва тез-тез учраши кузатилмоқда. Эрта спорт мутахассислиги белгиланиши сабабли турлича махаллийликдаги асептик некроз касалликлари сони ўсиши кузатилган. Ўзининг саломатлигини тўлиқ тикланмаган ҳолда спортчини машқларга ва мусобақаларга жалб қилиш патологиянинг сурункали турларининг келиб чиқишига ва янги жароҳатлар билан шикастланишига олиб келади. Спортчининг қачон машқларда ва мусобақаларда қатнашиши билан боғлиқ бўлган масалани фақатгина даволовчи шифокор ёки жамоа шифокори ҳал қила олади. Шифокорларнинг юксак маҳсус тайёргарлиги ва замонавий спортнинг хусусиятларини билишга жароҳат олган спортчининг спортга қанчалик тез қайтиши кўпроқ даражада боғлиқ.

Спорт травмотология ва ортопедияси клиникасида тўпланган клиник хужжатлар статистик тахлил қилинганда, ўта зўриқиши оқибатида ТҲА жароҳатларининг келиб чиқишига спорт тажрибасининг таъсири ва касалликларнинг асосан махаллийлиги, динамикаси, тез-тез қайталаниши,

этиологияси шуни кўрсатадики, фақат зўриқиши оқибатида сингирпай шамоллашлари 82,2 %ни бошқа 17,8 % ҳолатларда зўриқишидан ташқари бошқа сабаблар: инфекция манбалари, дископатия ва остеохондроз, дизостозлар ва бошқалар таъсир кўрсатади. Спорт стажининг ва ёшнинг улғайиши билан зўриқиши сабабли тҳа касалликларининг ўсиши ортади, шунингдек бу боғлиқлик миллий даражадаги спортчиларда шу маънода ўзгарадики, бу бир хил ёшдаги ва спорт стажига эга бўлганларда спорт маҳоратининг ўсиши билан бу касалликлар фоизи ортади.

Бу фоизлар йил бўйи мусобақаларда қатнашиш даражаси, жисмоний машқлар сони ва миқдори кам бўлган кўнгилли жамиятлар спортчиларга нисбатан миллий даражали спортчиларда юқори бўлади. Ҳар бир спорт турида асосий жароҳатларнинг ўзига хос соҳаси бўлади. Масалан, зўриқиши оқибатида тизза бўғинларининг касалликлари асосан штангачиларда-50,5 %, волейболчиларда-48,7 % баскетболчиларда-38,3 %, шунингдек гимнастлар ва курашчиларда 28,6 % ва 45,2 % ни ташкил этувчи елка бўғинлари касалликлари учрайди. Футбол билан боғлиқ бўлган зўриқишлардан келиб чиқкан жароҳатлар асосан симфаза соҳасида (53,2 %) кўп учрайди.

Умуман ишлаб чиқаришдаги ва спортдаги зўриқишидан келиб чиқадиган касалликларнинг этиологик омиллари бир ҳолда, лекин уларнинг тузилиши турличадир. Жинс, ёш (тўқималарнинг физиологик қариши бошланган пайтда) давомий меҳнат стажи, гармонал етишмовчилик ва бошқа спортда, меҳнат фаолияти шароитида тҳа зўриқишидан касалликларнинг келиб чиқиши учун асосий аҳамиятга бўлган қатор омиллар чегараланган таъсирга ва аҳамиятга эга. аксинча, нотўғри ишлаб чиқилган ўқув-машқ режаси, об-ҳаво шароитининг ёмонлиги, қаттиқ ва ифлосланган спорт йўлакчалари ва майдончалари, анаболик моддалар истеъмол қилиш ва бошқа этиологик моментлар нокулай таъсир кўрсатади ва спортчиларда ТҲА зўриқиши билан боғлиқ турли касалликларнинг келиб чиқишига шароит яратади.

Спортчилар орасида жароҳатланиш патологиясининг таҳлили ўта зўриқишлар билан боғлиқ бўлган касалликларнинг ўсиш ғоясини яққол кўрсатади. Бу ҳодисанинг асосий сабабини биз соғлиқни тиклашнинг қониқарсиз даражасида машқлар жараёнидаги оғирликни (ҳажми ва тезлик бўйича) кўпайтиришини давом эттириш, шунингдек даволашдаги ва касалликнинг бошланиши даврида меҳнатга лаёқатлилигини баҳолашдаги баъзи бир камчиликларда кўрамиз.

Фойдаланилган асосий дарслик ва ўқув қўлланмалар рўйхати **Асосий адабиётлар ва ўқув қўлланмалар**

1. Дембо А.Г – «Спортивная медицина». 1990, 1995 г
2. Хрушев С.В. – Врачебный контроль физическим воспитанием школьником. 1992 г
3. Шафрановский А.Е – Врачебно – педагогический контроль за физическим воспитанием 1992 г
4. Куколовский Г.М – Спортивная медицина 1996 г

5. Бойков В.П – Вопроси медицинского контроля над физическим воспитанием 1985 г
6. Дешив Д.Ф, Васильева В.Е – Врачебный контроль и лечебная физическая культура 1999 г
7. Азимов И.Г, Собитов Ш - «Спорт физиологияси», Тошкент , 1993 й

Қўшимча адабиётлар

11. Дубровский В.И – Лечебная физическая культура 1999 г
12. Силуяновам В.А, Сокова э.В - Спортивная медицина 1998 г
13. Чоговадзе А.В, Круглий М.М – Врачебный контроль в физическом воспитании и спорте 1997 г
14. Зимкин Н.В – физиологические основы физической культуры и спорта 1995 г
15. Тихвинский С.Б, Хрушев С.В – Децкая спортивная медицина 1990 г

Електрон таълим ресурслари

17. www. тдпу. уз
18. www. педагог. уз
19. www. Зиёнет. уз
20. www. эду. уз
21. тдпу ИНТРАНЕТ. уз

10-маъруза. Ўқувчиликни тиббий назоратини ташкилаштириш

Режа:

- 1. Врач-педагог назоратини машғулотларда ташкил қилиш**
- 2. Анамнез**
- 3. Болалар ва ўсмирларнинг жисмоний ривожланиши**
- 4. Биологик ёш ва жисмоний иш қобилиятни баҳолаш усуллари**
- 5. Аксилерация ва спорт мутахассислигини аниқлаш**

Врач-педагог кузатуви спорт тиббиёти врачининг аҳамиятли бўлган асосий ишининг бир бўлагини ташкил қиласди. булар аҳамиятли равишда медицина кўригига ёш спортчини текшириш натижасида олинган маълумотларни тўлдиради. Врач-педагог назоратини врач бевосита тренер билан биргаликда тренировка, йигин ва мусобақалар ўтказилаётган жойларда амалга оширилади. Бунинг мақсади шундан иборатки, борилаётган юкламаларнинг ёш спортчилар организмига қандай таъсир кўрсатаётганлигини аниқлаш ва шу асосда ўқув-тренировка жараёнини мукаммалаштиришдан иборат.

Ҳозирги пайтда врач-педагог назоратини бевосита амалга оширишни турли хилдаги шакллари кўлланилмоқда. Жумладан, а) тренировка бошлангунча ва тугагандан 20-30 минут кейин; б) тренировка бошлангунча ва у тугагандан 20-30 минут, 4-6 соат ва 24-48 соат ўтгандан кейин; в)

тренировка куни эрталаб ва кечқурун; г) тренировка микроцикл ивақтида қайта текширув; д) дам олиш куни ўтгандан сўнг.

Врач-педагог назорати қузатув усулларини оддий, асобоб-анжомли ва мураккаб турларга бўлинади. текширув усулларини танлашда қўйиладиган вазифа ва спорт турининг хусусиятига асосланади. Чукур қузатишни мўлжалланган режаларда қуидагилар тавсия қилинади: чидамлиликка асосланган спорт турларида – электромиография, пеликардиография, максимал ўпка вентиляцияси ва тириклик сифимини аниқлаш, қонни текшириш, биохимик текшириш усуллари (сут кислотаси, мочевина, қондаги қанд, қонни кислота-ишқор ҳолати) ва бошқалар; спорт ўйинлари турларида - қўриш анализатори ҳолатини, ҳаракат реакцияси тезлигини вабошқалар; тезлик-куч ва техник спорт турларида – мускул тонусини аниқлаш, координация синалмалари ва бошқалар қўлланилади. Текшириш усулларини қўлланилиши дискансеризация даврида аниқланган соғлиқ ҳолатидаги мавжуд бўлган ўзгаришларга ҳам боғлиқ. Масалан, эКГда ўзгариш мавжуд бўлса, врач-педагог қузатувида элекрокардиографияни, сийдикда ўзгаришда-сийдикни текширишни, артериал босим ошганда эса механокардиографияни қўлланилади. Бундай тадқиқотларни олиб борилиши спорт фаолиятида бевосита ҳосил бўлган соғлиқ ҳолатидаги ўзгаришларни аниқлашга ёрдам беради.

Анамнез (юонончасига анамнезис - хотира), ёки сўрша, субъектив текшириши усулларига врач қузатувида киради. Унинг тиббий анамнези умумий, биографик маълумотларга (ёш, мутахассислик, оиласи ҳолат, маълумоти ва бошқалар) тарбия шароити, уқиши, меҳнати ва турмуши олдинги, ҳозирги даврларда оғриган касалликлари, оиласидаги учрайдиган касалликлар, салбий одатлари ва бошқа берилгансаволларга жавобларида ўз аксини топади. Спорт анамнезида эса спорт билан шуғулланишнинг бошланғич даври жисмоний юкламаларни бажариш вақтида содир бўлган муаммолар ва шикоятлар киради.

Жисмоний ривожланиш бу организмнинг ҳар томонлама (комлпекс) функционал ва морфологик хусусияти бўлиб, унинг аниқлаш унда мавжуд бўлган заҳира куч билан ифодаланади. Жисмоний ривожланиш катталар ва болаларда бир хил эмас катталарда жисмоний ривожланиш мезони соғломлиги билан ифодаланса болаларда эса уларнинг организмининг тўғри ўсиши ва ривожланиши билан иофдаланади. Жисмоний ривожланиш мезони бўлиб, гавда тузилиши ҳам ҳисобланади. Гавда қисмларини тузилишига организм бир кишини (болани) гавда тузилиши унинг конституциясига боғлиқ бўлади. конституция (гавдатузилиши) асосан унинг ирсияти ва ташқи муҳит омилларига (яшаш шарт-шароилари, овқатланиши, касалланганлик ҳолати, меҳнат жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланганлиги) боғлиқ бўлади. жисомний ривожланишни аниқлаш орқали болалар ва ўсмирларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларини улар организмига таъсирини ижобий ва салбий таъсирини, болаларни спорт турларига танлашни, спорт формасини ташкил топиши ва ҳар бир шуғулланувчини шахсий морфофункционал хусусиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Жисмоний ривожланишнинг асосий усуллари бўлиб, ташқи кузатув (соматоскопия) ва антропометрия усуллари ҳам киради. Соматоскопия усулида гавда, кўкрак қафасининг, қориннинг, қўл ва оёқларнинг шакли, ёғ босиш даражаси, мускуллар ва суяқ системалари ривожланишининг хусусиятлари аниқланади. Соматоскопия усули спорт билан шуғулланаётган болалар ва ўсмирларнинг тана тузилиши турини ҳамда конституциясини аниқлашга имкон беради. Соғлом болалар кўкрак қафаси конуссимон, силиндрический ёки яssi шаклида бўлади. Соматоскопия усули орқали ёш спортчи ва жисмоний тарбия билан шуғулланувчи болаларнинг қомати тўғрисида хулоса чиқарилади.

Антропометрик текширувлар соматоскопик усул билан олинган натижаларни тўлдиради. Қайта ўлчов ёш спортчини жисмоний ривожланишининг ўсиш динамикасини аниқлашга ёрдам беради. Антропометрик текширувларда қуйидаги кўрсаткичлар ўлчанади: бўйни турган ва ўтирган ҳолатда, тана оғирлиги, кўкрак қафаси айланаси. Ўпкани тириклик сифими, қўл ва гавда мускуллари кучи ўлчанади. Жуда кўп соҳа мутахассисларини (антропология, медицина, педагогика, генетика, иммунология, анатомия, физиология, биология ва бошқаларни) ўзига жалб қиласидиган муммоловардан бири болалар ва ўсмирларни биологик ва паспорт маълумот ёшларини бир-бирига тўғри келмаслиги ҳисобланади. Бу муаммо спорт тиббиёти ва бутун педиатрияни ҳам асосий муаммоларидан бир бўлиб ҳисобланади. Биологик ёш айрим тўқума, орган, система ва бутун организмнинг морффункционал даражасини етишишини шахсий хусусиятларини йиғилган ҳолдаги акс этишидир. Шунинг учун биологик ёш мезони бўлиб, туғилгандан кейинги бола ҳаётининг ёш давриларида морфологик, функционал ва биохимик кўрсаткичларини аниқлашда ва тахлилда ўз аксини топади. Морфологик мезон сифатида кўпроқ скелетни етишиши (унинг суякланиши ва тишларни чиқиши ва алмашиши), гавда шаклини етилиши, ҳамда бирламчи ва иккиламчи жинсий белгиларни пайдо бўлиши қўлланилади. Функционал мезон кўрсаткичларига асаб ва вегетатив ҳамда таянч ҳаракат системаларини етуклик кўрсаткичларини баҳолаш киради. Биохимик кўрсаткичларга эса ферментатив, гормонал ва ситохромик кўрсаткичлар киради. Шу кўрсаткичларни баҳолаш орқали ҳар бир жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи болалар ва ўсмирларга баҳо беришади. Жисмоний иш қобилият ҳар хил қўринишларда акс этади. Бу кишини жисмоний ва спорт фаолиятига тайёрлигини ифодалайди. У инглиз тилида Пхайтсал Work сапаситӣ - Пистсал перформанс сапаситӣ- жисмоний иш қобилият маъносини ифодалайди. Жисмоний иш қобилиятни аниқлайдиган омилларга гавда тузилиши ва антропометрик кўрсаткичлар; аероб ва анаероб йўл билан энергия ҳосил қилувчи маҳсулотларни қуввати, ҳажми ва сифими натижалари; мускул кучи ва чидамлилиги, нейромускул бошқарилуви; таянч-ҳаракат аппаратини ҳолати; энергия ҳосил қилиш ва уни сарфлашни нейроэндокрин бошқарилиши; психик ҳолат киради.

Жисмоний иш қобилият организмнинг кардиореспиратор тизимини функционал ҳолати орқали ифодаланади. Буни кўпроқ максимал аероб

кувватни аниқлаш билангина чегараланади. Бу организмни максимал кислород эхтиёжи орқали ҳам ифодаланади (PWC_{170}). Буни баҳолашда Гарвард степ-тести ва Руфе индиксларини аниқлаш орқали ҳам ифодаланади.

Ҳозирги замон спортининг тезлашиб кетганлиги сабабли ҳафтасига ўртacha 5-12 тадан тренировка тўғри келмоқда. Бунинг натижасида спорт гимнастикаси, сузиш, фигурали учиш ва бошқа спорт турларида вояга етмаган болаларни энг юқори ўринларни олишлари қузатилмоқда. Буни асосида болаларнинг ўсиш ва ривожланишини тезлашиб кетиши ётибди. Натижада болалар эрта морбофункционла ривожланиб олишмоқда. Кейинги 120150 йил давомида қузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, олдинги даврдаги қузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, олдинги даврдаги яшаган тенгдошларига нисбатана, болалар гавдасини ҳажми, массаси ва жинсий ривожланишлари катта ва эрта эканлиги қузатилмоқда. Бу организмни тез ривожланишини фанда «акселерация» деб номланади. Бу тез ривожланиш асосида жуда кўп омиллар ётади. Жумладан ҳар хил миллатлардан туғилган болалар, витаминаларни кўп истеъмол қилиш, аҳолини қишлоқдан шаҳарга кўчиб яшаши, қуёшда кўпроқ бўлиш ва жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланган болалар ва ўсмиirlар бутун жисмоний ривожланиш кўрсаткичлари бўйича шуғулланмайдиган тенгдошларига нисбатан жуда яхши ривожланган бўлади. Ёш спортчиларни ўсиш ва ривожланишларини индивидуал хусусиятларини акселерацияга таъсирини ҳозирги замон спортига танлашда албатта ҳисобга олиш лозим.

6-10 ёшли спортчи болаларда катта психоемоционал ва жисмоний салбий таъсир кўрсатмайдиган юкламаларни берилиши, улар 15-19 ёшга кирганларида халқаро классдаги натижалар заҳирасини беришлиги илмий жиҳатдан аниқланган. Бу кўрсаткични асосида кўп йиллик даврий тренировка машғулотлари ётибди. Бу даврлар спорт танловида:

1. Бирламчи давр;
2. Истиқлолли танлов даври;
3. Олимпия олди танлов даври;
4. Олимпия танлов давридан иборат.

Назорат саволлари

1. Врач-педагог назоратини машғулотларда қандай ташкил этилади?
2. Анамнез нима?
3. Болалар ва ўсмиirlарни жисмоний ривожланишига нима киради?
4. Биологик ёш ва жисмоний иш қобилят нима?
5. Акселерация ва спорт мутахассислигини танлаш нимани ифодалайди?

Таянч иборалар

Врач-педагог назоратини машғулотларда ташкил қилиш, анамнез, болалар ва ўсмиirlарнинг жисмоний ривожланиши, биологик ёш ва жисмоний иш қобилятни баҳолаш усуллари, акселерация ва спорт мутахассислигини аниқлаш.

Адабиётлар

1. Дембо А.Т. «Спортивная медицина». Учебник для ИФК., М., «Медицина», 1990, 1995.
2. Хрущев С.В. «Врачебный контрол физическим воспитанием школьников». М., 1992.
3. Тихвинский С.Б., Хрущев С.В. «Детская спортивная медицина». М., «Медицина», 1990.

11-маъзуза. Спортчиларни спорт анамнези ва жисмоний ривожланиш

Режа:

- 1. Болалар организми жисмоний ривожланишининг асосий кучлари.**
- 2. Онглилик ва фаоллик тамойиллари.**

Болалар организми жисмоний ривожланишининг асосий кучлари.

Ёшлар организмининг жисмоний ривожланишини баҳолаганда қўйидаги 3 та; самотоскопик, антропометрик ва физиометрик кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Самотоскопик кўрсаткичлар гавданинг ташқи кўринишини қўздан кечириш ёрдамида аниқланади. Қомат- бу киши тик турганда ёки ўтирганда ўз гавдасини эркин ҳолатда қандай тутишга одатланишига боғлиқ. Кишининг қомати нормал бўлганида у тик турган ҳолатида боши ва гавдаси бир верикалда, йелкалари озроқ туширилган ва иккаласи бир текисликда, кураклари қобурғаларга зич ёпишган, кукрак қафаси бироз кўтарилган, қорни ичига бироз тортилган, оёқлари тик ва тўғри, сонлари ва болдиirlари бир-бирига тегиб тик ва тўғри туради.

Умуртқа поғонасининг олдинга, орқага, ён томонга қийшайиши, кўкрак қафаси шаклини ўзгариши, оёқларининг нотўғри тутиши қоматнинг бузилишини юзага келтиради. Ёшлигига оғир юқ кутариш, ёзиш вақтида кўкракни стол қиррасига тираб ўтириш, баланд пошнали поябзал кийиш кабилар қоматнинг бўзилишига сабаб бўлади.

Агар оёқлар бир бирига жуфтлаб тик турган ҳолатда товонлар ва сон юзаси бир бирига тегиб турса, лекин тизза ва болдиirlар ўртасида бўшлиқ пайдо бўлса «О» симон оёқ шакли дейилади. Аксинча, тик турган ҳолатда тиззалар бир бирига тегиб турса-ю, товонлар ва сон юзаси тегмаса «Х» симон оёқ шакли дейилади.

Оёқ кафти сатхининг ўзгариши (туя товон) ҳам маълум даражада қомат ўзгаришини юзага келтиради. Нормал ҳолда оёқни чуқурлашган қисми (кафти) оёқни товон сатхини 3 дан 2 қисмини ташкил қиласи. Агар унинг сатҳи кичрайиб товон сатхини 3 дан 1 қисмини ёки ундан ҳам оз қисмини ташкил эча бундай оёқ «туя товон» дейилади. Бундай кишилар узоқ масофага юролмайди, тез чополмайди, тез юрганида оёқ мускулларининг қисқариши туфайли оғриқ пайдо бўлади (томир тортишади). Бундай ўзгаришларнинг

юзага келишига сабаб ёшлигига рахит касаллиги билан оғриш, баланд пошнали пояфзал кийиш, ёшликда пояфзал киймасдан нотекис йерда юришни машқ қилмасликдир. Маълум даражада туғма ҳам бўлади. Лекин, сабаби ёшликдан аниқланса ва тўғри чора тадбирлар қўлланилса нормал ҳолатга келтириш мумкин.

Жисмоний маданият аниқ бир тизимга таянсагина, олдиндан кўзланган натижага эришилади. Жисмоний маданият тизими деганда, жисмоний маданиятнинг принциплари, воситалари, методлари ва уни ташқиллаш шаклларининг шундай умумийлиги тушуниладики, у жамият аъзосини ҳар томонлама гармоник ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларига мос булсин (А.Д. Новиков 1967).

Ватанимиз мудофааси масаласи ҳам жамиятимизда йўлга қўйилган жисмоний маданият жараёнига қатор талаблар куядики, бу талабларни амалга ошириш натижасида жисмоний маданият тизимининг объектив хусусиятлари намоён бўлади. Мамлакатимиз халкларининг ҳар томонлама жисмоний тайёргарлиги, жисмоний сифатларини яхши ривожланганиги Ватан мудофаасига тайёрлигининг кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши лозим.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда жисмоний маданиятнинг мақсади. Ўзбекистон халкини жисмоний камолотга эришган, ҳуқуқий давлатнинг актив курувчилари, ижодий меҳнатга ва Ватан мудофаасига тайёр қилиб маданиятлашдир. Бу мақсад мамлакатда жисмоний маданиятни амалга ошираетган барча ташқилот ва муассасалар учун умумийдир. Мақсаднинг умумийлиги жисмоний маданият тизимининг асосий қонуниятларидан биридир. Курсатилган мақсад ва шароитларга жавобан уни амалга оширишда шуғулланувчиларнинг ёши, соғлиги, жисмоний тайёргарлиги, шуғулланиладиган касби хисобига олинади ва жисмоний маданиятда конкрет вазифалар хал қилинади. Жисмоний маданият тизимига умумий вазифалар қўйилган бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

а) одам организми форма функциясини гармоник ривожлантириш. жисмоний қобилиятни ҳар томонлама камолга етказиш, соғликни мустахкамлаш ва халкнинг узок умр кўришини таъминлашга йўналиш бериш;

б) ҳаётий зарурый ҳаракат малакаларини ва кўникмаларини, қундалик турмушда керак бўладиган жисмоний маданиятга молик маҳсус билимларни шакллантириш;

в) ҳар томонлама жисмоний ривожлантириш учун жисмоний сифатларни маданиятлаш.

Инсон жисмоний маданияти мақсад ва вазифаси унинг бошқа маданият жараёнлари билан боғлиқлиги шундагина мувофиқ деб тушуниладики, бу мувофиқлик объектив характерда бўлади ва жисмоний маданият жараёнига қонуний йўналиш беради. Жисмоний маданият жараёнида маданиятнинг бошқа соҳаларидагидек мақсадга йўналтирилган фаолият режалаштирилган натижага ҳар доим ҳам тўғри кела олмаслиги амалиётда исботланган. Жисмоний маданиятда маданият натижасини ёш спортчи ёки жисмоний маданиятчи тренировкасидаги режалаштирилган жисмоний машқлар унинг

организмга қандай таъсир қилаётганлигини хисобга олишни таказо қиласди. Қисқа йўналишдаги спорт тренировкаларининг натижасига эътибор берсак, шуни кўрамизки, юқори натижаларга эришиш маълум давр ичидан бўлиб, олдингилари унутилса, тренировка машғулотлари кейинчалик ўзини окламайди. Бу эса ҳар томонлама гармоник ривожланишга халал беради ва спорт ютукларини йўқка чиқаради.

Шунинг учун педагог ва тренер олдида узоқни кўриш талаби қундаланг бўлади. Бу вазифани хал қилиш эса ўқимишли, ўз ишини биладиган, севадиган мутахассислар тайёрлаш талабини кўяди. Бу мутахассислар эса мамлакатдаги жисмоний маданият тизимида амалга ошиши лозим бўлган мақсадни ва вазифаларни ижобий хал қилишга кодир, ёш авлодни болалик чоғидан жисмонан соғлом, маънавиятини уйғун қилиб маданиятлашни ўзининг илохий бурчлари деб билишлари керак бўлади. Навқирон, ўзлигимизни эндиғина эътироф этаётган мамлакатимиз турли тоифасидаги давлат ва нодавлат спорт жамиятлари, жисмоний маданият хавасмандлари уюшмалари ташаббуси билан ягона жисмоний маданият тизимини тузишга эътиборни кучайтириб у ўзида куйдаги асосий хусусиятларни: маънавий баркамоллик, халқчилик ва илмийликни мужассамлаштиради.

Шарқ мутафакирлари маънавий баркамол, комил инсон масаласига азал-азалдан алоҳида эътибор берганлар. Комиллик фазилатлардан улуғи таннинг, инсон жисмининг баркамоллигидадир дейилган. Инсонни матонати, диёнати, риёзати, каноати, илм, сабр, интизом, миқиёси, нафс, виждон, ҳакконият, назарий ибрат, иффат, хаё, идроқ, заковат, иқтисод, итоат, ҳақшунослик, хайриҳохлик, мунислик, садоқат, адолат, мухаббат, олий химматлик, авф, ватанни севиш каби ижобий хислатлар (А.Авлоний, 1992) га фақат соғлом жисм, тани-сихатлилик орқали эришилади деб қаралган.

Мамлакатимиз жисмоний маданият тизимини халқчиллиги деганда биз миллий уйинлар тарзида халқ оммаси орасида кенг тарқалган жисмоний машқлар; миллий спорт турлари, оммавий спорт, олимпиадалар дастуридан ўрин олган "катта спорт" билан қўп милатли республикамиз халкларини шуғулланиш имконияти борлиги тушунилади.

Илмийлигини шунда кўриш мумкин эдики, жисмоний маданият соҳаси бўйича илмий текшириш ишларининг кенг тарқалганлиги ва уни амалиёт билан боғлаб олиб борилаётганлиги, жисмоний маданият назарияси ва амалиёти илмий фанлари хисобланган педагогика, психология, анатомия, физиология, биомеханика, спорт метрологияси, спорт тиббиёти, даволаш жисмоний маданиятининг ва бошқаларга таянганлиги, уларнинг илмий ютуклари халқимиз ҳаётий эҳтиёжини кондиришга йўналтирилганлигидадир. Жисмоний маданият тизими бир-бири билан ўзвий боғлиқ бўлган звеноларга бўлинниб, ҳозирги кунда ҳам маданият жараёнининг турли дастурларининг бажарилиши шу звеноларда амалга оширилмоқда:

- а) мактабгача таълим (давлат ва нодавлат мактабгача маданият болалар муассасалари) звеноси;
- б) мактаб ёшидагилар жисмоний маданияти (умумий ўрта таълим 1-9 синфлар) звеноси;

в) ўрта махсус, касб-хунар таълими (академик лицейлар, касб-хунар колледжлари) звеноси;

г) олий таълим звеноси;

д) армия звеноси;

е) олий таълим ва армиядан сўнги хавасмандлик асосидаги жисмоний маданият звеноси;

Жисмоний маданият тизими ўзида куйидаги асосий элементларни бирлаштиради:

а) жисмоний маданиятнинг мақсади, вазифалари ва принциплариниг мақсадга мувофиқлиги;

б) жисмоний маданият тизимида қўлланиладиган воситалар - гимнастика, уйинлар, спорт, туризм ва бошқалар типидаги жисмоний машқлар;

Шу нарса эътиборга моликки, ривожланган мамлакатларда жисмоний маданият соҳасининг турлича тизимларидан фойдаланиш чегаралаб қўйилмаган.

Тарихга назар ташлаганимизда жамиятда синфларнинг пайдо бўлиши биланоқ, уша жамиятда жисмоний маданият тизими синфий характеристига эга бўла бошлаган эди.

Қулдорлик даврида жисмоний маданият тизими қулдорларнинг мақсади учун хизмат қилди. Қулдор ўз фарзанди бакувват, чидамли, чақон бўлиши ва қулларни қуриқлаши, уларни қўрқинчда ушлаши учун қўлида қурол ишлата олиши (қадимги Юнон "етти кураши" машқларини пухта эгаллаши)га ҳаракат қиласи эди. Жисмоний маданият тизими эксплуатация қилувчилар фойдаси учун хизмат қилди.

Ўрта асрларга келиб эса, жисмоний маданият тизими ҳарбий мақсадни хал қилишга йўналиш олди. Феодал, катта ер эгаси, савдогар ўз мулкини химоя қилиш учун жисмоний ривожланганлиги, тайёргарлиги юқори бўлган жамият аъзоларига муҳитдан ажратилиб, фақат жисмоний сифатлари (куч, тезкорлик, чидамлилик, чақонлик)ни ривожлантириш, маданиятлаш билан чекландилар. Жамиятда алоҳида табақа, касб эгаса (сокчи, жангчи) шаклланди. Оғир ва кўпол рицарларнинг қуроллари улардан катта жисмоний тайёргарлик ва от билан муомала қилишни талаб қиласи эди. Шунинг учун улар машғулотларда от ўрнига ҳозир бизда гимнастика машғулотларида ишлатиладиган "от" дан фойдаланаар эдилар. Феодалларнинг жисмоний маданият тизими шунга йўналтирилган эди.

Капитализмга келиб, буржуазия кўпроқ одамларни жисмонан маданиятлашни, ишчини меҳнатга ва ватан мудофаасига (солдатликка) тайёрлай бошлади. Маданиятга сиёсий тус берилди. Қолаверса кўп соатлаб конвеер, станоклар орқасида ишлашга мослайдиган машқлар тизимидан фойдаланилди.

18 асрнинг охири ва 19 асрнинг бошларида жисмоний маданият жараёнининг тизимини шаклланган даври бошланди. Нотекис ривожланган капитализм миллий ривожланишда ҳам жонланишни вужудга келтириб,

қатор мамлакатларда жисмоний маданият тизими, воситалари ва унинг услубиятини яратишдек вазифаларни хал қилиш кераклиги масаласини ўртага ташлади.

Чет эл мамлакатларида жисмоний маданият тизими шаклланди. Германияда Фите ва Гуц-Муцанинг "Миллий немис жисмоний тарбия тизими ўз вазифасига кўра жисмоний маданиятдан кўра соғломлаштиришни ўз измига олар эди. 19 асрнинг бошларига келиб прусларнинг талаби асосида дехкон ва хунармандлардан юнкерлар тайёрлаш Гуц-Муцанинг "Гимнастика для юношество" деб номланган асарида: "...энди жамият аъзосининг соғлом танаси давлат учун хизмат килсин, бу айниқса, танкчилар учун таалукли..." - деб тузатиш киритилиб, амалиётга татбик этилди.

Фридрих Янг ва Гуц-Муца немис "ТУРНЕН" гимнастикасининг асосчилари бўлиб, солдатларни тайёрлашнинг жисмоний маданияти тизимини ишлаб чиқдилар. Улар оммавий гимнастика чиқишлирага, гимнастика анжомлари, жихозлари билан машқланишга асосий эътиборни қаратдилар. Каттанинг бўйруғига мутлак итоат, катъият, иродани мустахкамлаш немис раҳнамолариинг идеали бўлиб, бу жисмоний маданиятнинг мавжуд тизимига ҳам сингдирилган эди. Тизим таркибидаги маданият услублари ва воситаларини аниқ туркумларга ажратишга уринишини мактаб ёшидагилар жисмоний маданияти учун кейинчалик Шпiss бошлаб берди. Чехия: 19 асрнинг иккинчи ярмида чехлар "сокол гимнастикаси" деб номланган маданият услубияти ва воситаларини ишлаб чиқдилар. У немис миллий "ТУРНЕН" тизими билан ташки белгиларига кўра бир-бири билан ўхшаш бўлса-да, ўзининг ибтидоий миллий негизига эга эди. Бунга сабаб Чехия устидан хукмрон хисобланган Австрия империяси ўзининг сиёсий ва хўжалик кризисни бошдан кечираётган бўлиб, чехларга айrim конституцион хуқуқ берилишига олиб келди. Бу нарса чехлар ҳаётида кенг миллий озодлик ҳаракати учун туртки бўлди. Шу аснода хилма-хил чех бирлашмалари, жамиятлари вужудга келди, бу 1862 йили чех гимнастикаси жамиятининг пайдо бўлишига олиб келди. Унинг асосчиси Мирослав Тирш бўлди. У ёзувчи, танқидчи, санъаткор эди.

У, биринчидан, гимнастикани жисмоний маданият учунгина эмас, ақлий, ахлоқий, миллий ватанпарварлик хиссини маданиятлаш учун фойдаланишини, иккинчидан, гимнастика машғулотларига эркакларнигина эмас, аёлларни ҳам жалб этишни тарғибот қилди. Тирш ўзи билган барча машқларни тўплади, снарядлар ва снарядсиз бажариладиган янги машқларни уйлаб топди. Улар узоқ бажаририладиган жуда майда элементларни ўз ичига оладиган жисмоний машқлар бўлиб, барчага teng, аста-секинлик билан, мажбур бажартирилиши лозим эди. Унинг фикрича, бундай тартибда бажарилган машқлар шуғулланувчиларда хотира, интизом ва тиришқоқликни маданиятлар эмиш. У сокол ташқилотлари учун ягона гимнастик терминалогияни ишлаб чиқди, машғулотларни гурухларда ўтказилишини йўлга қўйди. "Сокол гимнастикаси" миллий-сиёсий характердаги гимнастика саналади. Швеция: 19 асрнинг биринчи ўн йилларида "Швед гимнастикаси" ёки "Линг методи" деган ном билан янги йўналишда жисмоний маданият

тизимини вужудга келтирди. Жисмоний машқни шведлар асосан маданият ва соғломлаштириш учун керак деб қарап эдилар. Унинг асосчилари Г.Г. Линг ва унинг ўғли Ялмар Линг эди. Улар немислар гимнастикасини танқид қилиб, одамда жуда кўп тана ҳаракатларини қўпайтирмаслик, соғлом одамларни жисмоний ривожлантириш ва беморларни тузатишга йўналтирилиши керак деб хисоблаганлар. Бу тизимни танқидий ўрганган П.Ф. Лесгафт Линг методида қуруқ, бир-бири билан боғланмаган шакллар мавжудлигини айтиб, анатомия ва физиология билимлари ҳозирча етарли эмаслигини, харчан педагогикага риоя қилинмасин, буржуазия идеологиясининг ифодаланишига олиб келишини, "юрақсиз" мускул бўлиши учун курашади, деган фикрни билдиради.

Англия: ҳозирги кунда ҳам Anglo-саксония мамлакатида гимнастика эмас, уйин ва спортга зўр эътибор берилган. Англия капитализмга биринчи бўлиб кирди. Капитал конкуренциясининг кучайиши синфий қарама-қаршиликни зўрайтириди. Синфий иктисадий ҳамда философик дунё қарашлар пайдо бўла бошлади, бу қарашлар эркин капитални мақтай оладиган, қатъий курашга чидай оладиган, ҳозир жавоб, чақон, ишбилармонни маданиятлашни талаб қиласади. Бунинг учун "уйинлар" мос келар эди. Шунинг учун Англияда жисмоний маданият тизимида асосий ўринни уйинлар ва спорт эгаллади. Капитализм ривожланиши билан бошқа қатор мамлакатларда ҳам спорт жисмоний маданиятга киритилди. Лекин Франция, Германия, Швеция, Чехия каби қатор мамлакатлардагидек спорт кескин қарама-кашиликларга дуч келади. Чунки, у мамлакатлардаги жисмоний маданият мавжуд гимнастикага асосланган эди. Шунинг учун спорт кейинрок жисмоний маданият тизимиға киритилди. Жисмоний маданият тизимининг тахлили масалаларига оид назарий материал рус олимлари А.Д. Новиков, Л.П. Матвейев, Г.Д. Ҳарабуги ва қатор бошқа муаллифларнинг дарсликларида тула ёритилган. Жисмоний маданият жараёнининг назарий, услубий амалиётининг умумийлиги жисмоний маданият тизимининг негизини ташқил қиласади. Миллатимизнинг бу соҳадаги меросини ўрганиш фанимизнинг асосий вазифасидир. Жаҳонгирларни юзага чиқарган юртимизнинг элат ва халклари жисмоний маданияти тарихий манбааларда ўз ўрнини олганлигига ишончимиз комил. Шу ўринда П.Ф. Лесгафт ва унинг шогирди В.В. Горниевскийлар собиқ шўролар жисмоний маданият тизимининг асосчилари деб тан олинганлиги жисмоний маданият назариясининг ривожланишида муносиб хисса қўшган олимлар сифатида жаҳон жисмоний маданияти фани намояндалари қаторидан ўрин олганликларини эътироф этиш лозим. П.Ф. Лесгафт (1837-1909) биолог, анатом, педагог ва катта жамоатчи сифатида инсон шахснинг интелектуал ривожланиши учун унинг яшаган ижтимоий муҳити ва маданияти рол уйнашини илмий жихатдан асослаб берди. Лесгафт томонидан ишланган "Мактаб ёшидаги болаларда жисмоний билимлар" тизими ҳозирги кунда ҳам ўз илмий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Чор Россиясининг жисмоний маданиятга муносабати аниқ эмас эди. "Мактаблар бизда болаларга бутунлай жисмоний билимлар бермаяпти. Бу ишга раҳбарликни бизнинг ишга алоқаси

йўқларга бериб қўйилган, улар жисмоний маданиятни сохта тушунчалар орқали тасаввур қиласи ёки бўлмаса, қайсиdir чет эл мактабини битириб келгандан эшитганларигина билади. Шунинг учун улар бола жисмоний маданиятига эътиборсиздирлар", - деб ёзган эди П.Ф. Лесгафт.

В.В. Горниевский (1857-1937) ўзининг тиббий-педагогик фаолиятида Лесгафт фикрларини ривожлантириб собиқ шўролар тузуми жисмоний маданият тизимини ривожланишига катта хисса қўшди. У жисмоний машқлар билан шуғулланувчилар устида илмий тадқиқот назоратини қилишнинг илмий услубий комплексини яратди.

П.Ф. Лесгафт ва унинг шогирди В.В. Гориневскийларнинг илмий меросинининг киммати шундаки, уларнинг жисмоний билимлар ва жисмоний маданият ҳақидаги илмий фикрлари амалий, ва жамоатчилик тажрибаси асосига таянганлигидадир. Табиатдаги, ҳаётдаги, бутун борлиқдаги жараёнлар маълум қонуниятларга бўйсунади ва шуларга мувофиқ равишда ривожланиб боради. Бу қонуниятлар табиатда одам ихтиёридан ташқари ҳолатда амал қиласи. Бундай қонуниятлар, илмий изланиш ва амалий тажрибаларнинг кўрсатиши бўйича, жисмоний тарбия жараёнига ҳам таъсир кўрсатади. Бу қонуниятларни тан олиш, уларни ўрганиш, шу асосда ўқувчилар жисмоний тарбияси жараёнини яхшилаш имконини беради.

Жисмоний тарбия ва жисмоний маданият жараёнини бошқарадиган, инсон вужудига, жисмоний ўсишга таъсир қиладиган табиат қонунлари жисмоний тарбия назарияси ва услубиётида принцип-тамойил номини олган. Организм ривожланишининг умумий тамойилларини билиш ва уларни амалиётда қўллаш, ўқувчилар жисмоний тарбияси жараёнини янада самарали даражага олиб келади.

Жисмоний тарбия ва педагогикага оид адабиётларда тамойиллар ҳар хил таърифланган, лекин манбаларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар хил номлар билан таърифланган бир принцип қўйидаги мазмунларни билдиради:

-жисмоний тарбия дарслари жараёнида ўқувчиларнинг ҳар томонлама ривожланишлари учун жисмоний машқларни онгли, тушунган ҳолда ташкил этиш;

-ўргатаётган машқларни яхши ўзлаштирилиши учун кўргазмаликнинг турли хил шаклларидан фойдаланиш;

-ҳар бир ўқувчига таклиф қилинадиган муайян мақсадга йўналтирилган ва психологик оғирликларнинг соддалигини, тушунарлилигини таъминлаш;

Шуғулланувчи ўқувчилар аввалги машғулотларда ўзлаштириб олганларини мустаҳкамлашларида талабни кучайтириш ва кейинги машғулотлар учун замин яратишни таъминлаш. Педагогика фанида бу принципларни ўргатишда тааллуқлигини ҳисобга олиб, дидактик тамойиллар деб атамиз. Жисмоний тарбия, жисмоний машқларга ўргатиш ва шуғулланувчиларни билимлар билан қуроллантириш, жисмоний сифатларни тарбиялашни ўз ичига қамраб олганлиги учун тамойилларни дидактик эмас, методик - услубий деб аташ қонунийроқдир. Кўникма ва малакаларни шакллантиришда қўлланиладиган асосий услубий тамойиллар

ўқувчиларнинг ёшлари қандай бўлишидан қатъий назар, барча учун бир хил ва зарурдир. Ҳар бир тамойилнинг моҳиятини ва ўқувчилар жисмоний тарбияси жараёнида уни амалга ошириш йўлларини алоҳида кўриб чиқиши мақсадга мувофиқдир.

Онглилик ва фаоллик тамойили. “Дидактик адабиётларда онглилик деганда, ўрганилаётган темага оид қонуният, таъриф ва фактларни асосли эгаллаш, хулоса ва умумлашларни чуқур, атрофлича фаҳмлаш, тема юзасидан билимларни изчил ва тўғри баён қила олиш, билимларнинг ишонч ва эътиқодга айланиши, ўргатилган билимлардан турмушда мустақил фойдалана билиш кабилар тушунилади. Онглилик билимларни онгли ўзлаштиришга йўналган принципдир. Билим малакаларни онгли ўзлаштириш қуидагича хусусиятларга эга: таълимнинг мақсади, ҳаёт учун зарурлигини англаш; фактик материалларни онгли эгаллаш ва уларни ўзаро фарқлай билиш; билимларни ўрганиш, мустаҳкамлаш, такрорлаш жараёнларини сезиш; тема юзасидан ўзи эришган натижаларни баҳолай билиш. Фаоллик эса, ўз навбатида болаларда мустаҳкамликни тарбиялаш учун асос бўлади. Бу принциплар бир-бирини тўлдирадиган ҳодисалар бўлиб, уларнинг моҳиятини ташқаридан ичкарига ва ичкаридан ташқарига йўналган жараёнлар сифатида тасаввур қилингандагина англаш мумкин. Фаоллик ташқаридан ичкарига йўналган жараён сифатида тасаввур этилса, унда болаларда мустаҳкамликни шахсий сифат шаклида тарбиялашни англаймиз. Агар фаоллик ичкаридан ташқарига йўналган жараён сифатида қаралса, унда инсоннинг ички интилишлари, эмоциялари, қизиқишлири мустақилликни шакллантириш воситаси эканлигини тан олишга тўғри келади...”.

Жисмоний тарбия жараёни-бу икки томонлама жараёндир. Бир томондан ўргатишга интилаётган ўқитувчи, иккинчи томондан ўрганишга хоҳиши бўлган ўқувчи қатнашади. Тажрибалар шуни кўрсатадики, агар ўқувчи олдига қўйилган вазифанинг моҳиятини тушуниб эца ва унинг ҳал этилишига қизиқса, ўргатишнинг муддати тезлашади ва сифати яхшиланади. Услубий адабиётларда онглилик ва фаоллик алоҳида мустақил тамойиллар ҳисобланади. Амалиётда эса онглилик ва фаоллик жараёни ўзаро боғлиқдир, уларни бир-биридан ажратиш мумкин эмас. Сабаби шуки ўқувчининг фаоллигисиз онглиликни амалга ошириш мумкин эмас, фаолиятнинг мақсади эса онгли равишда тушуниб этилгандагина инсон фаол бўлади. Фаоллаштириш жараёни деганда ўқитувчи томонидан шуғулланувчиларнинг интеллектуал, ахлокий, иродавий ва жисмоний кучларини ўрганиб, тарбия сифатини ошириш тушунилади. Аммо мавжуд табиий ва маънавий қонуниятларни билишнинг ўзи ўқувчиларни онгли ва фаол қила олмайди. Бу вазифани ўқитувчи бажариши керак. Қулайлик ва индивидуаллик тамойили. Бу тамоийллар ёш ва жинсий фарқланиш болаларга хос. Бундай ташқари бир хил ёшдаги ва жинсдаги болалар, ҳар хил қобилиятга эга, шунинг учун ўргатиш ва тарбия жараёнида шу томонларни албатта ҳисобга олиш зарур. Бунда қулайлик ва индивидуаллик тамойилига амал қилинади. Бу эрда сўз, ўқитувчининг ҳар бир бола юрагига йўл топа олиши, вақтинча қийинчиликларни англай олиши ва уни тузатишга йўл топа олиши, уларнинг

қобилияти ва қизиқувчанлигини ривожлантиришда ҳамкорлик қилиши устида боради. Кўникма ва малакаларни шакллантириш йўлларини шундай ташкил қилиш керакки, улар ҳар доим ривожланишда бўлмоғи зарур. Бунинг учун ўқувчининг ҳаракат тажрибаси жисмоний ва психик ривожланганлиги албатта ҳисобга олиб ўтилади. Шуни ҳам унумаслик керакки, ўқитувчи дарс жараёнида фақат алоҳида яхши тайёргарлиги бор ёки фақат қолоқ ўқувчилар билан ишламайди, албатта. У синфдаги барча ўқувчилар билан ишончли муаммоларда ва бир-бирини тўлиқ тушунган ҳолда ишламоғи зарур. Хўш, бунинг учун ўқувчиларнинг қайси хусусиятларини ҳисобга олиш керак ва буларга мувоғик тарзда нималарга амал қилиш керак? Ҳаммадан олдин боланинг ўқишига ва унинг натижасига бўлган муносабатини фарқлаш, ўқишига ва унинг натижасига салбий муносабатда бўлган ўқувчилар педагогнинг мунтазам диққат марказида бўлмоғи керак. Уларга методик таъсир этишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланиши керак. Ўқув материалини ўзлаштириш ва мустаҳкамлаш учун, машқларга бўлган эҳтиёжда катта фарқ мавжуд. Ҳар бир ўқувчида зарурий машқларнинг сони ва ҳажми ҳар хил: алоҳида шуғулланувчиларнинг ўргатиш темпи ҳар хил. Алоҳида ҳаракат фаолиятининг техникасини ўзлаштириб олишда ўқувчиларнинг хусусиятларини ҳисобга олиб, ёрдамчи машқларнинг характеристерини ва ҳажмини ўзгартириб бериш зарур.

Мураккаб машқлар учун ўзининг аниқ мақсадига эга бўлган, бир неча ёрдамчи машқлар мавжуд. Мисол учун тўпчани улоқтиришни олсак, аниқ ёрдамчи машқлар унинг алоҳида босқичларига тааллуқли. Ҳар хил ўқувчилар улоқтириш босқичларини турлича муваффақиятлар билан ўзлаштириб олади. Баъзи бирлари югуриб боришда қадамни алмаштиришни яхши ўзлаштириб олмайди. Учинчилари- финалда зўр беришни билмайди. Шунинг учун ўргатиш жараёнида ҳар бир ўқувчига ўша босқични ўзлаштириб олишга ёрдам берувчи ёрдамчи машқлар берилади. Шу ўринда ўқувчиларнинг жисмоний ва психик юкламани кўтара олиш имкониятини фарқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳолат ўқитувчида ҳар бир ўқувчи учун ўқув вазифаларининг қатъий диффиренциясини таъминлашга даъват этади. Кросс тайёргарлиги машғулотларини ўтиш учун имкон бўлса, иккита бир-бирига teng бўлган югуриш йўлаги танланади. Жисмоний тайёргарлиги паст бўлган ўқувчилар бироз текис ва бурилиши кам бўлган йўлакдан, тайёргарлиги яхши бўлган ўқувчилар баланд, пастлик, бурилишлари кўп бўлган йўлакларда ҳар хил масофага югурадилар.

Бизга маълумки, баъзи ўқувчи вазифани ўқитувчи кўрсатгандан сўнг, бошқаси-ўртоғи тушунтиргандан сўнг, учинчиси-кинолавҳани намоён қилгандан сўнг яхши тушунади. Бу ўргатиш усулларидан мажбурий фойдаланиш зарур. Ўқувчиларнинг бошланғич натижаларига нисбатан ўсишини баҳолайдиган ўқитувчиларнинг тажрибасини ижобий деб ҳисоблаш лозим.

Марказлаштириш тамойили – технологик жараёнда ўқувчилар фаолияти моделини лойихалашнинг бош элементи сифатида ифодланади. Таълим жараёни тузилмасида асосий тизимлаштирилувчи таълим мазмуни ва

ўқувчи фаолияти технологик жараён ҳисобланиб, унинг мазмунини ўқувчиларнинг ижтимоий тажриба асосларини ўзлаштириб олишга йўналтирилган ўқув фаолияти ташкил этади. Ҳар бир ўқув фани бўйича таълим мазмуни умумий таълим мақсади ва вазифаларига мувофиқ белгиланади. Фаолиятли ёндошув нуқтаи назаридан умумий ўрта таълим мазмунини ташкил этувчи ҳар бир унсур (элемент) субъект фаолиятининг турларидан бирига мувофиқ келиши керак. Субъект фаолиятининг турлари, ўз навбатида аниқ моделлар йиғиндиси сифатида умумлашган фаолият моделлари орқали ифодаланиши зарур. Ўқувчилар фаолияти моделизимлаштирилувчи элемент бўлиб, ўқувчининг яхлит фаолияти мазмунини аниқлашга хизмат қиласди. Марказлаштириш тамойили лойиҳалашни қуидаги тартибда амалга оширишни талаб этади: фаолият моделларини мақсадга мувофиқ яратиш, шунингдек, уларни ўқувчилар томонидан ўзлаштириш усуллари, воситаларини танлаш (технологик операциялар), ўқув фаолиятини бошқариш усуллари (ўқитувчи фаолияти)ни асослаш.

Таълим жараёнини лойиҳалашда тамойиллар асосий ёндошув, фаолият тузилмаларини аниқловчи меъёр ҳамда мувофиқлаштирувчи талаблар вазифасини бажаради. Лойиҳалаш тамойиллари нафақат меъёрий, балки тавсифий вазифани ҳам бажариб, фаолият моҳиятини очиб берувчи умумлашма талаблар сифатида тавсифланади. Таълим жараёнини лойиҳалашда нафақат ҳар бир таркибий қисм, балки улар орасидаги алоқалар ҳам моделлаштирилади. Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари лойиҳалаш тамойилларининг назарий асосларини ишлаб чиқишига ва педагогик фаолият амалиётида қўллашга замин тайёрлаб беради. Мунтазамлик тамойили асосида учта талаб бор, ўқув жараёнини ташкил этишдаги камчиликларга, режасиз иш, манбаларни тасодифий танлаш каби тартибсизликларга қарши курашмоқ керак. Спорт педагоги мунтазамлик тамойилини амалга ошириб бориб, қуидагиларни ҳисобга олиши зарур:

1. Ўзлаштириб олиниши зарур бўлган материални системалашда қатор талабларни сақлаши керак. Ўқув дастурларида мавжуд бўлган жисмоний машқлар бўлимларда таснифлар асосида белгилаб берилган. Масалан, энгил атлетикада югуриш, сакраш машқлари ва улоқтириш алоҳида санаб ўтилган. Шунинг учун ҳар бир синфда бутун машқларни режалаштиришни шундай тизимга олиб келиши керакки, жисмоний тарбия жараёнини дидактик қоидалар асосида ташкил этиш имкони бўлсин: аниқдан ноаниққа, оддийдан мураккабга, енгилдан оғирга. Бошқа сўз билан айтганда, ўқув материалларининг ҳар бир бўлими бу тизимда поғонани ташкил этади, яъни аввал ўтилганлар кейинги машқ учун асос бўлади. Ўқув материалини системалаштириш, имкони борича ижобий натижаларга эришиш учун шароит яратиш керак.

2. Ўқув жараёнини ташкил этиш, машғулотларнинг доимийлигини таъминлаш зарур. Маълумки, жисмоний машқларни бажариш орқали одам вужудида функционал ўзгаришлар вужудга келади. 5-7 кундан кейин ўtkazilgan машқлар натижасида олинган ижобий натижа йўқотилади. Бунинг учун дарс жадвалига қўйиладиган жисмоний тарбия дарснинг бир-биридан

оралиғи 1-2 кундан ортмаслиғи зарур. Бундан иккита амалий маслаҳат келиб чиқади: бириңидан дарслар ҳафта давомида әнг мақбул оралиқда қўйилиши керак. Дарсларни икки кун бириң-кетин ёки бир кундан сўнг қўйиш мақсадга мувофиқ эмас. Иккинчидан ҳаммаси жисмоний машқлар билан таъминлаш учун ўқувчиларнинг мустақил ишларидан кенг фойдаланиш зарур. Бунингиз қониқарли натижаларга эришиб бўлмайди. Масалан, фақат жисмоний тарбия дарсида шуғулланувчиларнинг эгилувчанлигини ривожлантиришга интилиш фойдасиз.

3. Машғулотни услубий жиҳатдан таъминлаш: юклама ва дамни рационал навбатлашни кўзда тутади. Бу айниқса, жисмоний сифатларни тарбиялашда әнг зарур. Бу жараёнда куч этганича вазифа ва машғулотларнинг доимийлигини сақлаш керак. Машғулотларни ноаниқ, гоҳида изчилик билан ўтказиш вазифани ҳал этишда қониқарсиз ривожланиш йўналишига олиб келибгина қолмасдан, шуғулланувчилар организмига салбий таъсир кўрсатади.

Рефлексивлик тамойили- субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо бериши, ўзгаларнинг у ҳақидаги фикрлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик фаолиятига оид муносабатларни тавсифлайди. Лойиҳалаш жараёнида ўқитувчига доимо таълим жараёни, унинг аниқ ва идеал шароитлари, ўқувчиларнинг билишга бўлган эҳтиёжлари, уларни тўлдириш имкониятлари, шихсий сифат ва қобилиятлари, педагогик фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқ. Рефлексивлик тамойили яратиладиган таълим жараёнининг лойиҳасини таълим жараёни иштирокчи-субъектнинг эҳтиёжлари ва имкониятларини таҳлил қилиш асосида узлуксиз тузатиб, тўлдириб беришни талаб этади.

Натижавийлик тамойили- педагогик шарт-шароитларнинг кулайлиги, оз вақт ва куч сарфлаш эвазига самарали натижаларга эришишни тавсифлайди. Натижавийлик-ижтимоий тажриба фаолият моделлари мазмуни, технологик операциялар, уларни ўзлаштириш, бошқариш усусларини танлаш, ўқув фаолиятининг мувофиқлиги, таълим тарбия воситалари, технологик жараёнда субъектнинг қисқа вақт ва куч сарфланиш воситасида белгиланган мақсадга эришишни назарда тутиши лозим. Кўп омиллийлик тамойили. Ҳар бир таълим жараёни бир қатор объектив ва субъектив омиллар таъсирида амалга ошади. Улар сирасига ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ижтимоий-иктисодий ҳаёт шароитлари, таълим муассасалари атрофдаги ижтимоий ишлаб чиқариш ва табиий иқлим муҳити, ўқув муассассининг ўқув-моддий базаси, ўқитувчиларнинг касбий малака даражаси, таълим муассаси ёки маълум синфдаги маънавий-психологик муҳит, ўқувчиларнинг ўқув имкониятлари, синфнинг интеллектуал салоҳияти, жамоанинг шахслараро муносабатлари киради. Таълим жараёнини лойиҳалашда ўқитувчи ана шу омилларни ҳисобга олиши зарур. Ўқувчи шахсини таълим жараёнига мослаштириш тамойили. Бола мактаб остонасига қадам қўйганидан бошлаб унинг фаолият кўлами (ўз-ўзига хизмат, меҳнат, дам олиш тарзида) кенгаяди. Бу каби фаолият кўнималарини эгаллаши натижасида ижтимоий тажрибага эга бўлиб боради.

Шунинг учун таълим жараёнининг самарали бўлиши, уни лойиҳалашда таълим мазмuni ва бошқа фаолият моделлари ҳисобга олиниши, уларни ўқувчилар қундалик ҳаёт фаолиятида эгаллаб бориши таъминланиши зарур. Айни вақтда умумий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва уни ижтимоий ҳаётга мослаштириш муайян қонуниятларга мувофиқ психолог ва социологларнинг иштироклари (психо-педагогик ташхис хулосаси) асосида амалга оширилади.

Одатда фаолиятга таъриф берилганда, у биринчидан англашилган мақсад билан бошқарилиши, иккинчидан психик ва жисмоний фаолликдан иборат эканлиги таъкидлаб ўтилади. Лекин ушбу белгиларни фаолият таърифини мукаммал очиб бериш учун йетарли деб бўлмайди. Инсон фаоллигига англанган мақсад мавжудлиги тўғрисида мулоҳаза юритиш учун ҳар хил хусусиятли бир қанча омилларга мурожаат қилишга тўғри келади. Фаолиятнинг мотивлари, рўёбга чиқариш воситалари, ахборот танлаш ва уни қайта ишлаш англанган ёки англанмаган, баъзан англанганлик нотўқис, ҳатто у нотўғри бўлиши мумкин. Жумладан:

- а) мактабгача тарбия ёшидаги бола ўйин фаолиятига нисбатан эҳтиёжини гоҳо англайди, холос;
- б) бошланғич синф ўқувчиси ўқув мотивларини ҳамиша ҳам йетарли даражада англаб йетмайди;
- д) ўсмир ҳам хулқ мотивларини нотўқис ёки нотўғри англаши мумкин;
- е) ҳатто вояга йетган ўсмир ҳам баъзан хулқ мотивини ноўрин ҳаспўшлашга интилади.

Бундан ташқари, ҳатто фаолиятни амалга оширишни режалаштириш, уни рўёбга чиқариш учун қарор кабул қилиш, натижани таҳминлаш, хулоса чиқариш ҳам англанганлик кафолатига эга эмасдир. Чунки фаолиятни рўёбга чиқарувчи ҳаракатнинг аксарияти онг орқали бошқарилмайди, жумладан, велосипед учиш, куй чалиш, китоб ўқиш, телефон қилиш одатий ҳодисадир. Шуни ўқтириш лозимки, фаолиятнинг жабҳаларини онгда акс этиш даражаси ва мукаммаллиги унинг англанганлиги кўрсаткичи мезони ҳисобланади. Лекин фаолиятнинг англанганлиги даражаси кенг кўламли бўлишига қарамай мақсадни кўзлаш (англаш) унинг устувор белгиси вазифасини ўйнайверади. Фаолиятда мақсадни англаш иштирок этмаса, унда у ихтиёrsиз ҳатти-ҳаракатга айланиб қолади ва бундай ҳолат кўпинча ҳиссиёт билан бошқарилади. Шу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳатти-ҳаракат ихтиёrsизлиги унинг англанмаганлигини билдиrmайди, бироқ аксинча бунда инсон мотивининг шахсий томони англанган бўлади, унинг ижтимоий мазмуни эса қамраб олинмайди.

Таълим жараённида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили. Табиий жараёнлар моҳиятини билиш таълим жараёнини самарали, ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари, сензитив ривожланиш даврлари, ривожланишнинг кейинги босқичига ўтиш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этиш имконини беради. Тамойилнинг мазмуни таълимни ижтимоийлаштириш, ўқувчилар томонидан ижтимоий тажрибанинг индивидуал қонуниятлар асосида ўзлаштирилиши билан изоҳланади.

Ўқитувчи фаолиятини ташкил этишда эътибор биринчи навбатда фаолият усуллари ва жараёнларининг ўзаро мувофиқ бўлишига қаратилади. Бу ҳолат меъёрий талаб сифатида қабул қилинади. Шахсга йўналтирилган таълим ўқувчига ўқув материалининг мазмунини, вазифа ёки топшириқларини, фаолият усуллари ҳамда услубларини танлаш имтиёзини беради. Танлаш имконияти ўқувчини қарор қабул қилиш, мустақил изланиш ва жавобгарликни ҳис қилишга ундейди. Шу боис ўқув фаолиятининг муқобил моделларини ишлаб чиқиш ва уларни ўқувчига таклиф этиш мақсадга мувофиқ.

Ижтимоий-иқтисодий таълимотни лойиҳалаш тамойили- иқтисодий мақсадга мувофиқликни таъминлашни англатади. Таълим жараёнини ижтимоий – иқтисодий лойиҳалаш таълим менеджерининг вазифасидир. Барча таълим муассасалари фаолиятини лойиҳалашда таълим жараёни иштирокчилари, жамият ҳамда давлат (ижтимоий бюортма)нинг эҳтиёж ва имкониятларини ҳисобга олиш уларни тўлдириши зарур. Пухталик ва юксалтириш тамойили. Ўқувчи машқни қайта бажаришида, яхши натижа кўрсатиш қобилиятини мустаҳкам ўзлаштириб олинган машқлар деб тушунмоқ зарур. Оддий ва мураккаб машқларни бажаришда шунга эришмоқ керак. Масалан, олдинга, бу вақтда кўкракни тиззага теккизишга интилиб, ҳам миқдорий, ҳам сифатий томонларга эътибор бериш керак: оёқларни тиззадан буқмасдан, қоматни тўғри сақлашда, мустаҳкам ўзлаштириб олинган баландга сакрашни бажаришда, баландроқقا сакрашга интилиш зарур. Жисмоний машқларни мустаҳкамроқ ўзлаштириб олиш учун машқлар миқдорини йетарли даражада қайтаришни таъминлаш зарур. Пухталик ва юксалтириш принципи амалга ошириш, шуғулланувчиларга нисбатан талабни оширишни ҳам кўзда тутади. Талабчанликни ошириш улар олдига янгидан-янги вазифаларни қўйиш билан амалга оширилади. Бу, айниқса, яхши ўзлаштирувчи ўқувчилар учун тааллуқлидир. Аммо бу даражадаги шуғулланувчилар учун ҳам катта сондаги машқларни қайта бажариш мажбурийдир. Акс ҳолда ўрганиладиган материални мустаҳкамлаш мумкин эмас.

Амалиётда талабчанликни оширишнинг иккита усулидан фойдаланилади: тўғри чизиқли ва поғонасимон. Биринчиси, ҳар бир машғулотда янги вазифаларнинг қўйилишини кўзда тутади. Бундан ташқари ўргатишнинг бошланғич даврида ёки кексалик ва бошқа сабаблардан сўнг фойдаланилади. Бир қанча муддат давомида талабни амалга оширувчи поғонасимон усулдан фойдаланилади. Унинг моҳияти шуғулланувчиларга бир неча машғулотлар давомида аниқ талаблар қўйилишидан иборат. Янги вазифалар, шуғулланувчиларга аввалги қўйиладиган вазифалар бўйича қўникумга ҳосил бўлгандагина қўйилади.

Адабиётлар

1. Дембо А.Т. «Спортивная медицина». Учебник для ИФК., М., «Медицина», 1990, 1995.

2. Хрухев С.В. «Врачебный контроль физическим воспитанием школьников». М., 1992.
3. Тихвинский С.Б., Хрухев С.В. «Детская спортивная медицина». М., «Медицина», 1990.

12-маъзуза. Спортчиларни нерв тизими хусусиятлари ва унинг ривожланиши

Режа:

- 1. Ўсмирларда мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланишинг нерв ва нерв-мускул органларига таъсири**
- 2. Жисмоний тарбия машқлари таъсирида юзага келадиган ўзгаришлар.**

Ривожланишнинг такомиллашиб бориши ва марказий нерв системасининг этилиши натижасида асаб системасининг юқори қисмлари мукаммаллашиб туфайли бош мия пўстлоқ қисмининг турли–туман соматик ва вегетатив бошқариши функцияси организмда кўзга кўриниб боради.

Тренировка ва ҳароратнинг бошланғич даврларида экстрорецепция асосий аҳамият касб этади. Ҳаракат фаолиятининг ва малакаларни автоматлашиб бориши натижасида кам натижали ва этарли бўлмаган иқтисодий кўп тармоқли тузилмалар аниқ функцияларни бажаришга мослашиб боради. Натижада организмда содир бўлаётган ҳар хил эркин ҳаракатларга нисбатан бош мия пўстлоғида тегишли программа содир бўлади. Бу фаолиятни бош миядаги пирамида системаси сегментар аппарат иштироқида вужудга келтиради. Кейин эркин ҳаракатлар стереотип ҳаракатга айланиб автоматлашади. Буларни бошқариш пирамидал системадан экстрапирамидал системага ўтади. Бу жараён бирданига содир бўлмасдан, малака ҳосил бўлиши учун кўп вақт талаб этилади.

Доимий равишда спорт машғулотлари билан шуғулланиб бориш асаб системаси функциясининг такомиллашиб боришига асос бўлади. Бу бевосита кўп микдорда катта микдордаги афферент нерв импулсларининг ички муҳитга келиши билан боғлик. Булар таъсирида ўнг вақтинчалик боғланишлар содир бўлиб, аста-секинлик билан автоматизм вужудга келади, тренировка қилганлик ошиб боради, функциялар бошқаруви мукаммаллашади. Ўсмирлик даврида бевосита нерв ва гуморал системалар бошқарилуви мураккаблаша боради. Тренировка қилганлик даражасига мувофиқ организмнинг функционал имкониятлари ошади ва спортчи фаолиятида ҳаракатлар мос ва аниқлашиб боради.

Вегетатив нерв системаси болалик ва ўсмирлик даврида тез ўзгарувчан бўлади. Бу ёшда симпатик ва парасимпатик нерв системаларида кўзғалувчанлик паст даражада бўлади. Яхши тайёргарлик қўрган спортчиларда юрак қон-томир, нафас олиш органларини ўзгарувчанлиги кам

күзга күринадиган ҳолатда бўлиб, буни маҳсус функционал синалмалар орқали аниқлаш мумкин (Ашнер, клиностатик ва бошқалар). Системали равища ёш спортчиларни шуғулланиши натижасида парасимпатик системани нисбатан кучайиб бориши кузатилади, бу қон босимни камайишида, пулсни қисқариш ва кучайишида, нафас олишни камайиши ва чуқурлашишида ўз аксини топади. Системали равища спорт билан шуғулланиш ҳаракатни мукаммаллашувига ва бу эса бевосита асаб системасига боғлиқ эканлиги билан изохланади. Тренировка жараёнини системали равища амалга ошириш натижасида анализаторларни ташқи мухитни нафис таъсирларини, гавда қисмларини фазодаги ҳолатлари ва бошқаларни сезишга мослаштиради. Тренировкани биринчи йили айрим спортчиларда нерв системасининг қўзғалган ҳолатда бўлиши кузатилади. Бу вегетатив нерв системасини қўзғалиш туфайли турғун бўлмаганлиги билан боғлиқ. Кейинчалик системали тренировка қилиш натижасида кўпчилик шундай болаларда соматик ва вегетатив нерв системаларида ижобий ўзгаришлар содир бўлади. Ҳамма шикоятлар (бош оғрифи, уйқуни бузилиши, иштаҳани ёмонлашуви ва бошқалар йўқолади ва вегетатив нерв системасида қўзғалиш ва тормозланиши нормаллашуви вужудга келади.

Ҳамма органлар тизими системали равища мускул фаолиятида катта юклама аввало таянч-ҳаракат аппаратига тушади. Шунинг учун ҳам ижобий ва ижобий бўлмаган спорт машғулотлари билан шуғулланиш таянч-ҳаракат аппаратида ўз аксини топади. Жисмоний машқнинг педагогик аҳамияти шундан иборатки, таянч-ҳаракат аппаратида қон айланишини кучайиши бош мияни қон билан таъминланишини яхшилайди, овқат ҳазм қилишни активлашиши таянч-ҳаракат ва бош миядан қоннинг қочишига сабаб бўлади. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, нормал жисмоний тренировка қилиш бош мияда қон айланишини яхшилайди, тескари ҳолатда ҳаддан ташқарии юқори даражадаги тренировка бу ҳар икки органлар системасига салбий таъсир кўрсатади.

Жисмоний машқлар, спорт машғулотлари билан шуғулланиш найсимон суякларни ўсишида уларни чегараларини бекилишига таъсир кўрсатади. Жумладан, элка суягининг ўсиш доираси 13-14 ёшгача, билак бўғимида 15-17 ёшда ва тизза бўғимида 20 ёшда бекилади. Айрим қўл суякларида 25 ёшда ҳам эпифизар чегара кўриниб туради. Шунинг учун ҳам жисмоний машқлар таъсирида қўл-оёқ суякларини ўсиши назарий жиҳатдан узок давом этади. Суяк зоналарини бекилишини билиш жароҳат даврида катта аҳамиятга эгадир.

12-20 ёшларда тизза бўғимида жароҳат олиш (уриб олиш) катта болдирип суюгининг апифизар қисмида шамоллашни вужудга келтирса, шундай зарба 20-40 ёшларда содир бўлса, тизза қопқоғини синиб кетишига, 40-60 ёшлардагиси эса менискларни ва тизза бўғим боғламларини узилиб кетишига олиб келади. Ҳозиргача одам организмининг бўйини жисмоний машқлар таъсирида ошишини тасдиқланмаган, аммо методик жиҳатдан тўғри ташкилланган жисмоний машғулотлар айрим макроморфологик ва функционал белгиларга таъсир кўрсатади ҳамда организмни гармоник

ривожланишини умумий ҳолатда вужудга келтиради. Организмда мавжуд бўлган асимметрия спорт маҳоратини оширишда фойдаланилади. Мавжуд одамларнинг 3/4 қисмида чап оёқ ўнг оёқка нисбатан 0,8 см.га узунроқ. Антропометрик текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, юқоридан сакровчиларда оёқлари узун бўлиб, ричаг вазифасини бажаради ва иргитишга ёрдам беради. Футболчиларда эса, тескариси бўлиб қисқа оёқларда тўпга ишлов бериш, яхши ҳисобланади ва ҳар хил алданма ҳаракатларни қилишга имконият яратади. Аммо футболчиларда «О» шаклдаги «Х» шаклдаги оёқлар нисбатан бир оз кўпроқ учраб, буни асосида ички боғлам ва медикал менискни жароҳатланиши ётади. Кўпчилик одамларда ўнг қўл чап қўлга нисбатан 1 см узун ва оғирроқдир. Шунинг учун ўнг элка чап элкадан бироз паст бўлади. Бу қиличбозларда янада чуқурлашади. Бунинг олдини олиш учун спортни шу тури билан шуғулланадиган болаларда тўғриловчи машқларни олиб боришга тўғри келади.

Жисмоний машқлар таъсирида мускуллар ҳажми ошади. Бу асосан ҳар бир мускул толасини йўғонлашиши ва мустаҳкамланиши ҳисобига содир бўлади. Бунда шу нарса маълумки мускул толалари сони кўпаймайди, балким туғилганда қанча бўлса, шу ҳолатда сақланади. Астеник типдаги гавда тузилишли спортчига нисбатан атлетик типдаги гавда тузилиши спортчига мускул массаси кўпроқ ошиб боради. Катта юклама берилган мускул кўпроқ қон билан таъминланади.

14-15 ёшларда мускул-пай ва бойламлар аппарати энг юқори даражага этади ва мускулнинг энг юқори оғирлик даражаси вужудга келади. Шу билан биргаликда мускул толасини диаметри ва қалинлиги ҳам ўзгаради. 14-15 ёшли болаларда мускул катта кишиларнидай бўлиб қолади ва улар ўртасида деярли фарқ бўлмайди. Шу туфайли мускулни кучи ва узоқ ишларни бажара олиш кўрсаткичлари ҳам ошади. Кислородни этишмаслиги мускул массасини ошишига сабаб бўлади, жумладан статик ишларни бажариш (масалан, узоқ вақт юкни кўтариб туриш) мускул массасини ошишига сабаб бўлади, аммо бундай гипертрофия (массани ошиши) элестик бўлмайди ва спортда ҳаракат фаолиятини бажаришда натижаси кам бўлади. Оғир атлетикачиларнинг кам миқдордаги тренировка давридаги оғир юкламали ҳаракатлари энгил атлетикачиларни машғулот пайтидаги тезкор шуғулланишларига нисбатан кўпроқ мускул массасини ошишига сабаб бўлади.

Жисмоний машқларда қанчалик кўпроқ юкланиш берилса, мускул гипертрофияси шунчалик кучли бўлади, борди-ю максимал кучланишли машқларнинг 1/5 қисм миқдорида кучланиш билан бажарилган кун давомидаги машғулотлар даврида унинг ҳажми сезиларли равишда камайиши аниқланган.

Жисмоний машқлар таъсирида бўғимлар мустаҳкамланада, ҳаракати яхшиланади, бўғим тоғайлари эластик бўлади, бўғим боғламлар капсуласи тонуси ошади.

Умуртқа погонаси орқа мия учун ҳимоя ва гавда учун таянч вазифани бажаради. Бундан ташқари умуртқа суюклари эритроцитлар ишлаб чиқади ва

калций, фосфорни ўзида заҳирада сақлайди. Умуртқа поғонаси қисмлари ҳаракатчанлиги билан бир-биридан фарқ қиласи. Бўйин қисми ҳаракатчан, буралиш ва айланишга мос бўлса, кўкрак қисми эса кам ҳаракатчанлиги билан фарқ қиласи. Бел қисми бўлиш ва тўғрилашга мослашган умуртқа поғонасининг эластиклилик ва амортизаторлик функцияси тоғай диск С-шаклида тузилганлиги билан боғлиқ. 10 ёшгача бўлган болаларда умуртқа поғонасининг физиологик эгриликлари яхши ривожланмаган бўлади. Болаларни ёши улғайган сари ундаги эгриликлар мукаммаллашиб боради. Бунда кўкрак қисми кифоз эгрилиги оғир атлетика билан шуғулланувчи спортчиларда яхши ривожланади.

Гимнастикачиларда бир томонлама машқлар билан шуғулланиш буқриликка олиб келади. Бундай ҳолат боксчиларда ҳам кузатилади. Бу ҳолатни вужудга келиши 14-18 ёшли шу спорт турлари билан шуғулланувчи болаларда кўпроқ шароит яратилади. Бир томонлама машқ билан шуғулланиш хатто сколиозин пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ёш спортчиларда таянч-ҳаракат органларини тўғри ўсишида ва қоматни тўғри шаклланишида ҳар томонлама машқлар, жумладан тўғриловчи турларидан кенг фойдаланишга тўғри келади, бу эса уларнинг соғлом ўшишларига имконият яратади.

Назарий саволлар

1. Болаларнинг системали равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш асаб системасига қандай таъсир кўрсатади?
2. Болаларнинг системали равишда жисмоний тарбия спорт тури билан шуғулланиш таянч-ҳаракат органларига қандай таъсир кўрсатади?

Таянч иборалар

1. Болаларнинг системали равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишининг асаб системасига таъсири.
2. Болаларни системали равишда жисмоиний тарбия ва спорт билан шуғулланишларининг таянч-ҳаракат органларига таъсири

Адабиётлар

1. Дембо А.Т. «Спортивная медицина». Учебник для ИФК., М., «Медицина», 1990, 1995.
2. Хрущев С.В. «Врачебный контрол физическим воспитанием школьников». М., 1992.
3. Тихвинский С.Б., Хрущев С.В. «Децкая спортивная медицина». М., «Медицина», 1990.

13-маъруза. Мушак юкламасининг болалар нерв тизими ва таянч-харакат аппаратининг функционал ҳолатларига таъсири Режа

- Болаларда системали жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг асаб системасига таъсири.**
- Болаларда системали жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг таянч-харакат органларига таъсири.**

Ривожланишнинг такомиллашиб бориши ва марказий нерв системасининг етилиши натижасида асаб системасининг юқори қисмлари мукаммаллашиши туфайли бош мия пўстлоқ қисмининг турли –туман соматик ва вегетатив бошқариши функцияси организмда кўзга кўриниб боради.

Тренировка ва хароратнинг бошланғич даврларида экстерорецепция асосий аҳамият касб этади. Ҳаракат фаолиятининг ва малакаларни автоматлашиб бориши натижасида кам натижали ва етарли бўлмаган иқтисодий кўп тармоқли тузилмалар аниқ функцияларни бажаришга мослашиб боради. Натижада организмда содир бўлаётган ҳар хил эркин ҳаракатларга нисбатан бош мия пўстлоғида тегишли программа содир бўлади. Бу фаолиятни бош миядаги пирамида системаси сигментар аппарат иштирокида вужудга келтиради. Кейин эркин ҳаракатлар стереотил ҳаракатга айланиб автоматлашади. Буларни бошқариш пирамикдан системанинг экстрапирамидан системага ўтади. Бу жараён бирданига содир бўлмасдан, малака ҳосил бўлиши учун кўп вақт талаб этилади.

Доимий равишда спорт машғулотлари билан шуғулланиб асаб системасининг функциясини такомиллашиб боришига асос бўлади. бу бевосита кўп миқдорда катта миқдордаги аффўерент нерв импулсларининг ички муҳитига келиши билан боғлиқ. Булар таъсирида ўнги вақтинчалик боғланишлар содир бўлиб, аста-секинлик билан автоматизм вужудга келади, тренировка қилганлик ошиб боради, функциялар бошқаруви мукаммаолашади. Ўсмирлик даврида бевосита нерв ва гуморал системалар бошқарилуви мураккаблаша боради. Тренировка қилганлик даражасига мувофиқ организмнинг функционал имкониятлари ошади ва спортчи фаолиятида ҳаракатлар мос ва аниқлашиб боради.

Вегетатив нерв системаси болалар ва ўсмирлик даврида тез ўзгарувчан бўлади. Бу ёшда симпатик ва парасимпатик нерв системаларида кўзғалувчанлик паст даражада бўлади. яхши тайёргарлик қўрган спортчиларда юрак қон-томир, нафас олиш органларини ўзгарувчанлиги, кам кўзга кўринадиган ҳолатда бўлиб, буни маҳсус функционал синалмалар орқали аниқлаш мумкин (Ашнер, клиностатик ва бошқалар). Системали равишда ёш спортчиларни шуғулланиши натижасида парасимпатик системани нисбатан кучайиб бориши кузатилади, бу қон босимни камайишида, пулсни қисқариш ва кучайишида, нафас олишни камайиши ва чукурлашишида ўз аксини топади. Системали равишда спорт билан шуғулланиш ҳаракатни мукаммаллашувига ва бу эса бевосита асаб

системасига боғлиқ эканлиги билан изохланади. Тренировка жараёнини системали равища амалга ошириш натижасида анализаторларни ташқи мұхитни нафис таъсирларини, гавда қисмларини фазодаги ҳолатлари ва бошқаларни сезишга мослаштиради. Тренировкани биринчи йили айрим спортчиларда нерв системасининг қўзғалған ҳолатда бўлиши кузатилади. Бу вегетатив нерв системасини қўзғалиш туфайли турғун бўлмаганлиги билан боғлиқ. Кейинчалик системали тренировка қилиш натижасида кўпчилик шундай болаларда соматик ва вегетатив нерв системаларида ижобий ўзгаришлар содир бўлади. ҳамма шикоятлар (бош оғриғи, уйқуни бузилиши, иштаҳани ёмонлашуви ва бошқалар йўқолади ва вегетатив нерв системасида қўзғалиш ва тормозланишни нормаллашуви вужудга келади.

Ҳамма органлар тизими системали равища мускул фаолиятида катта юклама аввало таянч-ҳаракат аппаратига тушади. Шунинг учун ҳам ижобий ва ижобий бўлмаган спорт машғулотлари билан шуғулланиш таянч-ҳаракат аппаратида ўз аксини топади. Жисмоний машқнинг педагогик аҳамияти шундан иборатки, таянч-ҳаракат аппаратида қон айланишни кучайиши бош мияни қон билан таъминланишини яхшилайди, овқат ҳазм қилишни активлашиши таянч-ҳаракат ва бош миядан қоннинг қочишига сабаб бўлади. бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, нормал жисмоний тренировка қилиш бош мияда қон айланишни якунлайди, тескари ҳолатда ҳаддан ташқарии юқори даражадаги тренировка бу ҳар икки органлар системасига салбий таъсир кўрсатади.

Жисмоний машқлар, спорт машғулотлари билан шуғулланиш найсимон сүякларни ўсишида уларни чегараларини бекилишига таъсир кўрсатади. Жумладан, елка суюгининг ўсиш доираси 13-14 ёшгача, билак бўғимида 15-17 ёшда ва тизза бўғимида 20 ёшда бекилади. Айрим қўл сүякларида 25 ёшда ҳам эпифизар чегара кўриниб туради. Шунинг учун ҳам жисмоний машқлар таъсирида қўл-оёқ, сүякларини ўсиши назарий жиҳатдан узоқ давом этади. Суяк зоналарини бекилишини билиш жароҳат даврида катта аҳамиятга эгадир.

12-20 ёшларда тизза бўғимида жароҳат олиш (уриб олиш) катта болдирип суюгининг апофизар қисмида шамоллашни вужудга келтирса, шундай зарба 20-40 ёшларда содир бўлса, тизза қопқоғини синиб кетишига, 40-60 ёшлардагиси эса менискларни ва тизза бўғим боғламларини узилиб кетишига олиб келади. Ҳозиргача одам организмининг бўйини жисмоний машқлар таъсирида ошишини тасдиқланмаган, аммо методик жиҳатдан тўғри ташкилланган жисмоний машғулотлар айрим макроморфологик ва функционал белгиларга таъсир кўрсатади ҳамда организмни гармоник ривожланишини умумий ҳолатда вужудга келтиради. Организмда мавжуд бўлган асимметрия спорт маҳоратини оширишда фойдаланилади. Мавжуд одамларнинг 3/4 қисмида чап оёқ ўнг оёққа нисбатан 0,8 см.га узунроқ. Антропометрик текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, юқоридан сакровчиларда оёқлари узун бўлиб, ричаг вазифасини бажаради ва ирғитишга ёрдам беради. Футболчиларда эса, тескариси бўлиб қисқа оёқларда тўпга ишлов бериш, яхши ҳисобланади ва ҳар хил алданма ҳаракатларни қилишга

имконият яратади. Аммо футболчиларда «О» шаклдаги «Х» шаклдаги оёкларга нисбатан бир оз күпроқ учраб, буни асосида ички боғлам ва медикал менискни жароҳатланиши ётади. Кўпчилик одамларда ўнг қўл чап кўлга нисбатан 1 см узун ва оғирроқдир. Шунинг учун ўнг елка чап елкадан бироз паст бўлади. бу қиличбозларда янада чукурлашади. Бунинг олдини олиш учун спортни шу тури билан шуғулланадиган болаларда тўғриловчи машқларни олиб боришга тўғри келади.

Жисмоний машқлар таъсирида мускуллар ҳажмини оширади. Бу асосан ҳар бир мускул толасини йўғонлашиши ва мустаҳкамланиши ҳисобига содир бўлади. бунда шу нарса маълумки мускул толалари сони кўпаймайди, балким туғилганда қанча бўлса, шу ҳолатда сақланади. Астеник типдаги гавда тузилишли спортчига нисбатан атлетик типдаги гавда тузилиши спортчидаги мускул массаси кўпроқ ошиб боради. Катта юклама берилган мускул кўпроқ қон билан таъминланади.

14-15 ёшларда мускул-пай ва бойламлар аппарати энг юқори даражага етади ва мускулнинг энг юқори оғирлик даражаси вужудга келади. Шу билан биргаликда мускул толасини диаметри ва қалинлиги ҳам ўзгаради. 14-15 ёшли болаларда мускул катта кишиларнидай бўлиб қолади ва улар ўртасида деярли фарқ бўлмайди. Шу туфайли мускулни кучи ва узоқ ишларни бажара олиш кўрсаткичлари ҳам ошади. Кислородни етишмаслиги мускул массасини ошишига сабаб бўлади, жумладан статик ишларни бажариш (масалан, узоқ вақт юкни кўтариб туриш) мускул массасини ошишига сабаб бўлади, аммо бундай гипертрофия (массани ошиши) эластик бўлмайди ва спортда ҳаракат фаолиятини бажаришда натижаси кам бўлади. оғир атлетикачиларнинг кам миқдордаги тренировка давридаги оғир юкламани ҳаракатлари енгил атлетикачиларни машғулот пайтидаги тезкор шуғулланишларига нисбатан кўпроқ мускул массасини ошишига сабаб бўлади.

Жисмоний машқларда қанчалик кўпроқ юкланиш берилса, мускул гипертрофияси шунчалик кучли бўлади, борди-ю максимал кучланишли машқларнинг 1/5 қисм миқдорида кучланиш билан бажарилган кун давомидаги машғулотлар даврида унинг ҳажми сезиларли равища камайиши аниқланган.

Жисмоний машқлар таъсирида бўғимлар мустаҳкамланада, ҳаракати яхшиланади, бўғим тоғайлари эластик бўлади, бўғим боғламлар капсуласи тонуси ошади.

Умуртқа погонаси орқа мия учун ҳимоя ва гавда учун таянч вазифани бажаради. Бундан ташқари умуртқа суюклари эритроцитлар ишлаб чиқади ва калций, фосфорни ўзида заҳирада сақлайди. Умуртқа погонаси қисмларининг қисмлари ҳаракатчанлиги билан бир-биридан фарқ қиласи. Бўйин қисми ҳаракатчан, буралиш ва айланишга мос бўлса, кўкрак қисми эса кам ҳаракатчанлиги билан фарқ қиласи. Бел қисми бўлиш ва тўғрилашга мослашган умуртқа погонасининг эластиклилик ва амортизаторлик функцияси тоғай диск С-шаклида тузилганлиги билан боғлиқ. 10 ёшгача бўлган болаларда умуртқа погонасининг физиологик эгриликлари яхши

ривожланмаган бўлади. болаларни ёши улғайган сари ундаги эгриликлар мукаммаллашиб боради. Бунда кўкрак қисми кифоз эгрилиги оғир атлетика билан шуғулланувчи спортчиларда яхши ривожланади.

Гимнастикачиларда бир томонлама машқлар билан шуғулланиш букриликка олиб келади. Бундай ҳолат боксчиларда ҳам қузатилади. Бу ҳолатни вужудга келиши 14-18 ёшли шу спорт турлари билан шуғулланувчи болаларда кўпроқ шароит яратилади. Бир томонлама машқ билан шуғулланиш хатто сколиозин пайдо бўлишига олиб келади. Шунинг учун ёш спортчиларда таянч-ҳаракат органларини тўғри ўсишида ва қоматни тўғри шаклланишида ҳар томонлма машқларда, жумладан тўғриловчи турларидан кенг фойдаланишга тўғри келади, бу эса уларнинг соғлом ўсишларига имконият яратади.

Скелет мускуллари

Скелет мускуллари аёлларда тана массасининг тахминан 30-35% ни, эрқакларда 40% ни ташкил қиласди. Улар мускул тўқимасининг қўндаланг-тарғил типига киради ва тананинг ташқи шакли-шамойили ва рельефини белгилайди, чунки баъзи бир истисноларни ҳисобга олмагандан, скелетни қоплаб туради. Скелет мускуллари одам организми қодир бўлган турли хил ҳаракатларнинг ҳаммасини бажаради. Улар туфайли тана мувозанатни саклаб туради, нафас олиш ҳаракатлари, кўз ҳаракатлари, товуш ҳосил бўлиши, чайнаш, ютиш, ички органларни шикастланишдан муҳофаза қилиш амалга оширилади.

Кўндаланг-тарғил мускуллар бириктирувчи тўқима билан мускул дасталарига боғланган кўп сонли мускул толаларидан ташкил топган. Толалар узунлиги бир неча миллиметрдан бир неча сантиметргача бўлиши мумкин. Ташқи ва ички бириктирувчи тўқимали пардалар пайга-зич толали тортмага айланиб, мускуллар унинг ёрдамида суюкка маҳкам ёпишади. Мускулларда толалар микдори турлича: майдаларида улар бир неча юзлаб, йириклирида бундан кўп бўлади. Шунга мувофиқ ҳолда мускуллар кучи ҳам бир хил эмас, у мускуллар барча толаларининг кўндаланг кесими майдони билан белгиланади. Мускул толаси кўндаланг кесимнинг майдони ўрта ҳисобда 0,01 квадрат миллиметрга teng. Одам танасида 300 миллиондан зиёд тола бор. Агар улар бир-бирига уланса, бундай мускул кесимининг майдони уч квадрат метрдан ошади. У 25 тоннагача юкка бардош бера олган бўларди.

Мускуллар пай ёрдамида қисқариб, ричаг ролини бажарадиган суюкни тортади - шу тариқа турли хил ҳаракатлар амалга оширилади. Оёқ-қўлларда ричаг ролини узун суюклар бажаради. Ҳаракат юз берадиган бўғим таянч нуқтаси бўлиб хизмат қиласди, ҳаракатни амалга оширадиган мускул ёпишадиган жой - куч қўйиладиган нуқта, суюкларга оғирлик кучи таъсир қиласиган жойқаршилик кўрсатиш нуқтаси бўлиб хизмат қиласди. Маълумки, тана ричагларида куч қўйиладиган нуқта кўпинча таянч нуқтасига яқин туради ва шунга кўра, мускул кўпроқ куч ишлатишига тўғри келади. Масалан, узатилган кўлда 101 кг юкни кўтариш учун қўл мускуллари 100 кг куч сафарбар қилиши лозим.

Бажариладиган ҳаракатлар турига кўра, мускуллар букувчи ва ёзувчи, яқинлаштирувчи ва узоқлаштирувчи, юқорига кўтарувчи ва пастга туширувчи, айлантирувчи, қисувчи ва кенгайтирувчи бўлади. Айрим мускуллар ёки уларнинг гуруҳи бир ёналишдаги ҳаракатларни биргалиқда амалга ошириши мумкин. Бундай мускулларни синергистлар дейилади. Қисқарган вактда карама-қарши ҳаракат пайдо қиласидан мускуллар амтагонистлар дейилади. Ҳатто энг оддий ҳаракат актларида ҳам одатда ҳам синергастлар, ҳам антагонистлар иштирок этади.

Катта ёшдаги одамда мусқул толалари микдори доимий бўлиб қолади, уларнинг диаметри эса асосан мускулларнинг чиникәнлигига боғлик. Мускуллар нечоғлик тез ва жадал ишласа шу қадар ёғонлашади, бинобарин, қучли бўлади. Доимий чиникиш машқлари, жисмоний юқ толалар диаметриннинг 2 баравар ортишига сабаб бўлади. Спортчиларда скелет мускуллари тана массасининг 50% гача қисмини ташкил қиласиди.

Скелет мускулларининг ўсиши, ривожланиши ва шаклланиши 20-25 ёшгача дазом этади ва бу жараён нотекис кечиши кузатилади. Энг кўп ўсиб ривожланиш даврлари бола ҳаётининг биринчи йилига ва балоғат ёшига тўғри келади. Янги туғилган боланинг ҳамма скелет мускуллари бўлади, бироқ уларнинг вазни катта одамнидан 37 марта кам ва бутун танаси вазнининг 24% ни ташкил қиласиди. Кичик ва ўрта мактаб ёшида мускуллар массаси сезиларли даражада ортади. Айни вақтда уларнинг функционал кучайиши ва химиявий таркибининг ўзгариши кузатилади. Катта мактаб ёшида боланинг мускуллари бирмунча секин ўсади ва 18 ёшгача келиб умумий тана вазнининг тахминан 42% га этади.

Мушак ишининг ҳар ҳил турларида чарчаш ва унинг ёш хусусиятлари

Ҳаракат сифатлари (куч, тезкорлик, чидамлилик, чакконлик ва эгалувчанлик) билал ҳаракат малакаларининг ривожланиши бир-бiri билан қаттиқ боғлик бўлади. Янги ҳаракатларни ўзлаштириш турли ҳаракат сифатларининг такомилланиши билан кузатилади

Таянч-ҳаракат аппаратининг турли қисмларининг морфологик этилиши ва ҳаракат изчиллиганинг юзага келиши билан бир вақтда ҳаракат сифатлари ҳам ривожланади. Ҳаракат сифатларининг шақлланиши бир текисда ва бир вақтда бўлмай, турли ёш даврларида ҳар холда ортади. Ҳаракат сифатларининг ривожланиши ҳаракат аппаратининг морфологик ва функционал ўзгаришлари, шунингдек, периферик аппарат ва ички органлар ишининг ўзаро келишганлиги билан боғлик бўлади.

Мусқул кучи - мускулнинг тарангланиш даражаси билан белгиланади. Мусқул кучи сужуқ ва мусқул тўқимасининг ўсиши, бўғим-бойлам аппаратининг ривожланиши билан чамбарчас боғлик. У мускулнинг физиолог кўндаланг кесими, биохимика реакциялар характеристи, асаб орқали бошқарилишининг хусусиятлари ва ихтиёрий кучланиш даражасига боғлик бўлади.

Мактабгача ёшдаги болаларда мусқул кучи жуда кам бўлади А.В.Коробков далилларига кўра 4-5 ёшли болаларда қўл бармокларининг

букувчи ва ёзувчи мускуллар кучи 4 ёшлиларда 4,6 ва 5 ёшлиларда 5,2 кг, гавданинг тикловчи мускуллар кучи 8,2 ва 14,0 кг ни: ташкил этади. Мускул кучи 11 ёшдан бошлаб, айниқса 13 дан 14 ёшгача ва 16 дан 17 ёшгача энг шиддатли ривожланади. Болаларнинг иккинчи болалик даврида мускул кучи 25 марта, динамометрия болаларда 8-9 дан 20-25 кг гача, қизларда 8 дан 15 кг гача ортади. Мускулнинг кучи бир текис ривожланмайди. Олдин ёзувчи мускуллар кучи, кейин букувчи мускуллар кучи ортади шу билан бир қаторда кучнинг энг кўп ортиши ўсмирик даврининг бошланишида кузатилади. 12 эшли болаларда соннинг ёзувчи мускулларининг кучи 62 кг, букувчи мускуллари кучи эса хаммаси бўлиб 24 кг га, оёқ кафтини букувчилар кучи 35 кг га этади. 8 ёшли даврга нисбатан ўсмирик даврида мускул кучи 4-4,5 марта кўпаяди. Болаларда қўл динамометриясининг кўрсаткичлари 40-45 кг гача, қизларда 20-25 кг гача ортади. 16 ёнши йигитларда гавданинг тикланиш кучи 50 фоизга, қизларда 70 фоизга кўпаяди. Шунинг учун мактаб ўқувчиларига бериладиган жисмоний иш ёшга қараб қатъий белгиланиши зарур.

Тезкорлик ҳаракат реакциясининг латент вақти, якка ҳаракат тезлиги, вақт бирилигидаги ҳаракат сони билан белгиланади. Тезкорликнинг айrim кўринишлари ўртасида ҳамма вақт ҳам ишончли ўзаро боғланиш бўлавермайди. Масалан юқори тезлиги секин ҳаракат реакцияси билан кузатилиши мумкин.

Реакция оддий ва мураккаблигига кўра фаркланади. Оддий реакция олдидан маълум сигналга берилган жавоб вақти билан таърифланади. Мураккаб реакцияда сигнал номаълум бўлиб уни таъсирловчилар тўпламидан танлаб олиш керак бўлади. Оддий реакциянинг давом этиш муддати 0,11-0,25 сон бўлиб, мураккаб реакция вақти 0,30-0,40 сон ни ташкил этади. Реакция вақти ёшга ҳам боғлиқ. Айrim ҳаракатларда оддий реакция вақтини 2-3 ёшларда аниқлаш мумкин бўлиб, у 0,60-0,90 сон га баробар. 3-7 эшли болаларда реация вақти анча камаяди. 0,30-3,4 сон га teng бўлади. 13-14 ёшлиларда ҳаракат реакциясининг вакти катталар реакцияси вақтига яқинлашади.

Вакт бирлигидаги ҳаракат сони тезкорликнинг муҳим кўрсаткичидир. Катталардагига ўхшаш болаларда ҳам ҳаракат тезлиги гавданинг турли қисмида турлича бўлади. Қўл бармокларининг ҳаракатланиш тезлиги юқори бўлиб, оёқ тўпиги бўғиниш ҳаракатланиши секин бўлади.

Тезкорлик сифати 8 ёшдан 10 ёшгача жуда тез ортади, кейин 12 ёшгача секинроқ ортиб боради, сўнгра тўхтайди, ҳатто пасаяди. 15 ёшдан 17 ёшгача бўлган даврда қайтадан орта бошлақди. Бу жисмоний сифат энергия манбаи бўлган креатинфосфат ва асаб орқали бошқарилишнинг такомилланиши билан боғлиқ бўлади. Шунинг учун тезкорликнинг ривожланиши бу омидлар билан деярли бир хилда ортади.

Чидамлилик боланинг ёши катталashiшида жуда секин ортади. Мактабгача ёшдага болаларда уларнинг жуда ҳаракатчанлигига қарамай, машқ қилиш натижаси анча кам бўлади. 4 ёшдан 7 ёшгача аероб чидамлилик, айниқса, статик ишларга чидамлилик паст дарахсада бўлади. Умуман

айтганда, 7 ёшли боланинг чидамлилиги 10 ёшлилар чидамлилигининг 1/3 қисмига тенг бўлади. 8 ёшдан 9 ёшгача умумий чидамлилик бирмунча ортади. 11 ёшдан бошлаб у кескин ортади ва 14-15 ёшларда турғун бўлади. 15-17 ёшдан яна қўтарилади. Жисмоний чиниқмаган болаларда статик ишларга чидамлилик 10 ёшдан кейин ортади. Ихтиёрий юқори даражадаги кучнинг 50 фоизига тенг куч билан динамометрни ушлаб туриш 10 ёшли болаларда 96 сон дан, 18 га борганда 113 сон гача кўпаяди. Иккинчи болалик даврида динамик ишларга чидамлилик кескин ортади. Анаероб қувватнинг энг кўп ортиши 10-14 ёшлиларда, аероб ишларга чидамлилик эса ўсмирлик даврида кўзатилади. Лекин чарчаш катталарга нисбатан ўсмирларда анча тез юзага келади, чунки уларда бошқарилишнинг асаб механизмлари ҳали яхши турғунлашган, мустаҳкам бўлмайди.

Чарчаш. Чарчашнинг ривожланиш тезлиги бажарилаётган ишнинг қуввати ва муддатига, ишга жалб этилган мускуллар массасига, шунингдек, спортчининг жонига, ёшига боғлиқ бўлади. Ёш спортчиларда функционал ва энергия резервлари катталардагига нисбатан тезроқ камаяди. Болаларнинг иш қобилияти, ҳаракат тезлиги чарчаш даврида катталарга нисбатан кўпроқ даражада пасаяди. Чарчаш натижасида болалар организмнинг ички муҳити озгина ўзгариши, кислород қарзи тўпланиши билан ишни тўхтатади, яъни катталарга қараганда чарчаш болачарда тезроқ ривожланади. Бу болалар марказий асаб системасининг қатор хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Болаларда ички тармозланиш жараёнлари тезроқ бўзилади.

7-10 ёшли болаларнинг юксак қувватли иш бажаришида энг юқори тезликка эришишдан кейин чарчаш натижасида тезликнинг пасайиши қучли бўлади. Бу ҳолат асаб жараёнларининг ҳаракатчанлиги ва кўчининг нисбатан пастлиги ҳамда ҳимоя тармозланишининг тез ривожланиши билан боғлиқ, деб қаралади (А.А.Маркосян). Шу билан бирга, айтиб ўтиш керакки, ёш спортчиларда ёнгиладиган чарчашни энгилмайдиган чарчашга ўтиш катталардагига нисбатан тезроқ юзага келади.

Ёш спортчилар чарчашда катталардагига нисбатан кўп энергия сарф этади, мускул кучи ва уларнинг кисқариш амплитудаси тезроқ камаяди, чарчаш эгри чизифининг ҳарактери ўзгаради. Катталарга нисбатан болаларда чарчаш тезрок ва тўсатдан юзага келади.

Ёш спортчиларнинг спорт фаолиятида чарчаш кўпинча ҳаракат координацияси ва ҳаракат ҳамда вегетатив функциялар ўзаро таъсирининг бузилишида ифодаланади.

Ёш ортиши билан ҳаракат уйгунилигининг такомиллашиши

Катта ярим шарлар пўстлоғида вақтинча алоқаларни юзага келиши ва мустаҳкамланиши машқ қилиш натижасида автоматлашган ҳаракат малакаларини ҳосил қилишга асосланган.

Ҳаракат малакалари физиологик нўқтаи назардан шаклланиш механизми бўйича мураккаб шартли ҳаракат рефлексларидир. Бу рефлексларнинг ҳосил бўлиши учун турли анадизаторлардан (ҳаракат вестибуляр, кўриш ва бошқалар) келадиган маълумотлар ва қандай қилиш

зарурлиги ҳамда ҳаракатни бажариш хусусиятлари ҳақида бўладиган хабарлар мухим аҳамиятга эга.

Ҳаракат малакалари спорт билан шуғулланишда ёки бирон касбни эгаллашда такрорланиши билан борган сари пухталаниб, такомиллашиб боради.

Инсон ҳаракат фаолиятининг бундай такомиллашиб бориши, унинг ҳаракат аппарати, ишни бошқарувчи марказий асаб системаси фаолиятининг ривожланиб бориши билан боғлиқ. Чунки ҳаракатнинг юзага чиқиши, айниқса, мураккаб ва нозик ҳаракатларнинг бажарилиши мушаклар гурухлари, ҳар хил миқдор асаб-мушак ҳаракат бирликлари ва мунтолатарини иштирокида амалга оширилади. Бу элемент ишининг кўйилган мақсадга мос бўлиши, уларнинг бир-бири билан келишган ҳолда иш бажаришини таъминлаш учун асаб марказлари жуда мураккаб вазифаларни бажаради.

Боланинг баркарор тикка туриш, юриш, югуриш ва шунга ўхшаш ҳаракат малакаларини ҳосил қилишда синов-қидирав ҳаракатларининг бажарилиши билан вақтинчалик боғланиш ҳосил бўлиш механизми мухим роль ўйнайди. Гавда мувозанатининг сакланиши, унинг фазода ўзгаришини таъминлайдиган ҳаракатлар мустаҳкамланиб қолади, гавда мувозанатини сақлашга ҳалал берадиган ҳаракатлар эса тормозланади. Ҳаракатнинг ўзи ёки натижаси вужудга келтирган афферент импулсларнинг бўлиниши шарт. Ҳаракат бирон сабаб билан аввалгидай фойдали натижа бермаса, яъни аҳамиятини ёъқоца, шартли қўзғалиш, шарциз таасурот билан мустаҳкамланмаса, у вақтда вақтинчалик боғланишлар тормозланади.

Ҳаракат малакасининг шаклланиши фақат кишида бўлган шарциз рефлекслар ёки олдин ҳосил қилинган пухта шартли рефлекслар асосида бўлмайди. Ҳаракат малакасининг ҳосил бўлишида олдин ҳосил бўлган малакалар ҳам қатнашади.

Бундай ҳолатда шартли таъсирловчига берилиши билан олдинги рефлекснинг худди ўзи юзага келмай, балки илгари, маълум бўлган мураккаб ҳаракат актларнинг элементлари қўшилган янги шаклдаги ҳаракат рефлекси юзага келади. Бу шартли рефлекслар Ю.Конорский классификацияси бўйича иккинчи турдаги рефлекслар бўлади.

Шундай қилиб, ҳаракат малакаларининг ҳосил бўлиши биринчи ва иккинчи турдаги шартли рефлекслар юзага келиши билан амалга ошади. Одамда ҳаракат малакаларининг шаклланишида иккинчи сигнал системаси орқали ҳосил бўладиган юкори тартибли шартли рефлекслар айниқса, мухим аҳамиятга эга.

Қисқача айтганда, ҳаракат малакасининг ҳосил бўлишида марказий асаб системасидаги жуда қўп марказларнинг иши ҳаракат аппарати ва сенсор системалардан келаётган импулслар ва бош мия ярим шарлар пўстлоғидаги изларнинг иштироки - билан тўғриланди ва такомиллашади.

Ҳар хил ёшда янги ҳаракатларни ўзлаштириш турлича бўлади. Масалан, 9-16 ёшли болалар ҳаракатларининг юкори уйғунлашишини талаб этадиган мураккаб ҳаракат малакаларини осон эгалайдилар. Қизларда

ҳаракат қобилиялари, айниңса, 12-13 сезиларли ривожланади. Жисмоний ривожланиши нормат бўлмагач, баланд бўйли ва тез ўсадиган ўсмирлар одатда ҳаракат малакаларини секин эгаллайдилар. Ортиқча вазнли ўсмирқизлар ҳам ҳаракатларни секин ўзлаштириши билан фарқланади. Спорт билан шуғулланиш ҳаракат малакаларини муваффақиятли эгаллашни таъминлайди. Одатда, ёш спортчилар мураккаб ҳаракатларни тез ва қийналмай ўзлаштирадилар.

Мактаб жиҳозларига қўйиладиган гигиеник талаблар

Мактаб мебели ўқувчи бўйига мувофиқ бўлиши керак. Бу тана вазиятини тўғри тутиб туришга имкон беради ва иш учун қулай шароит яратади. Ўқувчининг гавдаси тик вазиятда, иккала элкаси бир сатҳда бўлиши керак. Оёқларининг таги бутун юзаси билан полга ёки оёқ қўйиладиган тахтага, чаноғи ва сонлари курсига, орқаси эса парта суянчигига тегиб туриши керак. Бу учала таянч нуқтаси туфайли мускулларнинг статик тарангли кам даражага тушади ва тананинг барқарор бўлишига эришилади. Ўқиш ва ёзиш вақтида иккала билакни парта қопқоғи устига эркин қўйиш, тирсаклар эса деярли унинг четида бўлиши керак. Бунда гавда ва бош, иккала кўзнинг вазияти перо учи ёки китобгacha бир хил, кўриш учун энг қулай масофада бўлади. Гавда билан столнинг яқин қирраси орасида 3-4 см очик жой қолиши лозим. Оёклар тизза бўғимида тўғри бурчак ёки ўта паст стол олдида букилган бўлиши керак. Ўта баланд ёки ўта паст стол олдида ўтириш умуртқа поғонасининг қийшайиб қолишига сабаб бўлади.

Шундай қилиб, ўқувчи партада тўғри ўтирганда қорин ва қўкрак бўшлиғидаги органлари қисилмайди, у бематол нафас олади, суяқ-мускул аппаратига юк кам тушади, кўзига зўр келмайди. Болаларда синф тахтасига қараганда бошни фак бир томонга энгаштириш одати борлиги туфайли ҳар бир ўқув чорагида ўқувчиларни парталарнинг бир қаторидан иккинчисига қўчириш тавсия қилинади.

Ўқувчиларни жисмоний меҳнатини ташкил этишга доир муайян гигиена талаблари мавжуд. Булар техник жиҳозлар, хонани шамоллатиш ва микроиқтамига тааллуқлидир. Дастгоҳлар ва верстаклар ўқувчиларнинг бўйига мос келиши, иш вақтида нафас олиш ва қон айланишини қийинлаштиrmайдиган, кўзни зўриқтиrmайдиган ва умуртқа поғонасини қийшайtiрмайдиган тўғри тана вазиятини тана билиш керак. Асбоблар ҳам ўқувчиларнинг кўлига ва кучига мос қилиб танланиши лозим. Агар улар катта ёшдаги одамлар тутадиган асбоблардан фойдаланса, бу аввало, қўл мускулларинг тез толиқтириб қўяди ва суяқ тўқимасини мустахкамлашнинг ўрнига унинг жадал суякланишига олиб келади. Болаларнинг оғир нарсаларни кўтаришига ёъл қўймаслик даркор. Иккита ўқувчининг замбилда кўтарадиган юки 7-8 яшар болалар учун 4 кг дан, 9-10 ёшдаги болалар учун 6 кг, 10-32 яшар болалар учун 10 кг, 13-15 яшар ва 14-16-17 яшар болалар учун 24 кг ошмаслиги керак.

Назарий саволлар

1. Болаларнинг системали равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш асаб системасига қандай таъсир кўрсатади?
2. Болаларнинг системали равишда жисмоний тарбия спорт тури билан шуғулланиш таянч-харакат органларига қандай таъсир кўрсатади?

Таянч иборалар

1. Болаларнинг системали равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишининг асаб системасига таъсири.
2. Болаларни системали равишда жисмоиний тарбия ва спорт билан шуғулланишларининг таянч-харакат органларига таъсири

Адабиётлар

1. Дембо А.Т. «Спортивная медицина». Учебник для ИФК., М., «Медицина», 1990, 1995.
2. Хрухев С.В. «Врачебный контроль физическим воспитанием школьников». М., 1992.
3. Тихвинский С.Б., Хрухев С.В. «Децкая спортивная медицина». М., «Медицина», 1990.

14-маъруза. Жисмоний тарбия билан шуғулланувчиларни текшириш шакллари ва услублари

Режа:

- 1. Одам организмси – функционал тизим эканлиги ҳақида назарий маълумотларга эга қилиш.**
- 2. Юрек қон-томирлар системасининг функционал ҳолатини баҳолаш**
- 3. Ташқи нафас олиш органларини функционал ҳолатларни баҳолаш методлари.**
- 4. Нерв ва нерв - мускул системасининг функционал ҳолатини текшириш методлари**

Одам организмси – функционал тизим эканлиги

Органлар ва органлар системаларини функционал ҳолатини текширишда ҳам, сўраб суриштириш, текшириш методларидан бошланиб, сўнгра объектив текшириш методларига ўтилади, ҳамда пайпаслаб, тукуллатиб, эшитиб кўриш каби объектив текшириш методлари қўлланилади. Ушбу текшириш методларидан кейин хар бир органларнинг системасига хос бўлган текшириш методларидан фойдаланилади. Жумладан юрак, қон-томир системаси, нафас олиш органлари системаси, нерв ва нерв-мускул системаси кабилар. Бу органлар системаси ўртасида касаллик ва физиологик ўзгаришларга энг сезгири юрак қон-томир системаси хисобланади.

Юрак қон-томир системаларини функционал ҳолатини текширишда юрак уриши (томир), артериал қон босимини аниқлаш, электрокардиография, вектокардиография (гипертрофия, реполяризация, гис боғламларидаги бузилишларни 2 та электрокардиография қиласи (горизонтал ва вертикаль ҳолатда), фонокардиография (юракни хажмини аниқлашда ишлатилади), телерентгенография (юракни хажмини аниқлашда қўлланилади), сфигмография (артерия деворини қисқаришишини график ҳолатда ёзиб олади)) ва бошқалар ишлатилади.

Нафас олиш органларининг функционал ҳолатини текширишда комплекс текшириш усуллари қўлланилиб. бунда газлар алмашинуви, аралashiшуви ва артериал қон томирларда кислород ва корбанат ангидриднинг миқдорини аниқланилади. Нафас олиш органларини функционал ҳолатини текширишда ўпкани тириклик сифимини ўлчаш мухим аҳамиятга эгадир. Бунда хавони миқдорини аниқлаиш орқали организмга қанчалик қон орқали кислород ташилаётганини билиш мумкин. Соғлом одамларда ЖЕЛ (ўпканинг тириклик сифими) 1800 -7200 мл гача бўлади. Соғлом кишиларда минутлик нафас олиш сони 14-18 марта бўлиб, бу спортчиларда 10-11 ни ташқил этади. Нафас олишни нафас чиқаришга нисбати 1:1,1 қанчалик узоқ нафас олиш ва нафас чиқариш бўлса, шунчалик газ алмашинуви яхши тартибда бўлади. Нафас олиш 0,3-4,7 секунд нафас чиқариш л-2,6 секунд бўлади.

Нафас олиш органларини функционал ҳолатини текширишда бронх ўтказувчанлиги ҳам катта аҳамиятга эгадир. У эркакларда 5-8 л/секунд, аёлларда эса 4-6 л/секунддан иборат. Нафас олишнинг минутлик хажмини ўлчаш орқали ҳам нафас олиш органларининг функционал ҳолатини аниқланади. Бу бир минут давомида ўпкада алмашган хаво миқдоридан иборат. Бу ўртача 5 л (3-8,4л) дан иборат бўлади. Нафас олиш органларини функционал ҳолатини текширишда рентгенография, флорография каби текшириш усуллари ва биохимик текшириш усулларидан ҳам кенг қўлланилади.

Нерв мускул системасининг функционал ҳолатини аниқлашда электромиография-скелет мускуларининг биопотенциалларини аниқлаш. электромиография-бош мияни биотокларини ўрганувчи метод. Бунда бош мияни турли қисмини электр активлигини харакатини кузатиш электродлар ёрдамида амалга оширилади. электромиография спортчиларни текшириш методларининг чуқур текшириш усулига киради. Бундан спортчилар бош мия жароҳати олганда кенг фойдаланилади.

Юрак қон-томирлар системасининг функционал ҳолатини баҳолаш

Летунов синалмаси.

Ушбу синалмани амалга оширишдан олдин текширувчини 60 секунд (1минут) давомидаги томир уриш сони 6 та 10 секунд асосида бўлинган ҳолатда санаб олинади. Ундан сўнг артериал қон босими ҳам ўлчаб олинади. Летунов синалмасини бажаришда 3 қисмлик иш бажарилади.

1 қисмда 30 секунд давомида 20 марта ўтириб туриш машқи бажарилади. Бунда ўтирганда қўллар олдинга чўзилган дастлабки ҳолатга қайтганда эса қуллар ёнда бўлади. Сўнгра 3 минут давомида, ҳар бир минутни 10 секундларга бўлинган ҳолатда томир уриш сони ва артериал қон босимини ўлчаш йўли билан организмнинг тикланиши аниқланади.

2 қисмда 15 секунд давомида теширилувчи ўрнида максимал тезликда югуриш машқини бажаради. Шундан сўнг эса 4 минут давомида юқоридаги кўрсатилганидек, ҳар бир минутни 10 секундларга бўлиб олган холда, томир уришлар сони ва артериал қон босимини ўлчаш орқали организмни тикланиши аниқланади.

3 қисмда текширилувчи томонидан 3 минутлик, ҳар бир минутига 180 қадамдан иборат бўлган югуриш машқи бажарилади ва 5 минут давомида юқоридагилардек организмнинг функционал ҳолатини тикланиши аниқланади.

Бу синалмани бажаришда қуйидагиларга эътибор бериш керак. Жумладан ҳар бир қисмни бажариш юқорида кўрсатилган тартибда амалга ошиши керак. Бунда 20 марталик ўтириб туриш, 15 секунд югуриш учун организмни тайёрлаб олиш бўлса, 15 секунд югуриш 3 минут давомида, ҳар бир минутига 180 қадамдан иборат бўлган югириш машқи учун организмни тайёрлаб олиш имконияти хисобланади. Бундан ташқари 3 қисмни

бажарганда тажриба бордию, болаларда олиб борилса, уларни жинсини ҳам хисобга олишга түғри келади. Жумладан, қиз болаларда минутига 180 қадамли югуриш машқи 2 минут, ўғил болаларда эса 3 минут давомида бажарилади. Синалмадан олинган натижаларга асосланиб, организм юрак қон-томир системасининг функционал ҳолати ва организмнинг иш қобилияти түғрисида холосага келинади. Бунда томир уришининг ошиши ва босимини ўзгариши ва организмнинг тикланиши даражасига кўра қуидаги жисмоний оғирликларга нисбатан организм реакциялари аниқланади:

1. Норматоник реакция;
2. Гипотоник реакция (астеник);
3. Гипертоник реакция;
4. Дистоник реакция;
5. Поганасимон реакция.

Норматоник реакцияда қуидагилар содир бўлади. Томир уриши сезиларсиз ошади. Юқори қон босими озгина ошади, пастки қон босими эса озгина пасаяди. Организм тикланиши 3-5 минутда содир бўлади. Бу яхши шуғулланмаганларда содир бўлади.

Гипотоник (астеник) реакцияда томир уриши қисман ошади. Юқори қон босим кучсиз ошади, пастки қон босим эса ошиб кетади. Организмнинг тикланиши нормада ёки нормадан юқори бўлади. Бу реакция касаллик ҳолати бўлиб, организм ҳаддан ташқари чарчаганда, касалдан янги турганда ёки спортчи юраги зўриқсан ҳолларда учрайди.

Гипертоник реакцияда томир уриши кескин ошиб кетади. Юқори қон босими эса жуда юқори, пастки қон босими ҳам ошади. Организм тикланиши 5 минутдан ошиб кетади. Гипертоник реакция асосан қари одамларда учрайди, атериосклероз ва гипертония касаллиги билан жабрланаётганларга хос реакциядир. Бу ёшларда эса келажакда гипертония бўлиб қолишини вужудга келтиради. Бундан ташқари ҳаддан ташқари кўп шуғулланганлик ёки тренировкаларни сонини оширилиши натижасидир.

Дистоник реакция томир уриши сезиларли ошади. Юқори қон босим жуда ошиб кетади, пастки қон босим «0» гача тушиб кетади. Организмни тикланиши нормадан кўп. Дистоник реакция ҳам касаллик ҳисобланади. Бу ўта чарчаши, ўта шуғулланиш ва неврозларда ёки юқумли касаллик билан оғриганларда учрайди.

Поганасимон максимал босимни ошиш реакциясидир. Бунда тикланиш даврининг 2-3 минутда юқори қон босими, ишни бажариб бўлгандан сўнги кўрсаткичига нисбатан юқори бўлади. Бу ҳам касаллик ҳисобланади.

Гарвард степ-тести.

Бу тестни амалга оширишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар ёш, жинсига боғлиқ ҳолатда маълум баландликдаги зинапояларга чиқиб тушиш орқали организмларини функционал ҳолатларини текширилади. Зинапоянинг баландлиги эркаклар учун 50,8 см бўлиб, аёллар учун эса 43 см ни ташқил этади. Бу баландликка чиқиб тушиш эркаклар учун минутига 30 марта бўлиб, 5 минут давомда машқ бажарилади. Аёлларда эса

шу юқорида кўрсатилган машғулот 4 минут давомида бажарилади. Ушбу методни болаларда бажарилганда, уларни жинси ва ёш хусусиятларини ҳисобга олинади. Жумладан, 8 ёшгача бўлган ўғил ва қиз болаларга зинапояни баландлиги 35 см дан иборат бўлиб, машқни бажариш вақти 2 минутдан иборат ва бунда минутлик чиқиб тушиш сони 30 мартадан иборатдир, 8-12 ёшгача бўлган болалар ва қизларда зинапоя баландлиги 35 см, бажариш вақти 3 минутлик чиқиб тушиш сони 30 мартадан иборат бўлади, 12-18 ёшли қизлар учун зинапоя баландлиги 50 см, ишни бажариш вақти 4 минут ва минутлик чиқиб тушиш сони 30 мартадан иборат бўлади.

Текширилувчи машқни бажарип бўлгандан сўнг қуидаги формула орқали Гарвард стен-тести индекси (ГСТИ) топилади.

Бу қуидаги формула орқали ифодаланади:

$$ГСТИ = \frac{t \cdot 100}{(f_1 + f_2 + f_3) \cdot 2}$$

Бунда t - зинапояга чикиш-тушиш вақти; f_1 - тикланиш даврининг 60-90 секундлар орасидаги 30 секундлик томир уриш сони; f_2 - тикланиш даврининг 120-150 секундлар орасидаги 30 секундлик томир уриш сони ва f_3 - тикланиш даврининг 180-210 секундларидағи томир уриш сонидан иборатдир. ГСТИ - натижалари 50 дан кам бўлса жуда ёмон, 51-60 гача бўлса ёмон, 61-70 гача бўлса этарли, бордию 71-80 бўлса яхши, 81-90 жуда яхши ва у 90 дан юқори бўлса аъло деб ҳисобланади. ГСТИ- спорт тури оғирлигига боғлиқ ҳолатда ошиб боради. Жумладан гимнастикага нисбатан спорчичи чидамлилик талаб қиласидан турларида юқори даражада бўлади. Жумладан чанғичилар, югурувчилар ва велосипедчилар унинг натижаси 100-200 ва ундан юқори бўлади.

PWC-170 ТЕСТИ

PWC-170 функционал синалмаси текширилаётган кишининг мустақил иш бажариши натижасида, унинг юраги уруши 170 мартагача этишига асосланган бўлиб. СЖОСт - Ранд томонидан кашф этилган. Бунда PWC-170 атамаси инглиз тилида Пхайсисал Воркинг Сапаситй- деган сўзларнинг бош харфидан ташқил топган бўлиб "Жисмоний иш қобилият" деган маънони билдиради.

PWC-170 тести бажарувчининг юрак томир урушига ва мускулни қувватига боғлиқ бўлган синалма ҳисобланади, ҳамда буни бажаришда узоқ вақт шарт-шароитларни талаб килгани учун, бу тестни В. Л. Карпман томонидан соддалаштирилган. Бунга кўра текширилувчига велоергометрга ҳар бири 5 минутдан иборат бўлган 2 та оғирликдаги иш бажартирилади. Бунда велеоргометрнинг айланиш тезлиги минутига 60-70 тани ташқил этиши керак ва бу нагрузкалар орасида 3 минутлик танаффус мавжуддир. Биринчи нагрузканинг қуввати спортчининг вазнига боғлиқ бўлиб, у 300-800 кг метр иккинчи нагрузканинг оғирлиги эса 700-1500 кг метргача бўлади. Текшириш натижалари қуидаги формула орқали аниқланади. Жисмонан кам тайёрланган кишилар учун нагрузка, қуввати PWC-150, PWC-130

ва хоказогача камайтирилади. Олинган натижаларни қуидаги формулага қўйилади

$$PWC_{170} = N_1 + N_2 - N_1 \frac{170 - f_1}{f_2 - f_1}$$

Бу эрда Н №1 ва №2 нагрузкалар қуввати, ф1 ва ф2 лар эса 1 чи ва 2 чи нагрузкаларда кейинги юрак қон-томир қисқариши минутлик сони.

PWC-170 нинг қиймати ёш шуғулланмаган эркакларда 700-1100 кг метр/ъмин., ёки ўртacha ҳар бир тана оғирлигига 15,5 кг- метр/ъ мин. ташқил қиласа, аёлларда бу қиймат 450-750 кг метр мин ёки ҳар бир кг оғирлигига 105 кг метр/ъмин. ни ташқил қиласи. Бу қиймат 8-10 ёшли болаларда 300-430 кг метр/ъминутни, 12-14 ёшларда 550-700, 15-16 ёшларда 700-900 кг метр/ъминутни ташқил этади. Спортчиларни ҳар хил ёшларга бу кўрсаткич юқори даражада бўлиб, 2000-2500 кг метр/мин. чидамлик билан шуғулланувчи спорт турларида ва бошқа спорт турларида эса 1400-2000 кг метръ минутни ташқил этади.

Ташқи нафас олиш органларини функционал ҳолатларни баҳолаш методлари.

Нафас олиш органларини функционал ҳолатини баҳолашда энг муҳим йўналишлардан бири бўлиб, ўпкани тириклик сифимини ўлчаш ҳисобланади. Буни спрометр ёрдамида аниқланади. Ҳозирда спорт соҳасида кенг кўлланиладиган оддий функционал синалмаларига қуидагилар киради.

Розентал синалмаси - бунда текширувчини статик ҳолатда беш марта 15 сек. Оралатиб, ўпкасининг тириклик сифими аниқланади ва улар солиштирилади. Соғлом одам ва тайёргарлик кўрган спортчиларда солиштириш ўпкасининг тириклик сифими бир хилдан иборат эканлигини кўрсатади. Унинг камайиб бориши эса нафас олиш органларида камчилиги бор, чарчаган ва кўп шуғулланган кишиларга хосдир.

Шафрановский синалмаси- динамик синалма бўлиб, бунда олдин ўпкани тириклик сифими тинч ҳолатда ўлчаб олинади, унгача текширилувчи уч минут давомида ўрнида минутига 180 қадамдан иборат югуриш машқини бажаради. Шундан кейин яна ўпкасининг тириклик сифими машқни бажариб бўлгандан кейиноқ ҳамда 1,2,3 минут ўтгандан кейин ўлчанади. Тайёргарлик кўрган спортчиларда ўпкани тириклик сифими юргурдан кейиноқ 200 мл.гача ўзгаради ва 3 мин. ўтгандан кейин организмни функционал ҳолати тикланади. Ёмон тайёргарлик кўрадиган спортчилар ва касалларда бу кўрсаткич 200-500 мл. гача пасайиши мумкин ва 3 минут давомида организм тиклана олмайди.

Штанга синалмаси-бунда текширувчи чуқур нафас олиб, нафас олиш процессини тўхтатади. Бу ҳолатда қўл билан бурнини сиқади, нафас олмасдан анчагача тура олиши аниқланади. Одатда шуғулланмаган шахсларда бу 40-60 секунд, спорт билан шуғулланганларда 60 секунда 2-2,5 минутгача бўлиши мумкин. Тайёргарлик даражасини ошиб бориши билан бу кўрсаткич ошиб боради, чарчаганда эса камаяди. Жисмоний оғирликни текширилувчига таъсирини аниқлашда тинчлик ҳолатда ўпкани тириклик

сифими ўлчаб олинади, сўнгра у 20 марта ўтириб-туриш машқини бажаради. Бу машқни бажаргандан сўнг 1 секунддан сўнг текширилувчи 2 бор нафасини тўхтатади. Бунинг натижасини соғлом кишиларда биринчисига нисбатан 2 баробар камайса, соғлиги ёмонларда 3 ва ундан юқори даражада камайиб кетади.

Генчи синалмаси-(хавони организмдан чиқариб юборгандан сўнг тўхтатиш). Текширувчи тўлиқ нафас чиқариб ва нафас олгандан сўнг яна нафас чиқаради ва хавони олишни тўхтатади. Соғлом шуғулланмайдиганларди бу 20-30 секундни ташқил этади, соғлом спортчиларда эса бу 30-90 секундни ташқил этади.

Агарда Генчи синалмаси, Штанга синалмасидан кейиноқ бажарилса ёки бошқа тест ва синалмаларидан кейин бажарилса уларни бажариш орасида камида 5-7 минутлик дам олиш вақти бўлиши шарт. Чунки бу даврда организм тикланиб олади. Ушбу синалмаларни аёлларга қўллашда эркакларга нисбатан 10-15 фоиз нормаларни камайтириб оламиз. Бу холат бошқа тест ва синалмаларга ҳам хосдир.

Нерв ва нерв - мусқул системасининг функционал ҳолатини текшириш методлари

Ромберг синалмаси - бу нерв системасини бошқариш функциясига асосланган метод хисобланади. Бунда текширилувчини мувозанатини сақлаш хусусияти текширилади. Текширилувчи пойфзалини эчиб бир оёқда туради. Бунда битта оёқ тепасига иккинчи оёқ товони қўйилиб, қўлларини олдинга чўзгач кўзлари юмуқ ҳолатда мувозанат сақлайди. Уни баҳолашда мувозанатни сақлаш қўлларини ва оёқларни титраши кабиларни давомийлиги хисобга олинади. Агарда текширилувчи 15 секунддан ортиқ мустахкам чидамлиликни намоён эза ёки бунда панжалар ва қовоқ титраши содир бўлмаса яхши, 15 секунд давомида мувозанатни саклаб озгина титрашни намоён қиласа қониқарли, 15 секунддан кам мувозанатни сақласа қониқарсиз деб баҳоланади.

Яроцкий синалмаси - бунда мувозанат аппаратини функцияси текширилади. Текширилувчи тик тўрган ҳолатда мувозанат аппаратини функциясини калласини бир томонга айлантириш йўли билан қўзғатади. Каллани айлантириш тезлиги ҳар бир секундига 2 мартадан иборат бўлади. Мувозанатни сақлаш давомида секундлар ёрдамида аниқланади. Буни бажаришда жароҳат содир бўлмаслиги учун страховкани амалга ошириш ёки бажарувчи ёнида бир киши бўлиши шарт. Нормал мувозанатни сақлаш 30 секунд бўлиб, тайёргарлик кўрган спортчиларда бу 90 ва ундан кўп секундни ташқил этади. Ўта чарчаш мувозанатни сақлашни камайтириб юборади.

Ортостатик синалма - бунда вегетатив нерв системасининг симпатик бўлимини функцияси текширилади. Бу нерв системаси қўзғалса, юрак уриши тезлашади. Бордию одам ётган ҳолатдан (клиностатик ҳолатдан), ортостатик (тикка тўрган) ҳолатга ўца, юрак қисқариши ортади. Текширилувчи күшеткага ётади ва 3-4 минутдан кейин 15 секунд давомида

томир уриши аниқланади. Шундан сўнг текшириувчини ўрнидан туради ва яна 15 секунд давомида томир уриши саналади ва олинган натижаларни минутлик томир уришига айлантирилади. Ётган ҳолатдан тўрган ҳолатдаги томир уришлар фарқи 1 минутга 12-18 тагача фарқ қилса, симпатик нерв системасининг нормада эканлигидан далолат беради. 12 дан камайиб кетиши симпатик нерв системасига тормозланганлигидан, 18 дан ошиб кетиши эса уни қўзгалганидан далолат беради.

Клиностатик синалма - бунда вегетатив нерв системасининг парасимпатик қисмини текширилади. Бунда вертикал ёки тўрган ҳолатдан ётган (горизонтал) ҳолатга ўтилади. Бу ҳолатда парасимпатик нерв системасини кузатган бўламиз. Уни қўзғалиши юрак уришини секинлаштиради. Буни амалга оширишда ортостатик синалмани тескариси бажарилади. Меъёрдаги 1 минутлик томир уришини секинлашиши 4-12 ни ташқил этади. Томир уришини жуда камайиб кетиши эса парасимпатик нерв системасини қўзғалиб кетганлигидан далолат беради. Парасимпатик нерв системаси қўзғалса қон айланиш, нафас олиш органли фукцияси секинлашади, ошқозон ичак фаолияти тезлашади. Симпатик нерв системасининг қўзғалиши эса парасимпатик нерв системасига нисбатан қарама-қарши хислатларни вужудга келтиради.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Врач педагог назорати нима ва унинг аҳамияти нимадан иборат?
2. Субъектив текшириш методи нима?
3. Объектив текшириш методларига нималар киради?
4. Функционал синалма ва тестларга нималар киради?
5. Юрак қон-томир системасини қандай текшириш усуллари мавжуд?
6. Нафас олиш органларини қандай усуллар орқали текширилади?
7. Нерв-мускул системасини функционал ҳолатини қандай усуллар ёрдамида текширилади?
8. Биохимик текшириш усуллари қандай объектларда олиб борилади.

15-маъруза. Болалар ва ўспириналар организмига мушак юкламаси ва домий тарзда жисмоний тарбия билан шуғулланишнинг таъсири

Режа:

1. Ҳужайраларнинг функционал резервларига жисмоний машқларнинг таъсири
2. Жисмоний машқларнинг скелет мускуллари ва юрак-томир тизимига таъсири тўғрисида
3. Мускул фаолиятининг ёш хусусиятлари
4. Мускул фаолиятига мослашишнинг болалардаги ёш хусусиятлари
5. Чарчашиб тикланиш даврлари.

Жисмоний тарбия ишлари бевосита кўндаланг ва қатор-қатор жойлашган мускуллар орқали бажарилади. Сўнг хужайра даражасида

(мускулар хужайрасида), бир марта зўр бериладиган жисмоний юклама таъсири остида хужайралардаги ички тузилишлар деформацияси содир бўлиб, юклама тугагач, суперкомпенсация элементларининг ёрдамида яна қайтадан тикланади ҳамда хужайраларнинг функционал резервларини оширишни таъминловчи функционал ва тузилишнинг ўзгаришлари содир бўлиши учун бир стимул хисобланади.

Жисмоний юкламасининг кўп марта такрорланиши ҳамда кўп машқларнинг натижасида хосил қилинадиган кумулятив (жамланган) эффект хар сафарги юкламадан кейин зудлик билан хосил бўладиган машқ эфектларининг қарор топиши хужайраларнинг функционал имкониятларини ўстириш учун зарур шарт хисобланади. Бунинг натижасида хужайралар ички тузилишида тегишли ўзгаришлар хосил бўлишига эришмоқ учун тобора интенсив равишда ўсиб борадиган юклама талаб қилинади. Бу эса хужайраларнинг жисмоний ишга адаптацияси ўсганлигини, машқ қилиш натижасида унинг функционал резервлари ортганлигини кўрсатади.

Жисмоний машқларнинг таъсири остида капилляр тўқималар билан хужайралар ўртасидаги алоқа яхшиланади, мускул тўқималари қондаги кислородни яна ҳам самаралироқ тарзда ажратиб чиқаради, ўзлаштиради ва фойдаланади. Венадаги қоннинг таркибида кислород миқдорининг камайиб кетиши туфайли кислород бўйича артерия – вена қон томирлари ўртасидаги фарқ катталашиб кетади. Ёши каттароқ кишиларда, шунингдек, кам харакатли турмуш тарзи билан яшайдиган шахсларда тўқималар, айниқса мускул тўқималари кислород ўtkазиш қобилиятини йўқотади, жисмоний машқлар эса мана шундай қобилият йўқотилишининг олдини олиб тўхтатиб қолиши мумкин.

Мускуллар мустахкамланган жойларнинг харакатга келиши ва ўша аъзоларда қон таъминотининг фаоллаштириш пайларнинг, бўғин кемирчакларнинг ривожланишига ёрдам беради, суяк ўзидағи пардаларнинг суяк хосил қилиш функциясини оширади. Бу эса ўз навбатида, суякларнинг энига қараб кенгайишига ҳамда скелет суяклари релефининг шаклланишига таъсир кўрсатади.

Машқлар бўғинларнинг, бўғим тўқималарининг функционал холатини яхшилайди. Бунга уларнинг қон билан таъминлашнинг яхшиланиши ҳамда бўғимлар бўшлиғида синовиал суюқлик ажралиб чиқиши ҳам сабаб бўлади. Бу эса бўғим кемирчакларининг озиқланишига ёрдам қиласи ва шу йўл билан хозирги вақтда кенг тарқалган остеохондроз-тоғай ўсмаси, скелетларнинг деформацияси, артроз касалликларининг олдини олишга ёрдам беради.

Функционал ва тузилишининг ўзгаришлари натижасида скелет мускулари юрак-томир тизимиға яна ҳам самаралироқ машқ таъсири кўрсатиш қобилиятига эга бўлади. Жисмоний юкламалар билан боғлиқ қон айланишининг тезлашуви юрак мускулларининг мустахкамланишига ва юрак орқали кўпроқ қон ўтишига олиб келади. Тинч холатда 50 – 60 мл хажмга эга бўлган юрак зарби унга юклама берилиши натижасида машхур спортчиларда 200 мл даражага етиши мумкин. Саломатлиги жуда яхши

бўлган йигит-қизларда жисмоний юкланишдан кейин бу хажм тахминан икки хисса ортиб кетиши мумкин. Саломатлиги унча яхши бўлмаган кишиларда эса зарб хажми жуда оз микдорда ортади ёки хатто, камайиб кетиши ҳам мумкин. Бундай кишиларда юрак хажмининг бир дақиқалик катталашуви, асосан, юрак қисқаришлари тезлигининг ўсиши хисобига содир бўлади ва шунинг учун нисбатан кичик бўлади. Машқ қилиб юрган кишиларда бир хил катталиқдаги жисмоний юкланишлар вақтида юрак мускуларнинг қисқариш тезлиги худди шундай юклама берилиб, машқ қилмаган кишиларнинг юрак қисқариш тезлигига нисбатан камрок бўлади, бундай тезлик баробар келган холларда эса иш қуввати юқорироқ бўлади.

Узоқ масофага югурувчилар, чанғичилар, катта қўчалар бўйлаб ўтказиладиган пойгаларда қатнашувчи велосипедчилар, ориентирчилар юракнинг энг юқори иш қобилияти (70% га қадар) даражасига эришадилар. Рационал равишда машқ қилган вақтда энг кучли спортчи юрагининг массаси камдан-кам холларда ва жуда оз микдорда 500 г. катталиқдаги критик холатдан сал ортиқ бўлади. Юракнинг максимал массасига 30 ва 35 ёшларга борганда эришилади. Бунда чап қоринча пардалари 10 мм дан 13 мм га қадар катталashiши мумкин, юракнинг барча бўлимларида катталashiши гармоник тарзда содир бўлади. Бунда гипертрофия белгилари мўтадил холда ифодалагандир. Спортчи юрагида қон айланishi анча яхшиланади: коронар тизими хар дақиқада (юракнинг бир дақиқалик умумий хажми 401 бўлган холатда) 11 гача қон ўтказа олишга қодир бўлиб қолади.

Юрак мускулларининг машқ қилиши учун (узоқ муддатли) аэробик юкламаларнинг шундай бир шиддатлиги энг самарали деб саналадики, бунда юракнинг зарб хажми энг сўнгти катталигига эришган бўлади, бунда юрак уриши тезлиги: болаларда бир дақиқа ичida 170-180 зарб, йигит-қизларда дақиқа давомида 150-160 зарб, катта ёшли кишиларда бир дақиқа давомида 130-140 зарб бўлишига эришилади.

Скелет-суюк мускулларининг ҳамда юрак мушакларининг иш қобилияти юксалиши билан бирга, қон алмашуви ва мускуллардаги лимфа алмашуви аппаратининг уни барча звенолари – артериялар, капилляр, венула ва веналар, лимфатик томирларнинг функционал имкониятлари ортиб боради. Томирларнинг ва айниқса, капиллярларнинг мускул массаси бирлигига нисбатан бўлган миқдори кўпаяди ҳамда уларнинг хажми катталashiб боради. Бундай ўзгаришлар юрак мушаклари учун айниқса мухим аҳамиятга эга бўлади, яъни короналар қон айланиш аппарати функционал резервларнинг ортиб бориши кенг тарқалган касалликларнинг олдини олишга - юракнинг ишемик касаллиги (коронар касаллик), унинг дахшатли даражада кескинлашиб кетган шакли - миокард инфарктининг олдини олишга ёрдам беради.

Суюк мускуллардаги қон томирлар, айниқса, силлиқ мускулларнинг кўпгина қисмдаги артериал томирлар функционал холатининг яхшиланishi уларнинг рангини ўзгаририш имконини беради ҳамда шу йўл билан артериал тармоқларнинг умумий қаршилигига таъсир кўрсатади, бинобарин, бу артериал босимга ҳам таъсир қиласи.

бири - гипертония касаллигининг олдини олиш ва даволашда мухим аҳамиятга эга бўлади. Жисмоний юкланиш берилган вақтда артериялар кенгаяди, қон юришига кўрсатиладиган қаршилик ҳамда артериялардаги босим пасаяди, бунда марказий ва периферик механизмлар орқали рефлекс тарзida ўтадиган асоратлар камаяди, яъни гипертоник касалликларнинг ривожланиш механизмида (патогенезида) асосий звено хисобланган артериал спазмаларига бўлган мойиллик ҳам камаяди.

Суяк мускулларининг мустахкамланиши унинг "Мушаклар насоси" сифатидаги функциясини кучайтириб, венадаги қон ва лимфаларни харакатга солишга ёрдам беради ва шу кабилар.

Мускул фаолиятида одам организмидаги функцияларнинг ўзгариши фақатгина бу фаолиятнинг ҳарактерига боғлиқ бўлмасдан, балки асосий тизимларнинг имкониятлари ҳамда мослашиш механизмининг ривожланганлик даражасига ҳам боғлиқдир. Бу боғлиқлик одам организмим онтогенизининг даражасини ва мослашиш реакциялари ҳарактерини аниқ шароитда жисмоний юкламаларга нисбатан аниқлайди.

Одам мускул фаолиятини физиологик тахлили шуни кўрсатадики, организмда қуйидаги ҳолатлар рўй беради:

1. **Старт олди ҳолати.** Бу ҳолат жисмоний машқ бажармасдан, ҳали организм ишга киришмасдан олдин содир бўлиб, организмда қатор физиологик ўзгаришлар юзага келиши билан ифодаланади.
2. **Ишга кириш ҳолати**, яъни организм ишни бажара бошлагандан бир неча минут ўтгунича давом этадиган ҳолат бўлиб, органлар тизимлари ишини ортиб бориши билан ифодаланади.
3. **Турғун ҳолат**, бу ҳолат организмнинг иш фаолияти бир қанча вақт давомида бир хилда сақланиши билан ифодаланади.
4. **Чарчаш ҳолати**, организмнинг ҳар қандай фаолияти, у жисмоний ёки ақлий фаолиятми, маълум муддатдан сўнг сусая бошлайди, яъни чарчаш ҳолати юзага келади. Бу ҳолат организмнинг иш қобилиятини вақтингчалик пасайиши билан ифодаланади.
5. **Тикланиш ҳолати**, бу ҳолат организм иш бажариши оқибатида чарчаганидан кейин дам олиш вақтида организмнинг иш қобилиятини ишдан олдинги даражага қайтаришдир. Бу ҳолатда иш бажаришда сарфланган энергия манбалари йигилади, моддалар алмашинувининг тўпланган охирги маҳсулотлари организмдан йўқотилади ва физиологик функциялар ишдан олдинги ҳолатга қайтади.

Жумладан старт олди ҳолатида киши жисмоний машқни бажармасдан олдин унинг организмидаги асосан етарли тезкорликдаги мускул юкламаларида (югуриш, сакраш, сузиш, чанги учиш) қатор соматик ва вегетатив ўзгаришлар содир бўлади. Мускул тўқималарини қўзғалувчанлиги ва кучи ошиши, нафас олишни тезлашиши ва чуқурлашиши, юрак уришни тезлашиши, артериал босим, қондаги қанд микдорини ва тана ҳароратини ошиши кабилар содир бўлади. Бу фаолиятларни вужудга келишида бевосита нерв ва гуморал тизимлар катта аҳамиятга эга.

Старт олди ҳолатини болаларда содир бўлишининг ёшга боғлиқ хусусиятлари бевосита уларнинг марказий нерв тизимининг такомиллашуви ва ҳар хил шароитда турли–туман мускул фаолияти билан боғлиқ бўлган машқлар билан шуғулланиш натижасида ҳосил бўлган шахсий тажрибасига боғлиқ. Старт олди реакцияси кичик ёшдаги болаларда мавжуд бўлмайди. У одатда 7-8 ёшда вужудга келади. Бу реакция сузувчи болаларда шуни кўрсатдики, 6-7 ва 8-10 ёшли болаларда мунтазам шуғулланиш уларни ёш ва малакаларига боғлиқ бўлиб, бу ёшлардаги сузиш билан шуғулланмайдиган болаларда бу реакция содир бўлмаслиги аниqlанган. Бу бевосита феноэлектрокардиография усулида аниqlанган.

Старт олди реакцияси болаларни жинсий етуклик даврида жуда юқори даражада бўлади. Жумладан 13-15 ёшли ўсмиirlарда мускул фаолиятига боғлиқ машқларни бажариш даврида пулсни ошиш даражаси хатто катта кишилардан юқори бўлади. Бу реакция ҳолати даврида болаларда иккинчи сигнал системасига нисбатан биринчи сигнал системаси кўпроқ қўзғатувчанлик таъсирини кўрсатади.

Ишга киришиш даврида одам организмидаги асосан вегетатив тизимнинг янги даражаси вужудга келади ва юқори даражадаги иш қобилият астасекинлик билан вужудга келади. Бунда вегетатив тизимнинг фаолиятини вужудга келиши ҳаракат аппаратини вужудга келишига нисбатан секинроқ содир бўлади. Ўпка вентиляцияси, кислород эҳтияжи, юрак қисқариш тезлиги ва артериал босим ошиши 2-7 минутдан кейин содир бўлади. Бу даврнинг давомийлиги спортчининг шахсий хусусиятларига, жисмоний тайёргарлик даражасига, шуғулланадиган спорт турига, бажарадиган машқларнинг қандай қувват талаб қилинишига ва бошқа омилларга боғлиқ. Машқ қилиб бориш билан спортчидаги тажриба тўпланиб, ишга киришиш вақти қисқариб боради. Машқ қилиш ва мусобақа шароитида танани уқалаш, сув муолажаларидан тўғри фойдаланиш, айниқса, разминка мақсадга мувофиқ бўлиб, оқилона ташкил қилинса, бу давр учун талаб қилинган вақт тузилмайди, қисқа бўлади.

Болалар ва ўсмиirlарда ишга киришиш даврини вужудга келиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу фаолиятнинг қисқа муддатли жисмоний юклама 20-40 марта ўтириб туриш ва узоқ муддатли (3-5 минутли) велоергометрда иш бажариш вақтида кузатилади. Бунда юрак қисқариш вақти камайиши кузатилади. Бу кўпроқ биринчи миокард қисқариш тизимида кузатилиб, натижада бу болаларда дастлабки 5 та қисқаришда – 0,15-0,20 секундни ташкил этса, катта кишиларда эса 0,30-0,50 секундни ташкил қилди. Болаларда минутлик юрак қисқариши 120-136 мартани, катталарда эса 100-110 ни ташкил этди. Буларда дастлабки юрак уриши тегишли ҳолатда 90-94 минутига бўлса, катталарда бу сон 60-70 га teng бўлади. 5-7, 8-10 ва 11-12 ёшли болаларнинг уч гурухида олиб борилган тажрибалар шуни қўрсатдики, уларни юрак қисқариш сонини ошишида ёшга боғлиқ ҳолатдаги сезиларли ўзгаришлар содир бўлмади.

Жисмоний юкламаларга нисбатан болалар организмининг мослашиб бориши бевосита биологик тўқималар реакциясига боғлиқ бўлиб, бу аввало

кардиореспиратор (юрак, нафас олиш) органлари тизимида ўз аксини топади. Чунки бу тизимга организмда мускул фаолияти даврида биоэнергетик жараённи сақлаш ва унинг ички муҳитини (гомеостазни) сақлаш боғлиқдир.

Бунда албатта Марказий нерв тизими муҳим аҳамиятга эга бўлиб, юрак ва нафас олиш органлари шу орқали бошқарилишини ҳисобга олиш лозим. Болаларда турғун иш қобилиятининг вужудга келиши юрак қисқариши ва нафас олишни кўзга кўринарли ошиши, артериал босим ва нафас олиш чуқурлигини кам ўзгариши орқали ифодаланади.

10-11 ёшли болаларда максимал қувватли велоэргометрда охирги даражадаги иш бажарилганда уларни 1 минутлик юрак уриш сони 196 тани ташкил этди (бу катта спортчиларни 90 % кўрсаткичига teng), артериал қон босим фақатгина 145 мм.сим.уст. (кattаларнинг 66 % кўрсаткичига), ўпка вентиляцияси 1,37 л.мин.кг оғирлик массасига (кattаларга нисбатан 58 % га), кислород истеъмоли 47 мл.мин.кг (кattаларга нисбатан 60 % га) ўсади. Умумий ҳолатда PWC170 тести бу ёшдаги болаларда 120 Вт ёки катталарни 50 % кўрсаткичига teng бўлади. PWC170 аниқ ошиши 13-14 ёшли болаларда кузатилади.

Болаларда мунтазам тренировка қилиш ҳам (масалан, сузишда) катталарга ўхшаш организмининг системаларини иқтисодий тежамкорлигини вужудга келтирмайди ва бу кўрсаткич фақатгина 12-13 ёшлардан бошлаб кучсиз ҳолатда вужудга кела бошлайди.

Болаларда чарчашиларни ўрганилган, аммо уларда жисмоний машқларни теозкорлигини ошиб бориши билан биргаликда юрак қон-томир, нафас олиш тизимларининг тезлашишига мос равишда чарчаши ривожланиши кўзатилади. Бу эса болалар организмини қуидаги ёш хусусиятлари билан боғлиқ:

1. Болаларда организмнинг фойдали иш коэффициенти катталарга нисбатан кам бўлиб, бу болаларда 10-12 % ва катталарда эса 18 % ни ташкил этади.
2. Болалар орагнизми анаэроб шароитда бажариладиган мускул фаолиятларига кам мослашган.
3. Болалар организмida қоннинг кислородни бириктириб олиш хусусияти катталарга нисбатан кам, бу эса максимал кислород эҳтиёжини вужудга келтиради.
4. Катталарга нисбатан болалар организмининг углеводлар алмашинувини мукаммалашмаганлиги сабабли хатто ўртacha оғирликдаги мускул фаолиятида ҳам қонда глюкозани миқдорини камайиб кетиши содир бўлади. Аммо бу ҳолатда бола орагнизмida иш қобилиятни пасайиши кузатилмайди. Лекин ўсмирларда тезкор жисмоний юкламалардан сўнг буйрак усти безининг глюкокортикоид функциясини пасайиши кузатилади, бу катта спортчиларда ошиши билан ифодаланади. Болалардаги бу ҳолат организмнинг умумий адаптациясига ўз таъсирини кўрсатади.

Болаларда мускул юкламаларидан сўнг организмни тикланиши ҳам кам ўрганилган. Аммо болаларда шу нарса кузатилганки, уларда кичик ва ўртacha

юкламалардан сўнг вегетатив асаб тизими функциясининг тўлиқ ишга тушиши туфайли тикланиш тезлашган. Бу жараён мунтазам равищдаги тренировка қисми туфайли ошади. Буни эса мактабда жисмоний тарбия дарсларини ва спорт тренировкаларини ўтишда ҳисобга олиш муҳимдир.

Болаларда тикланиш даврининг катталарга нисбатан кучсиз ривожланганлиги сабабли жисмоний машғулотларни якунловчи қисмининг вақтини узайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Одам организмида мускул фаолиятида қандай физиологик ҳолатлар рўй беради?
2. Мускул фаолиятини ёш хусусиятлари нималардан иборат?
3. Мускул фаолиятига мослашишнинг болалардаги ёш хусусиятларига нималар киради?
4. Болаларда чарчаш ва тикланиш даврлари қанда ўтади?

Таянч иборалар

1. Организмнинг мускул фаолиятидаги физиологик ҳолатлар.
2. Мускул фаолиятини ёш хусусиятлари
3. Мускул фаолиятида организмнинг мослашишини ёш хусусиятлари.
4. Чарчаш ва тикланиш даврлари.

Адабиётлар

1. Дембо А.Т. «Спортивная медицина». Учебник для ИФК., М., «Медицина», 1990, 1995.
2. Хрухев С.В. «Врачебный контроль физическим воспитанием школьников». М., 1992.
3. Тихвинский С.Б., Хрухев С.В. «Децкая спортивная медицина». М., «Медицина», 1990.

16-маъзуза. Жисмоний тарбиянинг асосий негизлари. Жисмоний тарбия воситалари ва шакллари

Режа:

- 1. Жисмоний тарбиянинг асосий негизлари**
- 2. Жисмоний тарбия воситалари ва шакллари**

Жисмоний машқларни даволаш мақсадида бошқа воситалар (парҳез овқатлар, физиотерапия муолажалари ва дори-дармонлар) билан қўлланилиши даволаш жисмоний тарбияси дейилади. Даволаш машқларининг қўлланилишида нерв-гуморал система асосий аҳамият касб этади ва бу машқлар таъсирида организмда чуқур руҳий, физиологик ва биохимик ўзгаришлар содир бўлади.

Даволаш машқларининг организмга даволовчи мотор-вицерал механизmlари асосида мотор-вицерал рефлексларнинг аҳамияти катта бўлиб,

бунда мускулга берилган ҳар қандай ҳаракат таъсири марказий нерв системасига боради ва унинг асосида вегетатив нерв системасида кўзғалиш содир бўлиб ўз навбатида ички органларнинг фаолияти тезлашади. Даволаш машқлари таъсирида ички секреция безларидан гармонлар ва метаболитларни ажралиб чиқиши кўпайиб, орган ва органлар системаси фаолиятини ўзгартиради.

Даволаш машқлари организмга 4 хил механизм орқали ўз таъсирини кўрсатади. Бу тетиклаштирувчи, трофик (озиқлантирувчи), компенсатор (ўрнини босиш) ва тиклантирувчи механизмлардан иборат.

Даволаш машқларини ҳамма органлар системаси касалликларида кўллаш мумкин. Аммо касалнинг ўткир ҳолатлари, юқори ҳарорат, кучли оғриқ, кўп қон кетиш ва ўсма касалликларини даволаш даврларида даволаш машқларини қўллаб бўлмайди. Даволаш машқларида гимнастика машқлари, ҳаракатли ўйинлар, енгил атлетика, сузиш, велоспорт ва бошқалардан фойдаланиш мумкин.

Даволаш машқларини ётган, ўтирган ва турган ҳолатда бажарилади. Уларни бажаришда анжомлар: таёқча, сапчиғич, тўлдирма тўп ва бошқалар ва анжомсиз бажарилади. Улар ҳам тайёрлов, асосий ва якунловчи қисмлардан иборат бўлиб, якка ва гурух ҳолатида бажарилади.

Даволаш жисмоний тарбияси даволаш мақсадида жисмоний тарбия воситаларидан касалларни соғлиқ ва иш-қобилиятини тиклаш учун қўлланилиши тушунилади. Даволаш жисмоний тарбияси асосида табиий-биологик мускул ҳаракатланиш усули ётади. Ҳаракат ўсиш, ривожланиш ва организмни шаклланишини кучайтиради, унда мавжуд органлар системани активлигини ҳамда умумий тонусини оширади. Даволаш машқлари таъсирида организмнинг нейрогуморал системасининг фаолияти кучайиши вужудга келади. Даволаш машқларини асосида организм куч-куватини оширувчи (стимуляция) тўқима ва органларни овқатланишини яхшиловчи (трофик) касал органларни функциясини ўзига олиш (компенсатор) ва иш-қобилиятни тиклаш (тиклантирувчи) каби таъсир механизmlари ётади.

Даволаш машқларининг бошқа даволаш воситаларини (физиотерапия, дори-дармон ва парҳез овқатлар) билан биргаликда қўлланилганда унинг самарадорлиги юқори даражада бўлади. Даволаш машқларини қўлланилишида касал организмининг ҳамма системаларида ўз натижасини беради. Аммо уни организмда ўткир патологик (касаллик) ҳолатлар мавжуд бўлганда қўллаб бўлмайди. Жумладан юқори температурада, кучли оғриқ, кўп қон кетиш ва ўсма касалликларида қўллаб бўлмайди.

Даволаш жисмоний тарбия воситалари бўлиб, жисмоний машқ ва табиий омиллари (ҳаво, қуёш ва сув) ҳисобланади.

Даволаш жисмоний тарбиясининг асосий бўғини бўлиб, жисмоний машқлар ҳисобланади. У организмга таъсир қилишига кўра турли-туманидир. Жисмоний ҳаракатлар тушунилади. Уларни қўйидагиларга бўлинади:

1. Гимнастик системалаштирилган шаклдаги машқлар, буларни белгиларга мувофиқ амалга оширилади:
 - A) бажариш фаоллигига;

Б) машқнинг ҳарактерига мувофиқ (тайёрловчи, тўғриловчи, мувозанат сақловчи, нафас олиш ва бошқалар);

В) асбоб-анжомларни қўллаш.

2. Циклик спорт амалий (юриш, тўпни улоқтириш ва илиш, сузиш, эшкак эшиш, чангида учиш).
3. Ўйинли кам ҳаракатли, ҳаракатли, спортчиларни стол тенниси, бадминтон, волейбол ва баскетбол қисмларидан фойдаланиш.
4. Очиқ ҳавода меҳнат қилиш. Табиат омилларида чиниқиши (хаво, қуёш, сув).

Даволаш жисмоний тарбияси асосий шакл ва усувлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- эрталабки гигиеник гимнастика;
 - даволаш гимнастикаси машқлари;
 - миқдорли юқорига кўтарилиш (терренкур);
 - сайёр, экскурсия, яқинга сайёхлик;
 - спорт амалий машқ турлари, ўйинлар;
- даволовчи гигиеник гимнастика организмининг умумий фаолиятини (тонусини) оширади. Шунинг учун шуғулланувчиним ёши ва касаллик хусусиятларини ҳисобга олиш лозим.

Даволаш гимнастикаси даволаш тадбирларини асосни ташкил қиласди. Буни амалга ошириш даволаш муассасаларида олиб борилади. Уни якка ва гурух ҳолатида бажарилади.

Бунда берилаётган юкламаларни даражасини пулс, артериал босим ва нафас олиш сонига мувофиқ бошқарилади. Даволаш гимнастикаси кириш, асосий ва якунловчи қисмлардан иборат бўлиб, ётган, ўтирган, турган ҳолатларда бажарилади. Машқлар ҳаракациз ва ҳаракатли, жисм ва жисмсиз бажарилади.

Даволаш машқларини айниқса, массаж билан биргаликда олиб борилса, унинг натижаси юқори даражада бўлади. массаж одамнинг яланғоч танасига маҳсус усувлар орқали (қўл ва аппарат ёрдамида) таъсир кўрсатишдан иборат бўлиб, унинг гигиеник, косметик, спорт ва даволовчи турлари мавжуд. Гигиеник олдини олишни асосий шакли бўлиб, умумий массажда кенг қўлланилади. Спорт массажи спорт амалиётида спорт формасини сақлашда ҳамда спортчини чарчоғини йўқотиш ва кучини тиклашда қўлланиладиган разминканинг бир тури ҳисобланади. Даволовчи массаж (классик) врач тавсиясига мувофиқ ҳар хил касалликларда қўлланилади. Даволаш массажининг физиологик таъсири – тери ват ери ости клечаткасига қон ва лимфа айланиш системасига, мускул системаси ва бўғим аппаратига ҳамда умумий модда алмашинувига ўз таъсирини ўтказади.

Даволаовчи миқдорий юриш даволаш жисмоний тарбиясининг кўп ҳоллардаги таркибий қисми ҳисобланади. Миқдорий кўтарилиш машқлари юрак қон-томир, нафас олиш, моддалар алмашинувининг бузилиши, таянч ҳаракат аппаратининг бузилиши ва асаб системаси жароҳатларида кенг қўлланилади.

Миқдорий сузиш ва сувдаги жисмоний машқлар ва тренажерлардан фойдаланиш ҳам тиклантирувчи даволаш даврида кенг қўлланилади.

Адабиётлар

1. Дембо А.Т. «Спортивная медицина». Учебник для ИФК., М., «Медицина», 1990, 1995.
2. Хрущев С.В. «Врачебный контрол физическим воспитанием школьников». М., 1992.
3. Тихвинский С.Б., Хрущев С.В. «Децкая спортивная медицина». М., «Медицина», 1990.

17-маъзуза. Массаж – физиологик ва гигиеник асослари, спорт шикастланишларида қўлланиш хусусиятлари РЕЖА:

- 1. Массажнинг физиологик таъсири.**
- 2. Массажга тайёргарлик куриш.**
- 3. Массажнинг умумий техникаси ва методикаси.**
- 4. Массаж усуллари тартиби.**
- 5. Аппаратлар ёрдамида массаж.**

Массаж деб маҳсус усулар билан организм тўқилмаларига механик равишида таъсир қилишга айтилади. Бир неча хил массаж фарқ қилинади:

1. Шифобахш массаж;
2. Гигиеник массаж ва унинг организмни соғломлаштириш ва касалликларни олдини олиш учун ҳамда энг кўп умумий массаж сифатида қўлланилади. Тери функциясини яхшиловчи косметика массажи ҳам шу туркумга киради;
3. Спорт массажи. унинг мақсади организмнинг функционал имқониятларини ошириш ва спортчидаги чарчаш аломатларини бартараф этишдан иборатdir. Ундан (кўпинча ўз- ўзини массаж қилиб) спортчилар спортив чиникишдан олдин разминка қилишда ҳамда чарчаганда фойдаланади.

Массажни физиологик таъсири. Жуда енгил ва юзани массаж қилганда ҳам тери энг сезги нерв рецеплари биринчи галда механик таъсиротдан таъсирланади. Рецепторни таъсирланишига жавобан нерв системасида; қон лимфа айланишида хилма-хил рефлектор реакциялар юзага келади. Массаж рефлекс йўли билан бутун организмга таъсир кўрсатади ва ҳамма орган ҳамма тўқималарда турли ўзгаришларни келтириб чиқаради деб хисобланади. Бу ўзгаришлар даражаси умуман массажнинг ва хусусан, унинг айрим усулларининг методикаси ҳамда техникасига боғлиқ бўлади.

Массаж таъсирида бош мия пўстлоғида тормозланиш процесслар кучаяди. Шуни натижасида муолажалардан кейин одамни мудроқ босади.

Массажнинг турли усуллари унинг дозировкасига қараб нерв системасининг қўзгалувчанлилигига хар -хил таъсир кўрсатиши мумкин. Чунончи, силаш ва ишқалаш қўзгалувчанликни пасайтираса, шапиллатиб уриш ва кафт қирраси билан уриб чиқиш қўзгалувчанликни кучайтиради.

Массаж оғриқни қолдириш мумкин. Массаж механик таъсир қилиб эпидемик пўстлоғини туширади. Массаж туфайли теридағи қон томирлари кенгаяди. Терида қон айланиши ва ёғ ҳамда тер безлари функцияси кучаяди. Массаждан кейин тери қизарип мулойим бўлиб қолади. Массаж қилинаётган тери қисмини температураси кўтарилади.

Массаж таъсирида оксилларнинг терида пайдо бўладиган парчаланиш махсулотлари (гистамин, ацетилхолин) ҳам қон айланишининг яхшиланишига маълум даражада таъсир қилиниши мумкин.

Массаж мускуллариға катта таъсир кўрсатади мускул ва толаларни кисқартириб, мускул хужайраларини ўзида ўзгаришлар пайдо қилади. Мускулнинг чарчаши массаж таъсирида массажсиз дам олганидан эртароқ босилади. Массаж арофияга учраган мускуллар хажмини сезиларли даражада катталаштириб, иш қобилиятини оширади.

Мускулга кўрсатиладиган таъсир лимфа қон оқимининг кучайишига олиб келади. Бу хусусан силаш уқалаш вақтида шишларнинг сурилиб кетишига ёрдам беради. Мускулларда резерф копиллиярлари ишга тушади. Бу копиллиярларга қўшимча қон, демакки кислород ҳам келади. Массаж уқалаётган жойларда қоннинг қайта таксимланишига таъсир қилиш билан бирга юрак ишига ҳам таъсир кўрсатади. Артериал босим билан пулс сал ўзгаради.

Массаж таъсирида оксидланиш процеслари тезлашади, азот алмашинуви кучаяди, безларнинг секретор функцияси зўраяди, сийдик ажралиши ҳам кучаяди. Массаж олган одам яхши ухлайди ва иштахаси очилади.

Массажга тайёргарлик кўриш. Яхшилаб массаж қилиш учун анатомия билан физиологияни билиш, хар бир харакат техникасининг ўрганиб олиш ва уни қачон, қандай қилиш кераклигини тушунишдан ташқари массаж қилишда бир қанча шарт-шароитларга амал қилиш лозим. Массаж қилинадиган хона иссиқ (19-20 градус) ва ёруғ бўлиши керак. Хар бир муолажани ўтказиб бўлгандан кейин кабинетни шамоллатиш керак. Бемор билан массажистнинг вазияти уларнинг иккаласи учун ҳам бир хилда қулай бўлиши керак.

Кабинет керакли жихозланган бўлиши лозим. Қўлларни массаж қилиш учун столча бўлиши керак. Бемор массаж қилинадиган қўлни анна шу столча устига қўйиб ўтиради. Тана ва оёқларни массаж қилиш учун бош томони кўтарилиган, устига селлофан қопланган, қаттиқ күшетка ва иккита эластик ёстиқ бўлиши керак (кушетканинг узунлиги 175 см, энига 60 см, баландлиги 70-75 см). Бўйин билан юзни массаж қилиш учун айланма стул ёки баландлиги 40 см келадиган табуреткадан фойдаланилади. Массаж қилинадиган соҳага етарли даражада бир текисда ёруғлик тушиб туриши керак.

Массаж қилинадиган bemorga xар томондан bemalol ўтирадиган жой бўлиши лозим. Bемор массаж қиладиган одамнинг тиззисидан юқорироқда бўлиши керак. Гавданинг массаж қилинадиган соҳаси ялонгоч бўлади. Бундан ташқари, bemornинг кийимларини ва массаж қилинаётган жойдан қон

Билан лимфанинг оқиб келишига халақит берадиган нарсаларнинг ҳаммасини ечиш керак. Массаж қилишдан олдин тери, томи рва мускуллар ҳолатини кўздан кечириб чиқиш муҳим. Одамнинг массаж қилинадиган жойи ва массажистнинг қўллари тозалаб ювилган бўлиши керак. Массажистнинг тирноқлари олинган бўлиши лозим, узуклар олиб қўйилади. Иш пайтида массажист гаплашмаслиги керак. Массажист чарчаб қолмаслиги учун тўғри нафас олиши, иккала қўлини бир меъерда ишлатса олиши жуда муҳим.

Яхшиси қуруқ массаж қилиш керак (порошоклар ёки мазлар ишлатилмасдан). Узоқ массаж қилинадиган бўлса, терини шилиб юбормаслик учун, одатда куйдирилган талк ёки вазелин ишлатилади. Нам терини қуритиш учун спирт ва эфир билан ёки бутунлай тозаланган бензин билан артиш тавсия этилади. Массаж пайтида беморнинг мускуллари бўшашибган бўлиши керак. Шу мақсадда массаж қилинадиган қўл ёки оёқка физиологик холат берилади.

Массажист одатда, тик турган холатда массаж қиласди. У массаж қилаётган одамнинг ўнг томонида турса жуда қулай бўлади, чап қўл ёки чап оёқни массаж қиласдиган бўлса, массажист беморнинг чап томонига ўтади. Массаж қилинаётган соҳа массаж вақтида қимирамай туриши лозим. Қўл, бўйин ва бош массаж қилинадиган бўлса, бемор ўтказиб кўкрак, орин, орқа ва оёқ массаж қилинадиган бўлса ётқизиб қўйилади.

Массажни одатда, кунига бир марта қилинади. Массаж қилиш муддати хар-хал бўлади. Оёқ-қўлларнинг чекланган қисмлари (қўл панжаси, бита бўғим, билак, болдир) 8-10 минут, қорин 20 минут массаж қилинади. Умумий массажга 40-60 минут вақт кетади. Массаж билан даволаш курси касалликка ва унинг қай тариқа ўтишига боғлиқ.

Умумий массажни овқатдан бир-икки соат олдин ёки овқатлангандан бир-икки соат кейин массаж қилинади.

Массажнинг умумий техникаси ва методикаси. Массажнинг кўпгина усуллари бор, булардан: силаш, уқалаш, ишқалаш, қоқиш, титратиш асосий усуллар хисобланади. Бу усуллар физиологик таъсирнинг у ёки бу хусусиятлари билан фарқланиб, массаждан кутилаётган мақсадга қараб қўлланилади.

Силаш. Оддий усулда икки кул орасига олиб, силаш тафовут қилинади. Оддий усулда силашда қўл панжасини сал теккизиб туриб тери устида силанади. Бунда бармоқ ёки булмаса бутун кафт билан силайверилади. Иккала қўл орасига олиб силашда массаж қилинаётган соҳанинг катта-кичиклигига ва шаклига қараб иккита бармоқ ёки бутун кафт билан силаб борилади. Силаш вақтида баъзида бадан босилади, бу босим чуқуроқда ётган тўқималарга таъсир кўрсатади. Тақасимон массаж деб аталадиган массаж ҳам силашга киради, массажнинг бу хиллари зич фасция билан қопланган мускул группалари бор жойлар (одамнинг орқаси, сон, болдиринг олд юзаси) массаж қилинади. Массаж қилинадиган жой мушт қилиб қисилган қўл панжасининг орқа юзаси билан силаб борилади. Мушт қилинган панжа аста – секин ёзила боради. Одатда лимфа ва вена томирлари бўйлаб силанади. Массаж қилинадиган жойларда шиш бўлса ёки қон

димланиб қолган бўлса, умумий силашни устки қисмлардан бошлаш, кейин эса шикастланган соҳани силашга ўтиш керак. Силаш веналарида қоннинг лимфа ва тўқималараро суюқликнинг юришига ёрдам беради. Массаж қилинадиган жой охиста ва бир маромда бир неча марта, муолажанинг ўртасига келганда бир неча марта тез ва шиддатлироқ силанади. Массажнинг хамма турлари силаш билан бошланади ва силаш билан тутатилади.

Ишқалаш. Юза ва қаттиқ ишқалаш тафовут қилинади. Юза ишқалаш бир ёки бир неча бармоқнинг гўшти билан бажарилади. Бош бармоқ таянч бўлиб хизмат қиласи, бироқ баъзи холларда ишқалаш учун хам шу бармоқдан фойдаланилади. Қорин ва орқка кафт билан ишқаланади. Иккинчи, учинчи ва тўртинчи бармоқлар асосий ёки ўрта фалангларнинг орқа юзаси бир қўл мушти билан ишқалаш усулидан фойдаланилади. Кўпинча иккала қўл билан ишқаланилади. Баъзи холларда иккала қўл бир томонга қараб юргизилса, бошқа холларда қарама қарши томонга юргизилади. Юза ишқалашда тер ива чукурроқда етган тўқималарнинг массаж қилинадиган бармоқлар Билан босиб айлантириб ишқаланади. Ишқалаётган иккинчи кул бармоқлари Билан силаб турилади. Ишқалашда патологик учок атрофидаги тўқималар соҳасидан бошлаб, аста-секин учокнинг узига утилади. Юза ишқалаш массаж қилинаётган тўқималарда қон айланишни кучайтиради. Бу патологик ўзгаришларнинг сурилиб кетишини тезлаштиради. Тўқималарнинг харакатчанлиги ошириб, оғриқни камайтиради. Юза ишқалаш билан бирга гоҳ ишқалаб, гоҳ силаб турилади. Қаттиқ ишқалашда ўнг қўлнинг бош бармоғи массаж қилинадиган жойни босиб туради. Кўрсаткич бармоқ билан ўрта бармоқ эса сал-сал доирасимон ёки эллипссимон харакатлар қилиб аста секин қаттиқроқ ботирила борилади айни вақтда тери ишқалаётган бармоқлар билан бирга сурилади. Битта бармоқ билан хам ишқаласа бўлади. Тўқималарга қаттиқроқ таъсир кўрсатиш учун мушт қилинган қўл панжасининг орқа томони билан массаж қилинади. Лимфа оқимининг қарама қархисига қараб ишқалаш ва иккинчи қўл билан силаб бориш мумкин. Қаттиқ ишқалаганда охиста харакат қилинади. Қаттиқ ишқалашдан мақсад битишма чандиқларни юмшатиш ва тўқималарни мулойим қилишdir. Гемотомалар экссудатлар ёки транссудатларда ишқалаш буорилади лекин бундай кассаликнинг ўткир даври бутунлай ўтиб кетган бўлиши шарт акс холда процесс янгидан қўзиши мумкин.

Уқалаш. Уқалашдан мақсад мускул тўқимасига таъсир кўрсатишиdir. Уқалаш пайтида массаж қилинаётган одамнинг қўли ишқалашдагиги қарши ўлароқ баданда сирғанишдан ташқари терига босилади ва чукурроқда ётган тўқима қатламларини суриб тортади. Бир ёки иккала қўл панжаси баъзи холларда эса иккита бармоқ билан уқалаш мумкин. Иккила қўл билан уқалаганда қўл панжалари массаж қилинадиган жойга, бир-бирига қийшиқ бурчак остида қуйилади. Бунда бош бармоқлар массаж қилинадиган мускулларни бир томонида, қолганлари эса бошқа томонида туриш керак. Айни вақтда массаж қилинаётган тўқималар охиста кўтарилади, босилади ва гўё сиқилгандек бўлади.

Қаттиқ сиқилган қўл панжасини соат стрелка йўналишининг аксига қараб охиста айлантириб, барча мускул ва мускуллар группаси уқаланади. Қўл массаж қилинадиган бўлса (қўл безиллаб турганда, шишиб кетганда) ишқалаш турларидан бири ағдаришдан кўп фойдаланилади. Бу усул бармоқларни ёзган холда қўл кафтлари билан бажарилади, бармоқларни қарама-қарши томонга юргазиб, тўқималар гўё эзгиланади. Мускуллар харакатчанлигини ошириш учун иккала қўл билан кундалигига уқалаш усулидан фойдаланилади. Бунда гавданинг массаж қилинадиган қисми массажистка нисбатан кундаланг йўналишда туради.

Қоқиши. Қоқиш жимжалоқнинг ён томони қўл панжасининг ён томони, букилган бармоқларнинг орқа томони, юмилган холдаги панжа ёки очилган панжа кафти билан бир меъерда бериладиган зарбалардан иборатdir. Бу усулларнинг хар бирида хам панжа билан кафт усти бўғинда эркин харакат қилиш, у массаж қилаётган жой юзасидан 100 см.дан ортиқ юқорига кўтармаслиги керак. Бир минутда бериладиган зарбалар сони 160-200 та улар тезлиги ошган сари, кучи камайиб боради. Бўғимлардаги харакат мулойим бўлиши керак. Зарбалар вақтида массаж қилувчининг қўли тик ёки сал қия туриши мумкин. Кенг холда зарба анча енгил бўлади. Жимжалоқнинг тирсак томони билан қоқилади. Панжа юмилиб мушт холда тушиши керак. Асосий фаланга панжа ўзаги орқали туғриланиб тирноқ фаланги эса букилади. Бармоқлар ёзилиб уларнинг ораларини керак жимжалоқнинг тирсак томони билан қилинадиган массажга чертиб қоқиши дейилади. Бунда массаж қилувчининг тирсак бугими тўғри бурчак хосил қилиб букилган бўлиши керак. Иккала панжа билан бериладиган зарбалар бир-биридан 2-3 см. узокликдаги навбатма-навбат тушиши лозим.

Вибрация. Вибрация- тери ости тўқималари тез хамда бир меъёрда титратиш (силкитиши) харакатлари. Бу усул ёрдамида чукур жойлашган орган ва тўқималарга тасир этиш мумкин. Вибрация қўл ёки маҳсус аппарат ёрдамида бажарилади. Қўл вибрациясида массаж қилувчи бир бармоқ ёки бир нечта бармоқ учларининг юмшоқ қисмини босиб, билак кафти усти бугимини ёки тирсак бугими ёрдамида қўлни титратади. Одатда, қўл вибрацияси нерв тармоқлари ва тармоқчалари йўналишида бажарилади. Бадан қисмлари кафт ёрдамида вабирацияси фойдаланилади.

Массаж усуллари тартиби. Массаж умумий ва маҳаллий бўлади. Умумий массажда бутун гавда маҳаллий масажда гавданинг айрим қисмлари массаж қилинади. Хар бир массаж усуллари малум тартибда олиб борилади. Массаж силашдан бошланади, кейин ишқалашга ўтилади, сўнгра уқалаш, қоқиши ва яна силаш билан тугалланади. Одатда, умумий массаж қўл оёқни массаж қилишдан бошланади. Массаж қилинувчи киши чалқанча ётади. Массаж куйидаги тартибда олиб борилади: оёқ панжаси, болдири, хар иккала сон, сўнгра қўл панжаси, билак, ўнг ва чап елка ва нихоят кўкрак. Шундан кейин массаж қилинувчи киши қорнини ерга босиб ётади. Унинг оёқ

панжаси, болдири, сони, хар иккала думба сохаси, сўнгра орқаси массаж қилинади. Умумий массаж қорнини силаш билан тугалланади. Бўғимлар массажи силаш ва секин харакатлар қилиш билан чегараланади. Умумий массажнинг ўртача муддати 50 минут.

Массажнинг хусусий методикаси. А). Қўлни массаж қилиш. Қўлни массаж қилишда массаж қилинган соха танадан ён томонга 15-20 градус ва олдинган 60-70 градус букиб қўйилади. Билак тирсак бўғими ичига ўтмас бурчак хосил қилиб, қайрилган панжа елка билан бир хил баландликда туради. Қўл массажи қуйидаги тартибда олиб борилади: дастлаб бармоқлар алоҳида-алоҳида массаж қилинади, сўнгра панжа, билак кафт усти бўғими, билак тирсак бўғими, елка ва нихоят елка бўғими массаж қилинади. Панжа сохасини массаж қилишда силаш ва ишқалаш усуллари, елка ва билак сохаларини массаж қилишда силаш ва уқалаш, қоқиш ва шапатилаш усуллари қўлланилади. Лимфа томирларини йўналиши ва лимфа тугунларининг жойлашишига қараб, силашни панжадан бошлаб қўлтиққача давом эттириш керак. Қўл панжаси массажи бош бармоқнинг юмшоқ қисми билан орқа томонидан, кўрсаткич ёки ўрта бармоқ билан кафт томонидан айланма харакат қилиб, бармоқ фалангларини силаш ва ишқалашдан иборатдир.

Билак кафт усти бўғимини массаж қилишда кафтдан бошлаб билак бошдан оёқ айлантириб силанади, бунда беморнинг қўл панжаси gox пронация, gox сипинация холатига келтирилади. Бир оз силангандан кейин кафт бўғимининг ён томонлари бўғим йўли тирсак ва билак суюкларининг бигизсимон тармоқлари орасида жойлашган. Бўғимларнинг баъзи касалликларида, одатда, бу йўлга суюқлик йиғилиши туфайли шиш пайдо бўлади. Ишқалаш бош бармоқларининг аста-секин айланма харакати ёрдамида бажарилади. Бунда бош бармоқларнинг хар иккала ён сатхидан бўғим халтачасига томон йўналиши бўйича харакат қилиши керак. Ишқалашдан сўнг силашга ўтилади, сўнгра билак мускуллари уқаланади. Қўлни кафт ва орқа томонга аста-секин бир-неча марта букилади.

Билакни массаж қилиш кафт томонидан билак кафт устки бўғимидан бошлананади. Массаж синаш, уқалаш, яна силаш ва қоқишдан иборат. Массаж қилувчи bemor қўл панжасининг тирсак қисмини чап қўли билан ушлаб, супинаторлар группасини ўнг қўли билан тутади. Массаж қилувчининг бош бармоғи дастлаб тирсак суюги бўйлаб, қолган бармоқлари эса ёзувчи ва букувчи мускуллар орасидаги пушталар бўйлаб сирғанади. Бош қолган бармоқлар елканинг ташқи дунгчasi остида учрашади. Массаж қилувчининг бош бармоғи билан кафт устидан билак суюги бўйлаб сирғалади, қолган бармоқлар эса тирсак суюги бўйлаб харакат қиласи, бош бармоқ ички дунгча олдида қолган бармоқлар билан учрашади.

Тирсак бўғими массаж қилинганда 3 бошли ва 2 бошли мускулларнинг бириккан жойидан билак айлантириб силана бошланади. Силашдан сўнг бўғимнинг орқа қисми иккала бош бармоқни айланма

харакат қилиниб ишқаланади. Ишқалаш ён сиртларидан тирсак учигача булган йўналишда давом эттирилиб, юқорига яъни З бошли мускулнинг пай учларига ва тескари йўналишда ўтказилади. Сўнгра бўғимнинг олд юзаси уқаланади. Бунинг учун массаж қилинувчининг билагини 90 градус бурчак остида букиб, 2 бошли мускул пайлари бўшашибилади. Массаж қилувчи бир қўли билан тирсакдан юқоридаги елка суягини, иккинчи қўли билан билакнинг пастки учдан бир қисмини ушлаб туради.

Елкани массаж қилиш . Букувчи мускуллар соҳасини ва делтасимон мускулларни массаж қилишдан иборат. Дастреб ёзувчи мускуллар сўнгра букувчи мускуллар массаж қилинади. Уч бошли мускулни тирсакка уланиб турган жойидан ушлаган холда юқорига қараб боради ва бармоғи икки бошли мускулни ташқи пуштаси бўйлаб, сўнгра эса делтасимон мускулларни устки қисми бўйлаб сирғанади. Барча бармоқлар қўлтиқда учрашади. 2 бошли мускулни массаж қилишни тирсак бўғимнинг пастидан бошлаб қўлтиққача давом эттирилади. Массаж қилувчининг ўнг кафти 2 бошли мускул сиртига жипс туруши керак. Агар делтасимон мускул яхши ривожланган бўлса, у ўртадан ўтувчи пай пластинкасига мувофик икки бўлакка бўлинади. Хар бир бўлак алоҳида-алоҳида массаж қилинади.

Елка бўғими массажи. Массаж қилинадиган кишининг қўли З холатда турганида қилинади. Массаж делтасимон мускулларни силаш ва уқалашдан бошланади, сўнг бўғим халтачасини олд қисмини ишқалашга утилади. Бунинг массаж қилинувчи беморнинг қўлини орқасига қайириб қўяди, бу хол бармоқни бўғим халтачасига етказишга ёрдам беради. Массаж қилувчи беморни орқасида туриб бўғим халтачасини бармоқларини айланма харакат қилдириб уқалайди, олдинга чиқиб туради. Кейинчалик бўғим халтачасини орқа томонини массаж қилишга ўтилади. Бунинг учун массаж қилинувчи бир қўлини иккинчи елкасига қўйиб туради ва пастки қисмини массаж қилишга киришилади. Бунда бемор массаж қилинадиган қўлини массаж қилувчининг елкасига қўяди. Массаж қилувчи елка учини иккала қўлини тўрт бармоғи учлари билан ушлайдики натижада унинг бир панжасини турт бармоғи орасида , бош бармоғи эса қўлтиқда жойлашади. қўлтиқ бош бармоқлар орасида айланма харакатлар билан массаж қилинади , лимфа тугунлари массаж килинмайди. Шундан сўнг қўл бўш турганда иккала елка дунглиги орасидаги тарновча ўрта бармоқлар ёрдамида ишқаланади, буғим соҳаси, делтасимон мускуллар силанади, умров суягининг қўкрак суяги билан бирлашган жойлари массаж қилинади. Массаж елка бўғимида актив ва пассив харакатлар қилиш билан тугалланади.

Оёқни массаж қилиш. Оёқни массаж қилишда бемор ётқизиб қўйилади. Оёқнинг олд қисми массаж қилинса, бемор чалканча ётқизилади. Орқа томони массаж қилинганда эса орқасини угурниб ётади. Одатда массаж икки қўл билан бажарилади. Оёқ массажи панжасини оёқ бармоқлари билан бирга бодир оёқ панжаси бўғими, болдир, тизза бўғими, сон, думба, тос-сон бўғими ва нерв тармоқларини массаж қилишдан иборатdir. Оёқ панжаси массажи бармоқларни сила ва уларни аста сикин

харакатга келтириш билан бошланади. Айни вақтда оёқ панжаси устини массаж қилишга ўтилади. Бармоқларнинг асосидан юқори қисмига тизза бўғими, бодирни ташқи, сути қисмигача кафт билан силанади. Силашдан сўнг ҳар бир бармоқ пайлари ва суяк ораси мускуллари массаж қилинади. Оёқ кафтини массаж мушт билан силаш, юмилган панжасини бармоқ фаланглари орқали ишқалаш, иккала қўл уқалаш, бош бармоқ ва жимжилок мускулларини массаж қилиш, товоннимуштнинг орқа томони билан сила ва муштнинг тирсак томони билан шапалатлашдан иборатдир.

Оёқни панжасини болдир бўғимини массажи айлантириб силаш йўли билан оёқ панжаси орқасидан бошланади. Ахил пайларининг силаш иккала томони тупиқ атрофи ва бўғим халтачасининг иккала ёни олд ва орқа томонлари иккала қўлнинг бош бармоқлари билан уқаланади. Уқалашдан сўнг силанади ва массаж бўғимдаги кучсиз харакатлар билан тугалланади. Болдир массажи иккала қўл билан умумий массаж қилишдан бошланади. Шундан сўнг мускулларнинг алоҳида гурухларни массаж қилишга ўтилади. Болдирнинг мускул гурухлари унинг устки учидан икки қисмида яхши ривожланган бўлади. У қуйидаги гурухларга бўлинади. Олд катта болдир мускули ва ёзувчи мускул гурухи, ён кичик болдир мускули ва орқа болдир мускуллари. Олд гурух мускуллар ташқи тупиқдан тизза бўғимигача массаж қилинади. Бош бармоқ катта болдир суяги тароги бўйлаб қолган бармоқлари эса кичик болдир суяги бошчаси ва ташқи тупиқнинг олд уни ўртасидаги чизиқ бўйлаб харакат қиласди.

Ён группа мускулларининг массажи. Ташқи тупиқдан бошланади. Бош бармоқ юқорига кичик болдир билан болдир мускуллар ўртасидаги чегара чизиғи бўйлаб харакат қиласди. Орқа группа мускуллари икки қисмга: ташқи орқа (болдир мускулларининг ташқи ярми) ва ички орқа группага (катта болдир мускуллари ва бармоқларни букувчи мускуллар Билан мускулнинг ички қисми)га бўлинади. Ташқи орқа группа мускулларини массажи товондан бошқалари орасига пушти орқали харакат қиласди қолган тармоқ бармоқлар эса ахил пайлари бўйлаб давом этади бакрча бармоқлар шу ерда учрашади ички орқа группа мускулларини массаж қилишда бош бармоқ катта болдир суягини ички қисмида харакат қиласди қолган бармоқлар эса ахил пайларидан болдир мускулнинг бошчалари орасидаги чукур эгат бўйлаб боради массаж силаш уқалаш, ишқалаш ва силашдан иборат кўпинча қўл билан уқаланади бу вақтда тери остида тўқималари бош ҳамда кўрсаткич бармоқлар билан қаттиқроқ ушланади. Тизза бўғимини массаж қилишда дастлаб сон соҳасидаги ёзувчи ва букувчи мускуллар айланма харакат қилиб иккала қўл билан силанади сўнгра бош бармоқлар ёрдамида тизза бўғимининг халтачаси айлантириб ишқаланади тизза қопқоғи бўйлаб бўғим чукурчасига тушилади сўнгра тўқимага борилади тизза қопқоғи томон қайтилади ва тизза қопқоғи билан катта болдир суяги орасидаги бойлам орқали катта болдир суяги томон қайтиладжи бўғим халтасининг орқа томонинг уқалашда бемор оёғини болишга қўйган холатда қорин билан

ётади. Уқалаш, силаш билан алмаштириб турилади массаж секин аста тугатилади.

Сонни массаж қилишда куйидаги мускул группалари хисобға олинади олд асосан турт бошли мускул)ташқи ен (сербарфацияни тортиб турувчи мускул)ички ен (яқинлаштирадиган мускуллар) ташқи орқа(икки бошли мускул Ва ички орқа (ярим пай ва ярим пардасимон мускул)олд группа мускулларининг массаж қилиш да массаж қилувчи уз кафтини болдирилдинг тизза бўғимининг пастроқдагиси қисми устига қўйилади ўнг сони массаж қилишда массаж қилувчининг ўнг қўл бармоғи тизза қопқоғини ташқи четидан ёнбош суягини олдинги устки қисмiga катта кустнинг олдинги кирраси орқали ўтади қолган бармоқлари эса тизза қопқоғини ички четидан сирганиб енбош суягини олдириънги устки қисмiga босади. Ташқи ён группа мускулларининг массаж қилишда bemor қарама қарши ёнбоши билан ётади массаж қилувчининг қўли кичик болдири суяги бошчасидан катта куст орқали устки олдинги тўсиққа боради. Ички ён гуруппа мускулларини массаж қилишда рос сон ва тизза бўғинлари салгина эгилган холда туриши керак. Массаж қилувчи бир гуруппа мускулларни бир қули билан ушлайди унининг бош бармоғи тўрт бошли ва сонни бир бирига яқинлаштирадиган мускуллар орасида сирғанади, бошқа бармоқлар эса катта болдири суягининиг ички дўнглигига қон битишмасининг пастки қисмiga боради ва у ердан чов бурмасига, ёнбош суякнинг устки –олдинги устига ўтади. Сиртқи орқа мускуллар гурупласини массаж қилишда массаж қилувчи ўз қўлини bemor тизза бўғимининг пастига қўяди ва уни юқорига томон олиб боради. Бош бармоғи тақим ўртасидан букувчи мускулларнинг ташқи ва ички гуруппалари орасидаги пушти бўйлаб харакат қилади, қолган бармоқларни эса кичик болдири суяги бошчасидан катта кустга қараб сурниб боради. Орқа ташқи мускуллар гурупласини массаж қилишда хам худди шундай харакатлар қилинади, қолган бармоқлар эса кичик болдири суяк бошчасидан катта кустнинг орқа чеккасига, бармоқлар тўқнаш келадиган думба бурамасига томон харакатлантирилади. Сон мускулларини массаж қилишда, силаш, уқалаш, ишқалаш усувлари сони бир-бирига яқинлаштирадиган мускулларни массаж қилишда шапатилаш усули, тўрт бошли мускулни массаж қилишда эса шапатилашдан ташқари эса кертиш ва қоқиши усувлари хам қўлланилади .

Тос-сон бўғимини массаж қилиш дунба мускуларини тез силаш, уқалаш ва шапатилашдан иборат. Тос-сон бўғимининг халтачасини деярли массаж қилиб бўлмайди, чунки бўғим калин мускул қатлами остида жойлашган бўлади. Шунинг учун тос-сон бўғими аста секин силанади.

Думбани массаж қилишда олдин ёнбош қисми сўнг дунба сохаси силанади. Бунда массаж қилувчининг қўли мускул толалари бўйлаб, думгазадан катта кустга қараб фақат кустдан юқорига, ён бош суягинининг учиға қараб боради. Сон сохасидаги куймич нерви массаж қилинади. Бунда тақим ўртасидан куймич дунглиги ташқи чеккасига томон кетган йўл бош бармоқлар билан силанади, икки бармоқ билан уқаланади ва муштум билан

айланма харакат билан эзилади ва қоқилади массаж охирида тос-сон бўғими аста силанади ва куймич нерви тортилади. Тортиш тизза ва тос-сон бўғимларини букиб, қоринга яқинлаштирилган оёқни тез туғирлашдан иборат. Думба массажи умумий силаш, уқалаш, ишқалаш ва яна силаш ҳамда икки қўл ёрдамида шапатилаш билан тугаланади. Айрим холларда актив харакат ва қаршилик кўрсатувчи харакатни қўллаш мумкин.

Орқани массаж қилиш. бу ўзига хос, айрим хусусиятларга эга. Лимфа томирлари пастга яни белдан чов лимфа тугунларига йўналади. Юқорига эса умров усти билан сохалари лимфа тугунларига боради. Орқа куракларни пастки учларидан то охирги қовурғаларигача давом этадиган иккита лимфа системаси бор, булардаги лимфалар хар-хил йўналишда: бирида юқоридан пастга, иккинчисида пастдан юқорига оқади. Шунинг учун узун мускуллар икки томонлама юқоридан пастга ва пастдан юқорига массаж қилинади, орқада узун мускуллардан ташқари яна сербар мускуллар ва терапециясимон мускул ҳам бор, булар елка бўғимига томон харакат билан массаж қилинади. Орқанинг узун мускуллари икки қўл билан силанади. Орқа мускулларини ишқалашда тароқсимон массаж қилинади, уқалашда эса тери билан мускул бош бармоқ ва бош бармоқлар орасига қисиб олинади. Умуртка поғонасининг ёnlари бош бармоқнинг юмшоқ қисмлари ёрдамида босим билан вибрация қилинади. Орқа массаж кертиш ва шапатилашдан сўнг силаш билан тугалланади

Кўкракни массаж қилиш. Кўкракдаги катта кўкрак мускуллар, қовурғалараро мускуллар ва олдинги тишсимон мускуллар массаж қилинади. Катта кўкрак мускуллари толаси икки йўналишда давом этади, шунинг учун бу мускулларни массаж қилишда иккала қўлнинг кафтлари тушда қўлтиқа томон ва тушдан елка бўғимларига томон харакат қиласи. Бунда сут бези атрофини айланиб ўтиш тафсия қилинади. Кўкрак массажи силаш, уқалаш, яна силаш, бир қўл билан шапатилашдан иборатdir. Қовурғалар орасини массаж қилишда беморнинг қўли тепага кўтарилиган бўлади. Массажда бош бармоқ ёки кўрсаткич бармоқнинг ён томони билан силанади, уқаланади, шапатиланади, вибрация қилинади. Тушдан қовурға ораси бўйлаб, қултиқа томон массаж қилинади. Қовурғалар ости нервлари туш четида ва қўлтиқ ости йўли бўйлаб вибрация қилинади. Олдинги тишсимон мускуллар массаж килинганда bemor ён бошлаб ётиши, қўлини орқага кериб, панжасининг орқа тоссимон бел соҳасида туриши керак. Массаж қилувчи bemornинг ён томонида туриб, қўлини унинг ён бошига шундай қўядики, натижада кафтининг асоси bemornинг икки ва уч қовурғалари орасидаги қўлтиқ ости чизигида жойлашади. Силаш ва уқалаш ишлари кўкраги томон қия йўналишда олиб борилади. Кўкракни массаж қилишда bemor нафас олиш ва чиқариш машқларини бажаради. Массаж қилувчи bemornинг орқа томонида туради. У трапециясимон ва энса-умуртқа поғонаси мускулларини тепадан пастга ҳамда ён томонга силайди. Бўйин эса мускулларнинг туташадиган жойларини бармоқ учлари

билинади . Трапециясимон ва энса мускунлари ҳам уқаланади. Бўйин, бўйинтуруқ венани босмасдан мулоим бир маромда силанади .

Бошни массаж қилиш. Бошни соч ўсиши йўналиши бўйлаб массаж қилинади, чунки сочнинг ўсиши йўналиши лимфа томирларида турди. У дастлаб 2 қўлнинг кафти билан силанади. Бунда қўллар ўксимон чокнинг тепастида параллел холда турди. Бир вақтнинг ўзида қарама–карши йўналишда массаж қилинади. Сўнгра кафтлар бир-бiri билан бошнинг ён томондан томонида учрашади ва қулоқ орқаси билан бўйинга томон силанади. Бошнинг энг тепасидан сочи қисми чегарасигача бўлган радиус бўйича бошнинг ҳамма қисми қисқа лекин тез тўлқинсимон харакат билан қоқилга ўтилади. Массаж умумий силаш қоқиш ёки эластик виратор ёрдамида вибрация қилиш билан тугаланади. Бош массажи соч тиклагандага терисини озикланишини яхшилашда шунингдек мигренъ кассалигида қўланилади. Массажнинг муддати дастлаб 5 минут бўлади кейин аста секин 10- 15 минутга етказилади.

Юзни массаж қилиш. Юз массажи юзнинг лимфа томирлари бўйлаб қилинади. Улар юзнинг ўрта чизифидан бошлаб, хар икки томонларга томон туташади ва бўйинига қулоқ олди ва чанг ости лимфа томонларига томон туташади. Пешанани силаш пешана орти чизифидан бошлаб бошни сочи черларига паралел йўналишда юқорига томон боради. Лунж бурнидан қулоқка томон ва пастки жаффа томон ишқалаш бармоқлар учлари билан бажарилади. Калла нервларнинг чиқиши жойлари олдин силанади, кейин вибрация қилинади. Юзни силаш юзни косметик массаж қилишнинг асосий усули хисобланади. Даствлаб юзнинг териси буғлатилади, юзга парафин қоп кийдиралади ва бошқа косметик муолажалар бажарилади. Массаждан кейин одатда махаллий дарсонвализация усули қўланилади.

Косметик массаж усули тери озиқланишини яхшилаш, унинг мускуллари функциясини ошириш мақсадида қўланилади. Массаж қилишда умумий кўрсатмалар ва бунга монелик қиласидан холлар. Юмшоқ тўқималар суюклар ва бўғинлар механик заарланганда ёрилганда суюк синганда ва пайлар чўзилганда уларнинг хроник яллигланишда процесслар (махалий шишлар хроник инфильтрлар бўғинлар касалликлари) давом этаётганда спастик ва суст фалаж, радикулит мускуллар атрофи ичаклар антониясида махаллий массаж қилса бўлади. Беморларда моддалар алмашувини кучайтириш зарур бўлганда масалан семириш ва бошқа касаликлар да умумий массаж қилиш мумкин. Кучли истима холатида, қон кетганда, қон оқувчанликда, тошмалар тошганда, эгземада, чипқон чиққанда, йирингли ва сил касалликларда ва бўғимлар касалликларда (анаравизмларда вена қон томирларда варикос кенгайганда лимфангитларда) кучли яллигланиш прецесс (апендитцит жигарни яллигланиши буйрак ва сийдик йўлларига тош келганда хавфли ўсмалар пайдо бўлганда) психозларда массаж қилиб бўлмайди.

Аппаратлар ёрдамида массаж қилиш. Аппаратлар ёрдамида қилинадиган массаж қўл билан бажараладиган массаж қўшимча чора бўлиб

массаж қилувчи ходимнинг қўл меҳнатининг қисман осонлаштиради. Массаж қилишнинг бир маромида бажариш ва алохида массаж усулларидан унумли фойдаланиш имконини беради. Вибрацион массаж аппарати кенг қўлланиладиган бўлиб қолади.

а) Вибрацион массаж аппарати. Қўлда кўтариб юриладиган аппарат вибратор ва унга ўрнатиладиган наконечникдан иборат бўлиб, электрон матор билан харакатга келтирилади. Наконичник-вибраторларни зичлиги хар-хил материаллардан турли шаклдан келиб чиқарилади. Массаж қилиниши лозим бўлган соҳанинг тапографияси ва чуқур таъсир этиши зарурлигиги қараб турли вибраторлар қўлланилади. Бу аппаратор ёрдамида вибрация тезлиги ва интесинлигини бошқариб туриши мумкин. Оғриётган жойларнинг массаж қилиб, массаж таъсирини чуқуроқ ва кучини тобора ошиб бориши эҳтиёжи туғилган холларда, лекин қўл массажи билан буни амалга ошириш қийин бўлганда массаж қилиш аппаратори билан вибрацион массаж қилиш усулидан фойдалинилади. Вибрацион массаж қилиш усули чуқур жойлашган орган ва тўқималарга таъсир этиши учун шунингдек мускуллар касалликларида қўлланилади.

Б). Пневмомассаж, тўқималарга механик тасир этиш учун ўзгарувчанг хаво босимидан фойдаланадиган бир неча типдаги аппаратлар бор. «Трактор» типидаги аппарат жуда қулайдир. У хаво компрессори ва хар-хил хажмдаги иккита банка билан туташтирилган икки томонлама ишлайдиган насосдан иборат. Банкалар гавданинг даволаниши лозим бўлган соҳаларига ўрнатилади. Бу аппарат ишлаган вақтида банкаларда манфий босим хосил бўлади. Массаж қилиш эффекти вакуум кучини ритмик равишда кўтарилиб ёки пасайиб таъсир этишидан иборат. Вакуум кучи даражаси аппаратдаги маҳсус вакумметрлар ёрдамида белгиланади. Бундай массаж кўчириб юриладиган ва кўчирилмайдиган усулларда бажарилади. Банка ичига тортилиб турган терида димланиш гиперемияси хосил қилинади ва унда маҳаллий қон қуилиш ходисаси рўй беради. Муолажа кун ора ёки хар куни 30 минут давомида ўтказилади. Даволаш курси 10-12 муолажа.

Пневмомассаж радикулитлар, миолгия, миозит, ичак атонияси ва кичик чаноқ органларидаги яллигланиш процессларида қўлланилади.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Массаж, унинг физиологик таъсири ва турлари нималардан иборат?
2. Массаж қандай амалга оширилади?
3. Массажни қандай хусусий усуллари мавжуд?
4. Массажни умумий кўрсатмалари ва бунга монелик қиласиган холлари нималардан иборат?
5. Аппаратлар ёрдамида массаж қилиш усулларига нималар киради?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

1. Массаж, унинг физиологик таъсири .
2. Массажга тайёргарлик кўриш.

3. Массажнинг умумий усуллари ва техникаси.
4. Массаж усуллари тартиби .
5. Массажнинг хусусий усуллари.
6. Кўлни массаж қилиш.
7. Оёқни массаж қилиш.
8. Думба ва орқани массаж қилиш.
9. Кўкракни массаж қилиш.
10. Қоринни массаж қилиш.
11. Бўйин, бош ва юзни массаж қилиш.
12. Массаж қилишга умумий кўрсатмалар ва монелик қиласидиган холлар.
13. Аппарат ёрдамида массаж қилиш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. Рихсиева О. А., Сайдов Т. М., Нурмуҳамедов К. А., Рихсиев А. И. Массаж. Тошкент, «Абу Али Ибн Сино» номли нашриёт. 1996.
2. Дубровский В. И. «Лечебная физическая культура» Учебник для студентов вузов: - М. Гуманит. Изд. Сентр. ВЛАДОС, 1998.
3. Спортивная медицина, лечебная физическая культура и массаж (Под. Обх. Ред. Проф. С. Н. Попова) М. Фис, 1985.
4. Дубровский В. И. Лечебный массаж. - М. , Медицина. 1995.

18-маъзуза. Шикастланишларда ва таянч-харакат аппарати касалликларида даволаш жисмоний тарбияси

Режа:

- 1. Бўғим касалликларида даволаш машқлари**
- 2. Қомат бузилганда даволаш жисмоний тарбияси.**
- 3. Скалиозда даволаш жисмоний тарбияси**
- 4. Яssi оёқликда даволаш жисмоний тарбияси**

Организмда таянч-харакат органлари таянч ва ҳаракат вазифаларини бажаради. Таняч-харакат органларига кўп ҳолларда ташки мухит, касаллик тарқатувчи микроб ва бошқалар таъсир қиласиди, натижада ҳар хил касаллик ҳолатларини вужудга келтиради. Бундай ҳолатларда даволаш машқларини қўллаш асосланган. Шу билан бирга даволашни бошқа турлари ҳам кенг қўлланилади.

Жароҳат олган касалларда соғлиқни тиклашни тўртта даври мавжуд бўлиб, уларни давом этиши жароҳатнинг оғирлигига, жарроҳлик аралашуви ҳаракетига ва касаллик асоратларига боғлиқ бўлади. операция олди даврида умумий ривожлантирувчи машқлар ва нафас олиш гимнастикаси қўлланилади. Бунда соғлом қўлларда вазминлаштирилган (гантел, тўлдирма тўп, эспандеро, резинали амортизаторлар ёрдамида) ва чўзувчи машқлар бажарилади.

Операциядан кейинги даврда даволаш гимнастикасини асосий вазифаси ўпка шамоллаши, венада тромблар ҳосил бўлиши, қайта айланишни тезлаштириш, маҳаллий лимфа ва қон айланишни тезлаштириш ва

бошқалардан иборат. Бунинг учун даволаш гимнастикаси жароҳатланган қисмларни жалб қилган ҳолда ўтказилади.

Ҳаракациз ҳолатга келтирилган (имоблизациядан сўнг) кейинги даврда гипс, аппарат бошқаларни олиб ташлангандан сўнг асосий диққатни жароҳат олган қисмни функциясини тўлиқ тиклашга қаратилади. Бунда даволаш гимнастикасидан ташқари сув ҳавзаларида ва тренажерларда машқ бажаришлар ҳам қўшиб олиб борилади.

Тикланиш (реабилитация) даврида асосий диққатни бузилган функцияни тиклаш ва иммоблизация асоратларини йўқотишдан иборат. Бу даврда соғлом қисмларда кўпроқ янги малакалар ва ишларни бажаришни компенсатор механизмлари вужудга келтирилади. Даволаш машқлари умумий ривожлантирувчи, сувда бажариладиган машқлар, чўзувчи тренажёр, массаж ва физиотерапиялардан иборат бўлади.

Бўғим касалликларида даволаш машқлари

Халқаро Соғлиқни Сақлаш Ташқилотини берган маалумотига кўра ер шарининг хар бешдан бир яшовчиси бўғим функциясини бузилишга дучор бўлиб уларда оғриқ борлигидан шикоят қиласди. Бўғим касалликларим турли –туман бўлиб асосан 2 хили мавжуд: булар артрит ва артрозлар. Артрит деб бўғимларни шамоллашига айтилади. Артроз деб бўғим тўқималаридағи дегениратив ўзгаришлар тушинилади. Бу биринчи навбатда тоғайда содир бўлади. Бу хар икки ҳолатда ҳам бўғимларни харакати ёмонлашади ва кучли оғриқ содир бўлади. Бордию битта бўғим шамолласа маноартрит бир-қанча бўғим шамолласа полиартит деб аталади Артритлар бир нечта гурухларга бўлинади: ревматик, юқумли дистрофик ва бошқалар. Бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда бунинг клиник кўриши, бўғимларни шишиши оғриқ асосан юрган пайтда махаллий хароратда ошиши бўғим атрофи тўқималарини шишиши ва шикастланган бўғимнинг харакати ёмонлашувидан иборат. Касалликнинг ўткир даврида бўғимни қизариши терининг махаллий хароратини ошиши бўғимда ва унинг атрофига сув тўпланиб шиш хосил бўлади Ҳаракат туфайли оғриқ вужудга келиши сабабли кучли оғриқ пайдо бўлиши туфайли бўғим харакати кескин ёмонлашади Касалликнинг сурункали турида харакацизлик ошиб боради бўғимлар қўполлашади ва сукни дағал ўсиши вужудга келади ва мускул кичиклашиши вужудга келади. Бўғим касалликлаида даволаш жисмоний тарбиясини кўллашнинг мақсади беморнинг умумий ахволини яхшилаш таянч-харакат органлари бошқа системалари ишини яхшилашдан иборат. Ярим ўткир ва сурункали даврларида заараланган бўғимларни оғритмасдан охиста харакатчалигини бузилишини йўқотиш, юрак томир, нафас ва организмнинг бошқа системалари ишини яхшилашдан иборат. Ярим ўтказкичлардан фойдаланилади. Оёқ бўғинлари заараланганда беморни кейинчалик юришга тайёрлаш мақсадида орқа мускуллари бошли мускуллар елка соҳаси мускулларини машқ қиласди. Кейинчалик юриш машқ қилинади. Тўғри қадам ташлашга ўргатилади. Ревматик артритларда даволаш жисмоний тарбияси ўткир ходисалари йўқолгандан

6 ой кейин буюрилади ва юрак клапанлари заарланиши пайдо бўлиши мумкинлиги сабабли бунга монейлик қилувчи ходисаларнинг бор –йўқлигига қараб иш тутилади. Секин суръатда бажариладиган машқлардан бошланади ва уларни мускулларга куч бермасдан бажарилади.

Гимнастикани иситиш, сув муолажалари ва массаж билан қўлланиши яхши самара беради.

Бўғим касаллиги кенг тарқалган бўлиб, оғир субъектив белгилар ва функцияларни бузилиши билан ўтади. Бу касаллик туфайли инсон иш қобилиятини йўқотади ва ногирон бўлиб қолади. Бўғин ҳаракатини камайиб қолиши вақтинчалик ва доимий бўлади.

Даволаш машқларини бу касалликдаги вазифаси қўйидагича:

1. Бўғинлар ҳаракатини тиклаш ва унинг кейинги бузилишини олдини олиш мақсадида зааррланган бўғимга таъсир қилиш.
2. Мускул системасини мустаҳкамлаш ва иш қобилиятини ошириш, бўғимларда қон айланишини яхшилаш, мускулларда атрофия ва гипертрофияни олдини олиш.
3. Боғлам аппаратига даволовчи таъсир кўрсатиш.
4. Узоқ вақт ҳаракақиз ҳолатда бўлишлик асоратлариша қарши курашиш.
5. Оғриқ сезгиларини камайтириш, ҳаракатланган бўғимларни миқдорий юкламаларга мослаштириш.
6. Метереологик омиллар ўзгаришига нисбатан организмнинг сезирлигини камайтириш, чиниққанлик, тренировка қилганлик ва умумий меҳнат қобилиятини ошириш кабилардан иборат.

Қомат бузилганда даволаш жисмоний тарбияси.

Қадди-қомат боланинг ёшлигидан бошлаб ўсиши, ривожланиши ва тарбияланишига қараб шаклланади. Тўғри шаклланган қадди – қомат кишини хушбичим қиласи, ҳаракат аппарати ва бутун организмнинг нормал ишлашига ёрдам беради. Одамнинг қомати тўғри шаклланган бўлса умуртқа поғонаси қийшайиши билинмас даражада, курак суягига бир – бирига нисбатан симметрик жойлашган иккала елка бир текисда қорин тортилган, оёқ тўғри, оёқ панжалари нормал мускуллари яхши ривожлагган бўлади, қомати нотўғрилиги айниқа унинг ўсиш даврида нотўғри шаклланши суяқ скелетида турғун ўзгаришлар хосил бўлишига нафас органлари қон айланиши овқат хазм бўлиши сийдик ажраши нерв ҳаракат аппаратини фаолиятини ёмонлашувига, бош оғришга, тез тез чарчашга, иштаха йўқолишига олиб келади. Елкаси туриб чиққан умуртқа поғонаси қийшиқ кишилар қомати нотўғри бўлади. Елкаси чиққан кишиларда елка мускуллари суст ривожланган, умуртқа поғонаси кўкрак қисми орқага бир текисда туртиб чиққан бош олдига эгилган, кўкрак қафаси ясси елка киришган қорин чиққан бўлади. Шалвайган қоматда бош эгилган, кўкрак қафаси ясси, елка киришган оёқлари тизза қисми букилган бўлади.

Қомат бузилишида умуртқа поғонасининг қийшайишига катта аҳамият касб этади. Нормал умуртқа поғонаси тик юришда мослашган бўлиб, пастга қараб кенгайиб боради. Умуртқа поғонасининг бел, кўкрак ва думғаза қисмларидан физиологик букилмалар бор. Бўйин ва бел қисмидаги букилмалар лордоз кўкрак ва думғаза қисмидаги букламалар кифоз деб аталади.

Бўйин ва бел қисмлари олдинга кўкрак ва думғаза қисмлари орғага қараб букилган бўлади. Бу букламалар бола бошининг мустақил кўтариб туриши, ўтира бошлиши ва тик туриш, юришидан бошлаб шаклланади. Одам умуртқа поғонасининг ўзгариши умуртқа поғонасининг қийшайиши дейилади. У уч хилда бўлади. Лордоз (олдинга), кифоз (орқага) ва Сколиоз (ёнга) қийшайиши орқали вужудга келади. Катта ёшдаги кишининг умуртқа поғонаси олд ва орқа томонга қараган кичикроқ букилмалар бўлади. Бу букилма ёшлидан аста секин айниқса бола тик туришига ва юришга ўргана бошлаганда вужудга келади. Бу касаллик бўлмай, балки физиологик ҳолат хисобланади. Умуртқа поғонаси касаллигига эса умуртқа поғонисанинг физиологик ҳолатидан чиқиб, олд ва орқа томонга қараб, қийшайиши кузатилади. Кифоз ёйсимон бўлиши мумкин. Бунда умуртқа поғонасиниг у ёки бу бўлаги орқа томонга қийшайган бўлади. Ёйсимон кифоз умуртқа поғонасининг кўкрак қисмида кўпроқ учрайди. Кифозни бу формасини олдини олиш сколиозга ўхшашдир. Уни даволаш гимнастикаси, физиотерапия буюрилади. Умуртқа поғонасининг орқага тортиб туртиб чиқиши кўпроқ кўкрак умуртқаларида кузатилади ва бу букирилик деб аталади. Букирилкка умуртқа поғонасининг турли касалликлари ва шикастланиши, кўпинча умуртқани сил билан касалланишига сабаб бўлади бу касални даволаб букирилкни олдини олиш мумкин. Лордазда умуртқа поғонаси ичкарига қийшяди. Кўпинча чаноқ суягининг сон суяги билан туташган буғинининг туғма чиқиши сабаб бўлади. Бел лордози қорнига её йиғилишидан ҳам пайдо бўлади. Лордозда умуртқалар деформацияланади ва оғрийди. Умуртқа поғонаси шикаслangan қисмининг харакатланиши қийинлашади. Лордозни даволашда унинг сабаби аниқлангач врач томонидан даво гимнастикаси ва массаж буюрилади.

Скалиозда даволаш жисмоний тарбияси

Сколиоз туғма (умуртқаларнинг нотўғри ривожланиши туфайли) бўлиши мумкин лекин кўпроқ 5 - 15 ёшли болаларда айниқса ўқувчилик орасида учрайди. Ўқув машғулотлари вақтида болалар партада гавдасининг нотўғри тутиб ўтириши натижасида умуртқа поганаси ва мускулларга оғирлик бир хилда тушмайди. Оқибатда мускуллар бўшашиб қолади. Умуртқа поғонаси бойламлари ва шаклининг ўзгариши турғун сколиозга сабаб бўлади. Болаларнинг ёшлидаги рахит бўлганлиги, катта ёшдагиларнинг доим бир қўлида юк кўтариши ҳам сколиозга олиб келиши мумкин. Умуртқанинг синиши ёки унинг айниқса сил оқибатида емирилиши натижасида ҳам сколиоз рўй беради. Кишининг бир оёғи калта бўлса ўша томонга энгашиб қадам ташлаши натижасида функционал сколиоз келиб

чиқади. Сколиознинг олдини олиш учун болаларни партада ва стол атрофида тўғри ўтиришга ўргатиш, врач буюрган даволаш жисмоний тарбияси машқларининг кунт билан бажариш массаж қилиш серҳаракат ўйинлар ўйнаш, очик хавода сайр қилиш катталарда эса меҳнат билан дам олишни тўғри алмаштириб туриш иш вақтида ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланиш лозим.

Умуртқа поғонасининг қийшайишини барча хиллари олдини олиш учун болаларни қадди қоматини тўғри тутишга ўргатиш, тана мускулларини мустахкамлайдиган комплекс машқларни хар куни бажариб туриши керак.

Юқорида кўрсатилиб ўтилгандек кифолордоз умуртқа поғонасида касаллик ҳолати хисобланмайди бу таянч харакат органининг физиологик ҳолати бўлиб, бунда шартли рефлекс натижаси катта рол ўйнайди. Бунда ички органларда касалликлар вужудга келиши мумкин.

Бу бошқача айтганда қоматни нуқсони хисобланади. Сколиоз эса касаллик бўлиб, бунда ички органларда касалликлар вужудга келиши мумкин. Бу бошқача айтганда қоматни нуқсони хисобланади. Сколиоз эса касаллик бўлиб бунда ички органларда ҳам хар хил ўзгаришлар содир бўлади, бу фақат нуқсон бўлмай касаллик ҳолати ҳамдир, сколиозни 4-та даражаси мавжуд бўлиб унинг бу даражалари умуртқа поғонаси суяклари ўз ўқи атрофида буралиш натижасида содир бўлади, унинг 1-даражаси бу бўрилиш 10 градусда ортмайди, 2-даражаси 30-градусгача, 3-даражада 30-60 градусгача ва 4-даражасида 60 градус ва ундан ошиш мумкин сколиозни 1-2 даражаларини маҳсус даволовчи машқлар орқали даволаш мумкин, аммо 3-4 –даражаларини даволаб бўлмайди, чунки бунда кучли поталогик ўзгаришлар содир бўлади, фақат оператция йўли билан даволанади. Умуман умуртқа поғонасини қийшайиши касаллик ва етишмовчиликларни маҳсус даволовчи жисмоний тарбия машқларидан фойдаланилади, жумладан тўғриловчи коррегирловчи симметрик ва асимметрик тўғриловчи машқлар қорин ва бошқа мускуллар системасига тўғриловчи машқлар берилади, буларни даволашда сузиш ва массаж катта аҳамиятга эга хисобланади.

Ясси оёқликда даволаш жисмоний тарбияси

Ясси оёқликда-оёқ панжаси гумбазининг ялпайиб текис бўлиб қолиши оёқ бўйига ёки энига ясси бўлиши мумкин. Гоҳо хар иккиси бирга учрайди оёқ энига ясси бўлса унинг тагига энига ялпаяди оғирлик эса оёқни 1 ва 5-чи бармоқларга тушмай бармоқ тагига кафт суякларининг бошчасига тушади, оёқ бўйига қараб ясси бўлса унинг таги ерга бир текис тегиб туради оёқ яссилиги туғма жуда кам ёки хаётда орттирилган бўлади, хаётда орттирилгани кўпроқ учрайди асосан оёқ панжаси мускул бойламлари аппаратининг заифлаши масалан рахит ёки хаддан ташқари зўр келиши оқибатида пойфзалнинг нокулай бўлиши маймоқлик, оёқ шикастланиши ёки фалажланиши кўпинча полимилитда

сабаб бўлади баъзан касаллик иш қунининг кўп қисмини оёқда тик туриб ўтказадиган кишилар сартарош, сотувчи ва бошқаларда пайдо бўлади. Касалликни дастлабки белгиси оёқ тез толиқади, таги оғрийди, болдир сон соҳасида ҳам оғриқ сезилади, кейинчалик оғриқ тизза бўғимлари белга ҳам тарқалади, кечкурга бориб оёқ шишидати кечаси шишиш қайтади ясси оёқликда кишилар оғини кериб, тизза ва чаноқ, сон бўғимини сал букиб кўлларини силкиб юришади, уларда кўпроқ пойфзалнинг пошнаси ва таг чарми, ички юзаси едирилади ясси оёқликни олдини олишда пойфзалнинг оддий ва қулай бўлиши, сиқмаслиги, пошнаси жуда баланд бўлмаслиги нихоятда мухим.

Кун бўйи тик оёқда туриб ишлайдиганлар вақти-вақти билан оёқларини тўғри узатиб 5-10 минут давомида дам олишлари керак. Болаларда учрайдиган ясси оёқликни олдини олиш учун уларнинг қади-қоматига эътибор бериш боши ва танасининг тўғри тутишга ўргатиш лозим оёқнинг мускул ва бойламларини мустахкамлашда бадан тарбия ва спорт билан шуғуланиш шунингдек ёзниг иссиқ кунларида тупроқда оёқ яланг юришнинг фойдаси бор. Оёғи ясси одамларни ортопед врач даволайди. Давони иложи борича эрта бошлаган маъқул, беморни уйда қилиши мумкин бўлган маҳсус гимнастика буюрилади кечкурун оёқни иссиқ сувга сув темпратураси 35-36 градус бўлиши керак солиб ўтириш сўнгра панжа ва болдирга бармоқдан юқорига қараб силаш, пайфзал ичига маҳсус патак стелка супинатор солиб кийиш ёки маҳсус пайфзал тавсия этилади бу тадбирлар ёрдам бермаса операция қилинади.

НАЗАРАТ САВОЛЛАР

1. Артрит нима ва унда даволаш жисмоний тарбиясини қўлланилиши.
2. Артроз қандай касаллик ва унда даволаш машқлари қўлланилиши.
3. Қомат деганда нимани тушунасиз?
4. Қоматни бузилиши нимадан иборат?
5. Қомат бузилганда қандай даволаш машқлари қўлланилади?
6. Сколиоз нима ва унда қандай даволаш машқлари қўлланилади?
7. Ясси оёқликда қандай даволаш машқлари қўлланилади?

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Артритда даволаш машқлари.
2. Артрозда даволаш машқлари.
3. Қоматни шаклланиши.
4. Қоматни бузилиши.
5. Қомат бузилганда даволаш машқлари.
6. Сколиоз ва уни даволаш машқлари.
7. Ясси оёқликда даволаш машқлари.

Адабиётлар

1. Гуселевич А.В. Медицинский справочник тренера. М. ФиС. 1981.
2. Дубровский В.И. Спортивная медицина. Учебник для студентов вузов – М. Гуманит. Изд. Центр. ВЛАДОС. 1998.
3. Дубровский В.И. Лечебная физическая культура. Учебник для студентов вузов – М. Гуманит. Изд. Центр. ВЛАДОС. 1998.
4. Дубровский В.И. Лечебный массаж. – М. Медицина. 1995.
5. Рихсиева О.А., Саидов Т.М., Нурмухамедов К.А., Рихсиев

19-маъруза. Модда алмашинуви касалликларида даволаш жисмоний тарбияси РЕЖА:

- 1. Моддалар алмашувининг бузилиши ва уларда даволаш машқлари.**
- 2. Семизликда даволаш машқлари**
- 3. Қандли ва қандсиз диабетда даволаш машқлари**

Моддалар алмашувининг бузилишларида даволаш машқлари

Маълумки аъзоларнинг ишлаб туришини тамиловчи жараён тўқималарнинг озиқланиши учун зарур бўлган овқат моддалари (оксил, ёғ, углевод ва витаминлар)нинг парчаланиши туфайли идора қилинади. Лекин айрим сабабларга кўра, озиқ моддаларининг парчаланиши издан чиққанда турли касалликлар пайдо бўлади. Масалан, қонда витамин С етишмагандан синга, урат моддалари кўпайиб кетганда подагра ва нихоят, вазопрессин гармони етишмовчилигига қандсиз диабет, инсулин гармони етишмагандан эса қандли диабет вужудга келиши мумкин.

Семизлик - ирсий сабаблар билан боғлиқ бўлиб, кўп овқат ейиш ва кам харакат қилиш натижасида юзага келади. Бунда беморлар иш қобилиятининг пасайганидан салга чарчаб қолиш, кўп терлаш, иштахаси зўрлигидан шикоят қиласидар. Агар одам жуда ҳам семириб кетса, юрак атрофини ёғ босиб, хансираб қолади. Корин қисмида ёғ тўпланганда ел йиғилади, ич қотади, қорин деворида ёғ тўпланганда ўт пуфагида тошлар пайдо бўлиши мумкин. Семизликнинг 4 даражаси: 1-даражаси - тана оғирлиги нормага нисбатан 30 фоизгача ошади; 2-даражада - 30 - 50 фоизгача; 3- даражада 50 - 100 фоиз ва 4- даражада 100 фоиз ва ундан юқори бўлади.

Даволаш жисмоний тарбиясига диета(пархез)терапияни қўшиб олиб борилиши семиришда ўзини катта натижасини беради. Бунда моддаларни парчалайдиган харакатларга кўпроқ эътибор бериш керак. Масалан, сиклик машғулотларга кўпроқ зўр берилиши керак. Гимнастик машқларга ҳам эътиборни тортиш зарур, чунки бу машқлар қорин, сон, кўкрак ва бошқа тана қисмларига таъсир кўрсатади. Эрталабки гигеник гимнастика (давомийлиги 15-30 минут) машқларида гимнастика машқлари, юриш, сайлар (яёв, велосипедда) ва қўл келадиган спорт ўйинлари кўлланилади.

Агар одам организмида витамин С етишмаса синга касаллиги пайдо бўлади. Бунда барча тўқималарда моддалар алмашинуви издан чиқади. Бу

хол ҳамма аъзоларда қон алманинишинг бузилишига олиб келади. Оғиз бўшлигига майда яралар хосил бўлади, улардан қон оқиб туради. Беморнинг мадори қуриб, мушакларида оғриқ пайдо бўлади, хатто терисига тошмалар тошади, майда қон қувилишлари, кўкимтири (айниқса оёқнинг болдир ва тизздан паст қисмларида оролчалар хосил бўлади.

Подагра касаллиги ҳам моддалар алмашуниви бузилиши касаллигига кириб, у асосан қонда урат кислотасини кўпайиб кетишидан келиб чиқади. Бунда bemor оёқ товонлари оғришидан, бўғимлари шишиб кетиши, оёқ бармоқларини қимирлатганда оёқ тагида оғриқ пайдо бўлишидан шикоят қилади. Бўғимларда урат кислотанинг йиғилиши натижасида бўғимлар ўзгариши, қулоқда ҳам тугулар пайдо бўлиши мумкин. Касаллик бир неча йил чўзилиб кетганда (5-10 йил) тез-тез сийиш, буйракда тош йиғилиши натижасида белда оғриқ, оғиз қуриши, озиш, қувватсизлик каби белгилар пайдо бўлади. Бу касалликда даволаш машқларини қўллаш организмдан сийдик кислотасини чиқариб юборилишини тезлаштиради.

Қандли диабет- эндокрин бези касалликларидан бири бўлиб, бунда меъда ости безининг лангерганс оролчаларидаги бета хужайралардан инсулин гормони кам ишлаб чиқарилади. Бунда bemor кўп чанқайди, кўп сув ичади, тез-тез сияди (10-15 литргача). Шунингдек тез қорин очишлиқ, кам қувватлик, кўришни пасайиб кетиши каби белгилар пайдо бўлади. Қанд касаллигига даволаш машқларини қўллашнинг асосий мақсади тўқималарни кучини ошириш, қондаги глюкозани йўқотиш ва уни мускулларда тўпланишини таъминлашдан иборат. Даволаш жисмоний тарбиясини қўллаш қонда қанд миқдорини меъёрлаштиради ва организмни чидамлилигини оширади. Қанд касаллигини енгил кўринишида даволаш жисмоний тарбияси барча мускулларга машқ бериш орқали амалга оширилади. Харакат катта амплитудада, секин ва ўртacha тезлиқда, кичик мускул гурухларида тез. Секин-аста машқлар мураккаблаштирилиб (бошқарув машқлари) борилади ва анжомлар билан олиб борилади (нарвон ва скамейкаларда). Машғулотни давом этиши 30-40 минут. Тифизлиги юқори даражада. Бундан ташқари миқдорлаштирилган юриш (аста-секинлик билан 5 км дан 10-12 км гача ошиб борувчи) спорт машқлари (конкида учиш, сузиш, эшкак эшиш, югуриш) ўйинлар (волейбол, бадминтон, теннис)ни жуда қаттиқ врач-педагогик назорат асосида олиб борилади.

Қанд касалининг ўртacha оғирликдаги ҳолатида даволаш жисмоний тарбияси дориларни турғунлаштиришга ёрдам беради. Бундан ҳамма мускул системаларига ўртacha ва кичик тезлиқдаги машқлар берилади. Машғулот давомийлиги 25-30 минут тифизлиги юқори эмас. Бундан даволаш жисмоний тарбиясидан тарбиясидан ташқари миқдорий юриш ҳам қўлланилади (2-7 км).

Оғир ҳолат ва юрак қон-томир касалликларида қўлланиладигандек амалга оширилади. Бунда умумий организмга оғирлик катта эмас ва ўртacha бўлади. Бунда кичик ва ўрта мускул гурухларига машқлар аста-секинлик ва эҳтиётлик билан олиб борилади. Бунда организмни оғирликка нисбатан мослашиши хисобга олинади. Оғирлаштиришда шу нарсани хисобга олиш

керакки, аста-секин қўлланилган жисмоний машқ қандни миқдорини камайтиради, чунки бунда нафакат мускулдаги гликоген, хатто қондаги қанд ҳам. Даволаш жисмоний тарбиясини камида бир соат инсулин юборганда ва енгил овқатланганда сўнг амалга ошириш лозим. Акс холда гипогликемия вужудга келади.

Қандсиз диабет эндокрин бези касалликларидан бири бўлиб, бунда хасталик гипофиз орқа бўлмачасидаги антидиуретик гармон, яъни возобressин етишмовчилигидан пайдо бўлади. Беморлар кўп сийишга (10-40 л), қаттиқ чанқоқликга, уйқусизликга (жуда кўп чанқаб, кўп сийиш натижасида) кечкурунлари безовта бўлиши натижасида жizzакиликка мойил бўладилар. Бундан ташқари bemорни қувватсизлик, совуқ қотиш, ич қотиш, тери қуриши ҳам безовта қиласи.

НАЗАРАТ САВОЛЛАР

1. Семириш қандай касалликларга киради ?
2. Подагра касаллиги қандай касаллик ?
3. Қандли диабет қандай касаллик ?
4. Қандсиз диабет қандай касаллар сирасига киради ?
5. Модда алмашунуви бузилишида даволаш жисмоний тарбиясини қўлланилиши.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

1. Семиришда даволаш машқлари.
2. Подагра касаллигига даволаш машқлари.
3. Қандли диабетда даволаш машқлари.
4. Қандсиз диабетда даволаш машқлари.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Дубровский В. И. Лечебная физическая культура Учебник для студентов вузов. М.Гуманит.издю.центр. ВЛАДОС, 1998.
2. Личебная физическая культура М. ФиС. 1988
3. Спортивная медицина. Лечебная физическая культура и массаж М. ФиС. 1985.

